ния содержит юридическую оценку совершенного общественно опасного деяния, данную государством преступлениям этого вида, обеспечивает возможность назначения соразмерного и справедливого наказания за совершенное преступление, а также является необходимым условием соблюдения принципа законности при определении уголовной ответственности за конкретные преступления и обеспечивает соблюдение конституционных прав человека.

Вместе с тем, следует подчеркнуть, что квалификация преступления представляет собой сложный мыслительный процесс, требующий логического сопоставления и оценки многочисленных факторов, признаков и обстоятельств совершенного общественно опасного деяния и состава преступления, предусмотренного уголовным законодательством. Вопросы квалификации общественно-опасного деяния, значительно осложняются при квалификации преступлений, предусмотренных разными уголовно-правовыми нормами. Такое положение возникает при конкуренции уголовно-правовых норм.

В теории уголовного права под конкуренцией понимают случаи, при которых одно преступное деяние одновременно содержит признаки двух или более уголовно-правовых норм, содержащихся в самостоятельных статьях или частях статьи Особенной части УК. При этом выделяют три ее разновидности: а) конкуренция общей и специальной нормы; б) конкуренция специальных норм; в) конкуренция норм части и целого<sup>2</sup>. Общим требованием для всех указанных видов конкуренции уголовно-правовых норм, является то, что при квалификации преступлений должна быть применена лишь одна из конкури-

рующих уголовно-правовых, т.е. та, которая наиболее точно отражает социальную и правовую природу совершенного общественно опасного деяния. Из этого следует, что правильная квалификация при конкуренции уголовно-правовых норм непосредственно зависит от того, насколько точно определен характер каждой из конкурирующих уголовно-правовых норм.

Первый вид - *конкуренция общей и специальной нормы*. Общий состав охватывает все возможные его разновидности, которые предусмотрены уголовным законом. Общая - это норма, предусматривающая определенный вид неконкретизированных деяний. Предназначение общей нормы состоит в определении в диспозициях норм основных составообразующих признаков состава преступления. Они обязательно присутствуют в специальных нормах с добавлением одного или более иных признаков. Следовательно, специальная норма, обладая признаками общего состава содержит дополнительные признаки, которые характеризуются большей или меньшей степенью общественной опасности конкретного деяния<sup>3</sup>. Например, должностной подлог, предусмотренный ст.209 УК представляет собой специальную норму по отношению к общей норме – ст. 205 УК. С учетом этого, если единое деяние подпадает одновременно под две нормы, одна из которых является общей, а другая специальной, т.е. в случаях конкуренции общей и специальной нормы, применяется только специальная норма. Это правило основано на разъяснениях, содержащихся в п. 8 постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 5 мая 2008 г. «О вопросах квалификации деяний при множественности преступлений» где конкретно указывает-

2 Р.Кабулов, А.А.Отажонов, Д.Ю.Пайзиев ва бошқ. *Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик* // – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016 й. 181-201-б.

3 Кузнецова Н.Ф. *Проблемы квалификации преступлений: Лекция по спецкурсу «Основы квалификации преступлений»* // Науч.ред. и предисл. Академика В.Н.Кудрявцева. – М.: Издательский Дом «Городец», 2007 г.- С.123-126.



ся: «При совершении деяния, объект, который указан в нескольких статьях УК (конкуренция общей и специальной нормы), совокупность преступлений отсутствует, и оно подлежит квалификации по специальной норме». Поскольку превосходство специальной нормы над общей основано на правиле отмены действия общей нормы специальной нормой.

В целях обеспечения реализации принципов «законности» (ст. 4 УК), «справедливости» (ст. 8 УК) и «виновной ответственности» (ст. 9 УК) в процессе расследования преступления, представители правоприменительных органов обязаны руководствоваться достижениями теории уголовного права и разъяснениями высшего судебного органа по вопросам квалификации преступлений. Несмотря на это, в правоприменительной практике нередко допускаются ошибки. Так, например в 2009 году старший следователь ГУВД г.Ташкента К. в процессе расследования уголовного дела по обвинению М. в преступлениях, предусмотренных ч.3 ст.135 УК приобщил к материалам уголовного дела расписку, которая получена от жены М. о возврате денег ей на сумму 228.700 сум и 2.500 тенге Казахстана. Эти деньги изъяты у М. в момент его задержания, которые в дальнейшем, как было установлено, не имели отношение к уголовному делу, и силу этого в соответствии ст.198 УПК подлежали к возврату семье М. Однако, указанная сумма денег фактически жене М. якобы была не возвращена, чем причинен существенный вред интересам М. Эти действия старшего следователя К. судом были переквалифицированы с п. «б» ч. 3 ст.210 УК на ч.ч.1 ст. 205 и 209 УК по правилам совокупности преступлений. В последующем К. освобожден от уголовной ответственности на основании

ст.64 УК в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности<sup>4</sup>.

Рассматривая по кассационной жалобе уголовное дело в отношении старшего следователя К. судебная коллегия кассационной инстанции Ташкентского городского суда по уголовным делам в своем определении от 5 декабря 2017 г. приговор первой инстанции, к великому сожалению, оставил без изменений<sup>5</sup>.

Представляется, что приговор суда первой и определение кассационной инстанции по данному уголовному делу в части переквалификации действия старшего следователя К. с п. «б» ч. 3 ст. 210 УК на ч.ч. 1 ст. 205 и 209 УК признать обоснованной нельзя. Так как, квалификация преступлений, в подобных ситуациях, по правилам совокупности преступлений противоречит правилам квалификации при конкуренции общей и специальной нормы и положениям, содержащимся в п. 8 вышеупомянутого постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан.

В связи с тем, что в указанном случае, имеет конкуренция общей и специальной нормы, допустимо применения только ст.209 УК, предусматривающая ответственность за должностной подлог при условии доказанности других конструктивных признаков этого состава преступления.

Вопросы доказанности наличия в действиях старшего следователя К. признаков преступления, предусмотренной ч.ч. 1 ст. 205 и 209 УК по приговору суда также вызывает серьезные сомнения. Ибо, как преступление, предусмотренное ст.205 УК, так и 209 УК по законодательной конструкции являются материальными. Для установления признаков преступления, в действиях виновного лица необходимо,

4 Архив Учтепинского районного суда по уголовным делам г. Ташкента за 2017 г.

5 Архив Ташкентского городского суда по уголовным делам за 2017 г.



чтобы причиненный вред интересам граждан, общества или государства судом был признан «существенным». Формально излагать в приговоре суда диспозицию уголовного закона и в обобщенной форме, указать на «существенность вреда» недопустимо. Конструктивным элементом описательной части обвинительного приговора - указывается в п. 24 постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 23 мая 2014 г. № 07 «О судебном приговоре» - являются мотивированные выводы суда относительно квалификации преступления по той или иной статье уголовного закона, его части или пункту. При этом должно быть конкретно указано, почему именно по этой статье, части, пункту квалифицируются действия виновного. Признавая подсудимого виновным в совершении преступления по признакам, относящимся к оценочным категориям (например, существенный вред, ...), суд также обязан привести исчерпывающие обстоятельства, послужившие основанием для наличия в содеянном указанного признака». Следовательно, для признания приговора суда по приведенному уголовному делу соответствующим принципам «законности» и «справедливости», а также разъяснения, содержащими в п.24 упомянутого Постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан необходимо указать в нем, в чем конкретно выражена существенность вреда. При этом, вывод суда о существенности вреда должен быть обстоятельно мотивирован, содержать обоснование, почему в этом конкретном случае вред признается существенным и образует преступное последствие должностного нарушения.

Второй вид – конкуренция специальных норм, предусматривающих отягчающих

или смягчающих вину обстоятельств. Такая конкуренция возникает в случаях, когда законодатель предусматривает специальные нормы в зависимости от наличия в общественно опасном деянии отягчающих или смягчающих вину обстоятельств. С учетом этого, можно выделить следующие разновидности такой конкуренции: а) конкуренция норм, предусматривающих отягчающие и смягчающие вину обстоятельства; б) конкуренция норм с отягчающими и особо отягчающими вину обстоятельствами; в) конкуренция норм, содержащие несколько смягчающих вину обстоятельств<sup>6</sup>.

При наличии в специальных нормах отягчающих и смягчающих вину обстоятельств, квалификация деяния должна проводиться по той статье УК, которая предусматривает смягчающее вину обстоятельство. В этом случае, приоритет имеет норма со смягчающим вину обстоятельством.

Это правило основано на разъяснениях, содержащихся в абзаце первом п.9 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О вопросах квалификации деяний при множественности преступлений», где указано, что: «В случае совершения деяния при наличии квалифицирующих признаков, отягчающих ответственность (например, особая жестокость при убийстве), и наряду с этим других признаков, являющихся основанием квалификации этого же деяния, как совершенного при смягчающих ответственность обстоятельствах (например, в состоянии аффекта) совокупность преступлений отсутствует. Деяния в таких случаях подлежат квалификации по статье УК, предусматривающей менее строгую ответственность за совершение данного преступления (например, убийство, совершенное с особой жестокостью в состоянии аффекта»

6 Ачилов И.Т. Объект как элемент состава преступления и его значение для квалификации // Автореф. докт. философия (PhD) по юрид. наукам. Ташкент, 2022 г. – С. 41-42.



та, подлежит квалификации только по статье 98 УК)».

Рассматриваемое правило квалификации преступлений, обосновывается и в теории уголовного права, как его гуманными принципами, так и тем, что законодатель придает в данном случае более важное значение обстоятельствам, смягчающим ответственность лица, чем, нежели фактом противоположного характера<sup>7</sup>.

Другой разновидностью правила о конкуренции специальных норм является правило, которое относится к случаям конкуренции отягчающих и особо отягчающих вину обстоятельств. В данном случае применяется та норма, которая содержит особо отягчающее вину обстоятельство и устанавливает более строгое наказание.

Приведенное правило базируется, прежде всего, на толковании уголовно-правовых норм, то есть на самом законе. Например, в ч. 3 ст. 113 УК установлена ответственность за распространение венерического заболевания или ВИЧ-инфекции/СПИД, где прямо указывается на действия, предусмотренные частями первой или второй настоящей статьи, совершенные в отношении: а) двух или более лиц; б) несовершеннолетнего.

Следовательно, если распространение венерического заболевания или ВИЧ-инфекции/СПИД совершено в отношении двух или более лиц либо несовершеннолетнего, то содеянное подлежит квалификации только по соответствующим пунктам ч. 3 ст. 113 УК.

Аналогичное положение закреплено и в ч. 2 ст. 33 УК, где указано: «Если совершенное лицом деяние содержит признаки преступлений, предусмотренных разными частями одной и той же статьи Особенной части настоящего Кодекса, ответственность наступает по той части статьи,

в которой установлено более строгое наказание».

Анализируемое правило нашло подтверждение также в п.14 вышеприведенного постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О вопросах квалификации деяний при множественности преступлений», где подчеркнуто: «Если повторность в уголовно-правовой норме указана в качестве квалифицирующего признака, то совершение лицом нескольких тождественных, либо других, составляющих повторность преступлений, подлежит квалификации по соответствующей статье (части статьи) УК, предусматривающей ответственность за повторность совершения данного преступления».

Аналогично, подлежит квалификации одно деяние, в котором наряду с повторностью установлены и иные квалифицирующие признаки, указанные в других частях данной статьи УК (например, при совершении кражи, в отношении которой установлен квалифицирующий признак - повторность, указанный в части третьей статьи 169 УК, и другие квалифицирующие признаки, указанные в других частях данной статьи УК (например, при совершении кражи, в отношении которой установлен квалифицирующий признак - повторность, указанный в части третьей части 169 УК, и другие квалифицирующие признаки, указанные в части четвертой этой статьи, то деяние подлежит квалификации по части четвертой статьи 169 УК)».

При конкуренции специальных норм, содержащих несколько смягчающие вину обстоятельства, применяется только та норма, которая предусматривает более мягкое наказание за совершенное общественно-опасное деяние. Так, если в состоянии сильного душевного волнения

<sup>7</sup> Корнеева А.В. *Теоретические основы квалификации преступлений. Учебное пособие.* - Москва, изд-во «Проспект», 2023 г. - С.144.



лицо, защищаясь от нападения, причиняет нападающему смерть, здесь имеются конкуренции ст.98 УК (умышленное убийство в состоянии сильного душевного волнения) и ст.100 УК (умышленное причинение смерти при превышении пределов необходимой обороны). Более мягкой является мера наказания, предусмотренная ст.100 УК, что и обуславливает в этом случае оценить содеянное как умышленное причинение смерти при превышении пределов необходимой обороны и квалифицировать только по ст.100 УК.

Это правило вытекает из толкования содержания абзаца 2 п.9 упомянутого в постановлении Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан «О вопросах квалификации деяний при множественности преступлений», в котором отмечается: «В случаях, когда разные квалифицирующие признаки, смягчающие уголовную ответственность за совершение одного и того же преступления, предусмотрены в нескольких статьях УК, то деяние подлежит квалификации по той статье УК, которая предусматривает менее строгую ответственность (например, убийство, совершенное при превышении пределов необходимой обороны и в состоянии аффекта, подлежит квалификации только по ст. 100 УК)».

Третий вид – *конкуренция норм части и целого*. При квалификации преступлений конкуренция норм части и целого имеет место в тех случаях, когда в законодательстве содержится несколько норм, одна из которых охватывает совершенное деяние в целом, а другие нормы предусматривают ответственность за отдельные части этого целого. Так, примером конкуренции норм части и целого может служить статья 277 УК, в которой в качестве квалифицирующего признака предусмотрено хулиганство, сопряженное с умышленным уничтожением или повреждением чужого имущества, причинившее круп-

ный ущерб (п. «е» ч.2 ст.277 УК) и связанное с сопротивлением представителю власти или общественности, выполняющему обязанности по охране общественного порядка, либо иным гражданам, пресекающим хулиганское поведение (п. «г» ч.3 ст.277 УК). Будучи самостоятельными видами преступлений умышленное уничтожение или повреждение имущества (ст. 173 УК), а также сопротивление представителю власти или лицу, выполняющему гражданский долг (ст.219 УК), в этом случае представляют собой часть целого преступления- хулиганства.

В подобных ситуациях перед правоприменителем возникает вопрос о необходимости квалификации деяния по совокупности или квалификации деяния как одно единое преступление с квалифицирующими признаками. Анализ подобных ситуаций позволяет сделать обоснованный вывод о необходимости квалификации деяния как одно единое преступление. Преступление, в этих случаях, квалифицируется по той норме, которая охватывает с наибольшей полнотой все его фактические признаки. Следовательно, при конкуренции норм части и целого квалификация осуществляется по статье УК, которая охватывает совершенное деяние в целом.

Приведенное правило основано на положении действующего законодательства, согласно которому виновный должен нести полную ответственность за свои противоправные действия и которое отражено в ст.2 УПК, содержащей требования полного раскрытия преступлений и изобличения виновных, «...с тем, чтобы каждый, совершивший преступление, был подвергнут справедливому наказанию...».

В заключении необходимо отметить, что в доктрине уголовного права сложилось определенная позиция, применительно к правилам квалификации преступлений при конкуренции уголовно-правовых норм. И это правило, основывается на



конкретных разъяснениях соответствующих постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан и положениях уголовного и уголовно-процессуального законодательства. Несмотря на это, как были приведены факты, в правоприменительной практике, нередко допускаются ошибки при квалификации преступлений. Поэтому, полагаем целесообразным, на законодательном уровне закрепить рассмотренные нами, правила квалификации преступлений при конкуренции

уголовно-правовых норм. Законодательное регулирование правил квалификации преступлений при конкуренции уголовно-правовых норм, непременно обеспечат единообразное и правильное применение норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства и способствуют реализации соответствующих положений содержащиеся в Указе Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № УП-158 «О Стратегии «Узбекистан – 2030»».

.....  
#  
\_\_\_\_\_



Фарходжон НАЗАРОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
кафедра бошлиғи, мустақил изланувчи

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МУСТАҚИЛЛИК ПРИНЦИПИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Прокуратура органлари фаолиятини самарали амалга оширишда мустақиллик принципи муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур мақолада мустақиллик принципнинг ўзига хос жиҳатлари илмий асосланган ҳолда таҳлил қилинган. Шунингдек, мустақиллик принципнинг зарурати ҳамда ҳуқуқий кафолатлари билан биргаликда унинг сиёсий ва бошқа асослари ҳақида ҳам фикр юритилган. Бу борада мустақиллик принципини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**АННОТАЦИЯ.** Принцип независимости важен для эффективного осуществления деятельности прокуратуры. В данной статье с научной точки зрения анализируются конкретные аспекты принципа независимости. Также, наряду с необходимостью и правовыми гарантиями принципа независимости, обсуждались также его политические и другие основы. В связи с этим разработаны предложения и рекомендации по правовому закреплению принципа независимости.

**ABSTRACT.** The principle of independence is important for the effective implementation of the activities of the prosecutor's office. This article analyzes specific aspects of the principle of independence from a scientific point of view. Also, along with the necessity and legal guarantees of the principle of independence, its political and other foundations were also discussed. In this regard, proposals and recommendations have been developed for the legal consolidation of the principle of independence.

**Калит сўзлар:** прокурор, прокуратура фаолияти, фаолиятни ташкил этиш, прокуратура фаолиятини ташкил этиш принциплари, мустақиллик, қонунийлик, ички мустақиллик, ташқи мустақиллик, ҳисобдорлик.

**Ключевые слова:** прокурор, деятельность прокуратуры, организация деятельности, принципы организации деятельности прокуратуры, независимость, законность, внутренняя независимость, внешняя независимость, подотчетность.

**Key words:** prosecutor, activities of the prosecutor's office, organization of activities, principles of organization of the activities of the prosecutor's office, independence, legality, internal independence, external independence, accountability.

Прокуратура органларининг мустақиллиги прокуратура фаолиятини ташкил этиш ва прокурор назоратини амалга оширишда муҳим ўринга эга бўлган конституциявий принциплардан ҳисобланади.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 144-моддасида прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилиши, Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланиши, вилоятларнинг

прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланиши каби муҳим нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб<sup>1</sup>, ушбу меъёрлар прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлашда муҳим кафолат вазифасини бажаради.

Юридик адабиётларда прокуратура органлари фаолиятидаги мустақиллик принципини ҳар бир прокурор ва терговчи ўзининг барча қарорлари ва ҳаракатларини фақат қонун ҳужжатлари, ички ишончи ҳамда ўтказилган текшириш ва тергов материаллари асосида тўлиқлик, ҳар томонлама ва холислик талаблари асосида амалга оши-

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган // <https://lex.uz/docs/6445145#6446164>



риши эканлиги кўрсатилади<sup>2</sup>.

Бироқ юқорида мамлакатимиз Асосий қонунида мустақамлаб қўйилган прокуратура органлари фаолиятининг мустақиллиги билан юридик адабиётларда илгари сурилган “мустақиллик” тамойилини фаолият доираси нуқтаи назаридан таҳлил қилган ҳолда, уни ташқи ва ички мустақилликка ажратиш мумкин, деган хулоса илгари сурилади. Бунда прокурорларнинг ички мустақиллиги – ўз вазифаларида шаффофлик ва адолатлилик, иш фаолиятини баҳолаш, ишга қабул қилиш, лавозимга кўтариш, ишдан бўшатиш ва иш ҳақи масалалари билан боғлиқ мустақилликни ўз ичига олади.

Ташқи мустақиллик эса, прокуратуранинг “учала ҳокимият” тизимига кирувчи барча органлардан ва бошқа субъектлардан мустақил фаолият кўрсатишида намоён бўлади.

Прокуратура фаолиятида мустақиллик тамойилига риоя қилиш прокурорнинг сиёсий мустақиллигини ҳам талаб қилади. Прокуратура фаолиятига сиёсий таъсир кўрсатиш эҳтимолини истисно қилиш учун ходимлар хизматни ўташ даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туришлари лозимлиги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида мустақамланган.

Шу ўринда прокуратура органларининг ваколатлари ва мажбуриятлари фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланишини назарда тутган ҳолда, фаолиятни белгиловчи муҳим мезон – “қонунийлик” тамойили ҳам “прокурорнинг мустақиллиги” реал таъминланмасдан туриб амал қилиш имкони бўлмади.

Қонунга биноан, прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбе-

кистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра амалга оширилишидан қатъи назар, қонунни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Маълумки, прокурорлар зиммасига қонунлар ижроси устидан назорат борасидаги қатта ваколатлар билан бирга, Конституция ва қонунларга риоя этиш бўйича жиддий масъулият ҳам юклатилган ҳамда жавобгарликнинг асослари анчайин қатъий белгиланган.

Дарҳақиқат, прокуратура қонунлар ижроси устидан назорат олиб боришда фақат қонунга таяниши ва ваколат доирасидан заррача четга чиқмаслиги лозим.

Бу борада Ю.Э.Винокуровнинг фикрига кўра, “Мустақиллик тамойили ўта муҳим давлат ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, унга доимий риоя қилинган тақдирдагина прокуратура органлари жамиятда қонун устуворлигини ва яхлитлигини таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, давлат ва жамият манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди”<sup>3</sup>.

Ўзбек ҳуқуқшуноси З.С.Ибрагимовнинг таъкидлашича, “Мустақиллик тамойили прокуратура органлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ва адолатли давлатчилик тузумини барпо этишга киришган дастлабки кунлардан оқ, прокуратура органларининг фақат қонунга асосланган ҳолда фаолият кўрсатиши белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура органларини партия кў-

2 Осипян С.А. *Российский федерализм и конституционно-правовой статус прокуратуры: концептуальные проблемы* // Диссертация соиск. учен. степ. доктора юридических наук. - Москва, 2006 г. // <https://www.disserscat.com/content/rossiiskii-federalizm-i-konstitutsionno-pravovoi-status-prokuratury-kontseptualnye-problemy>

3 Прокурорский надзор / Под ред. Винокурова Ю.Е. - М., 2004 г. С.40.



миталари ва маҳаллий ҳокимият идораларининг таъсиридан халос этди”<sup>4</sup>.

Яна бир ҳуқуқшунос олим О.М.Мадалиев эса, “мустақиллик тамойили – бу прокурорлар томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб боришларидир (назоратни амалга ошириш, тергов олиб бориш ва б.)”<sup>5</sup>, деб қайд этган.

“Мустақиллик” тамойилига берилган таъриф ва унинг аҳамияти ҳақидаги юқоридаги олимларнинг фикрини қувватлаган ҳолда қўшимча қилмоқчимиз – прокурор фаолиятига аралашув, тўсқинлик ёки бошқа шу каби хатарлар унинг функциясини “қонуний” ва “самарали” амалга оширишига тўсиқ ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, албатта, ҳар бир прокурор ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмаларига асосланиши лозим.

Прокуратура органларига ҳар қандай шаклдаги босим бўлмаслиги керак. Бунда нафақат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, уларнинг вакиллари ва мансабдор шахслари, балки олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ҳам ноқонуний таъсир ўтказилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Бизнингча, прокурорнинг бевосита вазифаси – қонун устуворлигини таъминлаш функцияси хусусиятидан келиб чиққан ҳолда прокуратуранинг ўз фаолиятида имкон қадар мухтор ва мустақил ваколатларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, мустақиллик тамойи-

ли прокурорлар зиммасига юклатилган вазифаларнинг фақат қонун асосида, тўлиқ ва самарали амалга оширишларига имкон яратиб берадиган ҳуқуқий мезондир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда амалиётимизда прокурорларнинг мустақиллигини таъминлашда бир қанча муаммолар кузатилмоқда. Бу муаммолар асосан прокуратура органларининг функция ва вазифаларининг белгиланишида, назорат функцияси қаторида ижро ҳокимияти функцияларининг юклатилишида кўринади.

Албатта, прокурорнинг мустақиллиги унинг чексиз ваколатларга эга бўлиш имконини ёки шунга интилишини англамайди, балки унинг ҳисобдорлиги давлат бошқаруви тизимида маълум бир идоранинг мутлақ ваколатларга эга бўлиб қолишидан ва ҳокимият мувозанати бузилишидан сақлаб туради.

Айнан прокурорнинг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасидаги узвийлик ва мақбул мувозанат борасида қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Кўплаб Ғарб давлатлари олимлари прокурор мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасида оқилона мувозанат сақланиши лозим<sup>6</sup>, деб ҳисоблашади. Яна бир гуруҳ олимлар прокурор ҳисобдорлиги суд жараёнидан ташқари бошқа барча ҳолатларда бўлиши лозим<sup>7</sup>лигини таъкидлашади.

Бу борада АҚШлик олимлар Jerg Gutmann ва Stefan Voigtнинг прокурор мустақиллигини (prosecutorial independence – PI) ва ҳисобдорлиги (prosecutorial accountability – PA) ўлчаш ҳамда уларнинг ўзаро таъсири юзасидан олиб борган тадқиқотини анчайин аҳамиятли деб

4 Ибрагимов З.С. *Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили)* - Т.: “Ношир”, 2011 й. 183-б.

5 Мадалиев О.М. *Прокурор назорати*. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009 й. 106-б.

6 Di Federico, Giuseppe. 1998. “Prosecutorial Independence and the Democratic Requirement of Accountability in Italy: Analysis of a Deviant Case in a Comparative Perspective.” *British Journal of Criminology* 38 (3): 371–87

7 Gordon, Sanford C. 2009. “Assessing Partisan Bias in Federal Public Corruption Prosecutions.” *American Political Science Review* 103 (4): 534–54



ҳисоблаш мумкин.

Уларнинг таъкидлашича, прокурор мустақиллиги – қонун устуворлигини амалга ошириш учун муҳим шартдир. Агарда прокуратура ҳукуматдан мустақил бўлма-са, унда айрим шахсларнинг мавқеи қонун устуворлигидан устун келади ва натижада ҳукумат жинойий жавобгарликка кимни тортиш ёки тортмаслик масаласига таъсир кўрсата бошлайди.

Шу билан бирга, агар прокурорлар айбдор шахсларни жинойий таъқиб қилмаслик ёки ноқонуний айбловни илгари суриш бўйича коррупцияга йўл қўйса, прокурор мустақиллигининг, ҳаттоки юқори даражасида ҳам мансабдор шахсларга қарши жинойий ишларни юритиш самарали бўлмайди<sup>8</sup>.

Мазкур олимларнинг тадқиқотида “прокурорлар мустақил эмаслиги” ва “прокурорлар коррупциялашганлиги” ҳолатининг жинойий таъқиб тизимига нисбатан салбий таъсирига оид сўровлар натижаларини World Justice Project (Жаҳон адолат лойиҳаси)нинг доимий кўрсаткичларига жамлаш орқали прокурорлар мустақиллиги (PI) ва ҳисобдорлиги (РА) даражаси аниқланади.

Қизиқарлиси, ушбу адабиётдаги мезонларга асосан тузилган рейтингда Ўзбекистон прокуратураси 99 та давлат ўртасида прокурорлар мустақиллиги (PI) бўйича 41-ўрин, ҳисобдорлиги (РА) бўйича эса 28-ўринни эгаллаган.

Шу жойда муаллифлар маълумотлар тўлиқ ва етарли эмаслиги нуктаи назардан ушбу ўлчовнинг ҳақиқий вазиятга мос келмаслигининг эҳтимоли ҳақидаги жиддий хавотирларини<sup>9</sup> баён қилганликларини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Бундан ташқари, van Aaken ва бошқа муаллифлар ўзларининг тадқиқот ишида прокурор мустақиллигининг давлат секторидаги коррупцияга таъсирига алоҳида эътибор қаратишган.

Уларнинг фикрига кўра, прокурорлар ҳукумат таъсиридан мустақил бўлсаларгина мансабдор шахслар содир этган жиноятлари учун юқори эҳтимол билан жавобгарликка тортилади. Жавобгарликнинг йўқлиги эса жиноятни келгусида ҳам содир этиш хавфини оширади.

Бу олимлар прокурор мустақиллигининг икки мезони, яъни “de jure” ва “de facto”ни илгари суришган ва уларнинг тадқиқоти фақатгина “de facto” прокурор мустақиллигининг юқори даражаси давлат секторидаги коррупция эҳтимолининг даражасини пасайтиришини кўрсатган<sup>10</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, прокурор мустақил бўлсагина мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларига нисбатан муросасиз кураша олади. Бу жараён, айниқса, коррупциянинг олдини олишда катта самара беради.

Шунингдек, прокурорнинг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасида оқилона мувозанат бўлиши керак ва унинг қай даражада оқилона ва самарали эканлиги масаласи реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда юқоридаги каби илмий тадқиқотлар асосида ўлчаниши, баҳолаб борилиши ва шу асосда зарур тўхтам ва ечимларга келиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқача айтганда, прокурорлар ҳар қандай ноқонуний аралашувдан мустақил бўлса-да, лекин улар пора олишга ёки бошқа ноқонуний коррупциявий йўллар билан бойишга мойил бўлса, назорат, масъулият ёки жавобгарлик механизми мавжуд эмас-

8 Jerg Gutmann, Stefan Voigt. October 11, 2019. “The Independence of Prosecutors and Government Accountability” by the University of Chicago. // [Электрон манба]. URL: <https://www.journals.uchicago.edu/doi/pdf/10.1086/703749>.

9 Jerg Gutmann, Stefan Voigt. October 11, 2019. “The Independence of Prosecutors and Government Accountability” by the University of Chicago. // [Электрон манба]. URL: <https://www.journals.uchicago.edu/doi/pdf/10.1086/703749>.

10 van Aaken, Anne, Lars P. Feld, and Stefan Voigt. 2010. “Do Independent Prosecutors Deter Political Corruption? An Empirical Evaluation across Seventy-Eight Countries.” *American Law and Economics Review*.



лиги оқибатида тизим, шубҳасиз, ҳеч қачон ҳолис бўлмайди ва адолат тамойили прокуратуранинг ўзида бузилади.

Шу боис ҳисобдорликни тўғри ўрнатишдаги асосий масала унинг кўзланган мақсадга қанчалик мослиги, самарали йўлга қўйилганлиги, айниқса, жамоатчилик назорати каби таъсирчан воситалар билан ўзаро мувофиқлиги таъминланганлиги каби қатор омиллар билан боғлиқдир.

Масалан, прокуратуранинг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигининг етарли эмаслиги ҳам унинг ўзида коррупция ва бошқа қонунбузарликлар хавфининг кучайишига сабаб бўлади.

Фикримизча, ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурор мустақиллигининг чегараси ва ҳисобдорлиги даражаси ва меъёри фақат қонун билан қатъий ва аниқ белгиланиши ҳамда амалда (“de facto”) ҳам ҳуқуқий норма белгилаган чегара доирасидан умуман четга чиқмаслиги керак.

Прокурорнинг ҳисобдорлиги, агарда у ҳуқуқий жиҳатдан оқилона тартибга солинган ва ушбу тартиб ҳақиқатда амал қилган тақдирда унинг мустақиллигига тўсиқ бўлмайди.

Прокуратура органларида мустақиллик тамойилининг аҳамияти давлатчилик институтларининг тобора ривожланиши билан бутун дунё мамлакатларида ортиб бормоқда.

Прокуратура органи ва унинг фаолияти мустақиллиги тамойили ҳар қандай мамлакат учун ўта муҳим аҳамиятга эга, чунки давлат органи сифатида фақат ташкилий ва функционал мустақилликка эга бўлган прокуратурагина Конституция талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли

бажара олади.

Бундан ташқари, прокуратура органлари фаолияти қонун билан белгиланган чекловларни истисно қилганда ошқора амалга оширилиши лозим.

Қонунчиликка мувофиқ, прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш ва жинойтчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошқора амалга оширади. Яъни прокуратура иш фаолиятини қонунда белгиланган (рухсат берилган) доирада аҳоли ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун очиқ маълумот ва ахборот олиш имкониятини яратган ҳолда олиб боришлари шарт.

Прокуратура органларида ишларни ташкил этишда соҳавийлик, минтақавийлик тамойиллари, вазифаларни тақсимлаш, режалаштириш, таҳлил, баҳолаш усуллари қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари қонун ҳужжатларида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ўз фаолиятини раҳбарий меъёрлар – тамойиллар асосида ташкил этади. Прокуратура органлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тамойилларига риоя этилиши фаолиятнинг самарадорлик даражасини белгилайди.

Бугунги кунда прокуратуранинг аҳамиятини янада тўлиқ намоён қилиш ва иш унумдорлигини ошириш учун унинг фаолиятини ташкил этиш асослари ҳам такомиллаштирилиб борилиши лозим.

#



Гулом ШОДИЕВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
марказ катта прокурори, ю.ф.н., доцент

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЗАРАР ВА ЗИЁН АТАМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ НИСБАТИ

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада Жиноят-процессуал кодексида қўлланилган зарар ва зиён атамалари, уларнинг қўлланиш доиралари, ушбу атамаларга изоҳли луғатларда, юридик энциклопедияларда ҳамда процессуалчи олимлар томонидан берилган илмий-назарий таърифлар ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган. Хусусан, моддий зарар, мулкӣ зарар, мулкӣ зиён каби атамаларни оптимизациялаш юзасидан турли фикр ва мулоҳазалар тактирилган. Муаллиф томонидан ҳуқуқ тизимида ноаниқлик ва тушунмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье изучены и проанализированы термины "ущерб" и "вред," используемые в Уголовно-процессуальном кодексе, сферы их применения, а также научно-теоретические определения этих терминов, представленные в толковых словарях, юридических энциклопедиях и работах ученых-процессуалистов. В частности, приводятся различные мнения и суждения по оптимизации таких терминов, как материальный ущерб, имущественный ущерб, имущественный вред. Автором представлены предложения по устранению неопределенностей и недопониманий в правовой системе в целом.

**ABSTRACT.** This article examines and analyzes the terms "damage" and "harm" as used in the Criminal Procedure Code, their spheres of application, as well as scientific and theoretical definitions of these terms presented in explanatory dictionaries, legal encyclopedias, and works of procedural scientists. In particular, various opinions and judgments on the optimization of such terms as material damage, property damage, and property harm are presented. The author offers proposals to eliminate uncertainties and misunderstandings in the legal system as a whole.

**Калит сўзлар:** зарар, зиён, моддий зарар, мулкӣ зарар, моддий зиён, маънавий зиён.

**Ключевые слова:** ущерб, вред, материальный ущерб, имущественный ущерб, материальный вред, моральный вред.

**Key words:** damage, harm, material damage, property damage, property harm, moral harm.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Ушбу конституциявий норманинг ифодаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида реабилитация этилган шахс деганда жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишини юритишга ваколатли мансабдор шахсларнинг ҳаракати(ҳаракатсизлиги) ва қарорларидан жабрланган шахснинг даъвоси билан унга нисбатан етказилган барча турдаги

зарарларни қоплашга ҳам эътибор қаратилади. Шундай қилиб агар компенсация ҳуқуқи таъминланмаса, унда реабилитация тўлиқ таъминланмаган ҳисобланади ва бу ҳолда ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз равишда жинойий жавобгарликка тортилган, жазоланган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш тартиби нима эканлиги ва у нимани англатиши мавҳумлигича қолади.

БМТнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида жиноятдан жабрланган ҳар қандай шахснинг ҳуқуқи – унинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар муҳофаза қилиниши, жиноят натижасида унга етказилган

1 Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // URL: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат этилган сана: 29.10.2024 й.)



маънавий, жисмоний ва моддий зарар қопланиши назарда тутилган, реабилитация қилиш шартлари белгиланганлиги эса бу масалага алоҳида ёндашиш зарурлигидан далолат беради<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 302-моддасида реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкий зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг турли моддаларида турлича қўлланилган зарар ва зиён атамаларига аниқлик киритиш зарур бўлади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади, яъни бу икки атаманинг ўзаро фарқи нимада, улар қамраб оладиган масалалар доираси қандай?

Зарар тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасида қуйидагича таъриф берилган: “Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикаст-

ланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади”<sup>3</sup>.

ФКнинг бир қанча моддаларида “зиён” атамасидан фойдаланилган бўлса-да, унга ушбу кодексда таъриф берилмаган.

Қомусий, ҳуқуқий адабиётларда, изоҳли луғатларда илмий-назарий жиҳатдан зарар ва зиён тушунчаларига нисбатан ёндашувларнинг турли хиллигини кузатишимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “зарар” атамаси шикаст, зиён; йўқотиш, бузилиш, савдо-сотикдан кўрилган зиён; умуман моддий ютқизик, киши организмга, соғлигига ёмон таъсир; жисмоний зиён, шикаст деб, “зиён” атамаси эса зарар; йўқотиш деб таърифланган<sup>4</sup>.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилган таърифлардан ушбу сўзлар синоним деган хулосага келишимиз мумкин.

Юридик энциклопедияда зарар – фуқаролик ҳуқуқида бир шахснинг қонунга хилоф ҳаракати билан иккинчи бир шахсга етказилган пул шаклидаги зиён деб таърифланган, зиён атамасига эса таъриф берилмаган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида зарар атамасига ФКнинг 14-моддасида келтирилган таъриф, зиён атамасига эса таъриф берилмаган<sup>6</sup>.

Ҳ.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича: “Зарар деганда кенг маънода муайян шахсга тегишли бўлган неъматни ҳар қандай кам-

2 Декларация основных принципов правосудия для жертв преступления и злоупотребления властью (утв. Резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 40/34 от 29 ноября 1985 г.) //Международные акты о правах человека сбор.документов. – М.: «Норма», 2019 г. – С. 166-169.

3 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Биринчи қисм // УРЛ: <https://lex.uz/docs/111189> (мурожаат этилган сана: 21.10.2024 й.)

4 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон нашриёти”. Т. 2 том 2020 й. 133-б., 147-б.

5 Юридик энциклопедия. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. “Шарқ”. Нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси бош таҳририяти. 2001 й. 169-б.

6 Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Г.Абдумажидов, Қ.Р.Абдурасулова ва б., масъул муҳаррир Н.Тойчиев. - Т.: “Адолат” нашриёти. 2010 й. 196-б.



ситиш тушунилади. Ўз моҳиятига кўра зарар ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат бўлганлигига боғлиқ равишда моддий ва номоддий (шахсий, маънавий) бўлиши мумкин... Номоддий зарар фуқаро ёки ташкилотнинг ор-номуси, кадр-қимматини ҳақоратловчи маълумотлар тарқатилишида алоҳида бир одамга жисмоний ёки маънавий азоблар етказилишида, унинг соғлиғига шикаст етказилиши ёки ўлимига сабаб бўлишида ифодаланиши мумкин”<sup>7</sup>.

У.А.Абдурахмоновнинг фикрича, “зиён” деганда моддий неъмат нобуд бўлишига сабаб бўлган ҳамда пул билан ҳисобланиши ва ифодаланиши мумкин бўлган оқибат тушунилади, етказилган моддий зиён шахсга етказилган зиён, мулкка етказилган зиён ва маънавий зарар каби кўришларда бўлади<sup>8</sup>.

Д.Р.Тураевнинг қайд этишича, моддий зарар – содир этилган жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли мол-мулкнинг шикастланиши ёки йўқолиши ҳамда мулк ҳуқуқларга етказилган иқтисодий зарардир.

Зиён – фуқароларнинг ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида камситилган шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларидир<sup>9</sup>.

Д.Р.Тураева ўз фикрини давом эттириб, “зарар” тушунчаси “зиён” тушунчасига қараганда анча кенг бўлиб, “зиён” жабрланувчини камситиш, жисмоний оғриқ, ноқулайлик ва бошқа азобларни ифодалайди, бошқа ҳолатларни, масалан, “бой

берилган фойда”ни қамраб олмайди, жиноят процессида кўзғатилган фуқаровий даъво, бевосита зиённигина эмас, балки кўрилган зарарни ҳам ундиришни кўзда тутишини таъкидлайди<sup>10</sup>.

Ҳуқуқшунос олим Т.А.Мавлонов зарар ва зиён тушунчалари ҳақида куйидаги фикрни баён этади: “Зарар деганда, жиноят натижасида етказилган – жинойий ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида келиб чиқадиган моддий хусусиятга эга бўлган ёхуд моддийлик билан ўлчаниши мумкин бўлган салбий оқибат тушунилади”.

“Зиён деганда жиноят натижасида етказилган – жинойий ҳаракат (ҳаракатсизлик) номоддий неъматлар, хусусан хавфсизликка, одоб-ахлоққа, шахс руҳиятига, номулкий ҳуқуқларига, соғлиққа шикаст етказилиши натижасида келиб чиққан оқибат тушунилади”<sup>11</sup>.

О.С.Июффе “зарар” ва “зиён” ўзаро мустақил тушунчалар эканлигини, зиён мулкӣ ёки ижтимоий маънода қўлланишини, ҳуқуқбузар зиён эмас, айнан зарар етказилишини, чунки зарар зиён мавжуд бўлмаганида ҳам юзага келиши мумкинлигини, масалан, фойда олинмаганида зиён эмас, зарар етказилишини таъкидлаган<sup>12</sup>.

Т.Н.Тиллаевнинг фикрига кўра, жиноят процессида моддий зарар тушунчаси мулкӣ зарар тушунчасига қараганда кенгрок маънода таърифланади ва у ўз навбатида мулкӣ зарарни ҳам ўз ичига қамраб олади. Сабаби жиноят натижасида мулкӣ зарар етказиш дейилганда, айнан мулкӣ муносабатларга етказилган зарар тушунилса, жиноят натижасида моддий зарар етказиш

7 Раҳмонқулов Ҳ. Зарар етказиш оқибатида келиб чиқувчи мажбуриятлар ҳақида умумий тушунча//Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. 1/1998 й. 21-б.

8 Абдурахмонов У.А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: юрид. фан. номз. дис.... автореф. – Т., 2009 й. 14-б.

9 Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш. юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2020 й. 16-б.

10 Ўша жойда

11 Мавлонов Т.А. Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашни такомиллаштириш: юрид. фан. док.(PhD) ... дисс. автореферати – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2024 й. 56-б.

12 Иоффе О.С. Обязательственное право. М.: Юридическая литература, 1982 г. – С. 100



дейилганда мулкый зарардан ташқари жиноят туфайли етказилган бошқа шаклдаги (маънавий ва жисмоний зарардан ташқари) зарар тушунилиши лозим<sup>13</sup>.

Юқоридаги таърифлар, олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, “зарар” моддийлик, “зиён” эса номоддийлик хусусиятига эга бўлган тушунчалардир, деб хулоса қилишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра зиён номоддийлик хусусиятига эга бўлса-да, пул шаклида тўланиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг моддаларида зарар ва зиён атамалари қуйидагича, жумладан, зарар (ЖПКнинг 18, 58, 84, 175, 212, 255, 393, 549, 585, 586, 586<sup>1</sup>, 586<sup>2</sup>, 586<sup>5</sup>, 586<sup>7</sup>, 593, 595, 597, 599, 604-моддаларида ва 248-модда номланишида), зиён (ЖПКнинг 82, 248, 278, 285, 293, 304, 305, 306, 307, 362, 470, 471, 533, 583-моддаларида, 235-модда номланишида ва норманинг ўзида, 260-модда номланишида ва норманинг ўзида, бешинчи бўлим номланишида, 281-модда номланишида ва норманинг ўзида, 38-боб номланишида), ЖПК 248-моддасининг номланишида зарар, норманинг ўзида зиён атамаси қўлланилган, моддий зарар (ЖПКнинг 84, 329, 385, 485, 491, 495-моддалари), мулкый зарар (ЖПКнинг 39<sup>2</sup>, 54, 56, 154, 211, 302, 313, 396, 398, 413, 457, 467-моддалари), мулкый зиён (ЖПКнинг 275, 276, 277, 283, 285, 303-307, 312, 371, 470, 577-моддалари), маънавий зиён (ЖПКнинг 302, 303, 309, 313, 371, 397-моддалари) кўринишларда қўлланилган бўлса-да, ушбу атамаларга кодексда таъриф берилмаган.

ЖПК нормаларининг таҳлилидан кўрииб турибдики, зарар ва зиён атамалари маълум бир мезонлар асосида эмас, балки тартибсиз равишда, аралаш тарзда қўлланилган.

Қонун яратиш жараёнида атамалар, аynиқса, махсус юридик атамалар масаласи қонун яратувчидан чинакам масъулият ва маҳоратни талаб этади. Атамаларга нисбатан қўйиладиган талаблардан бири, имкон қадар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасида эмас, балки бутун ҳуқуқий тизим доирасида бир ва айнан ўша атаманинг бир хил тушунилиши, бир хил изоҳланиб, қўлланишига эришишдир<sup>14</sup>.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бешинчи бўлими номланишида, 38-боб номланишида, 82, 248, 278, 285, 293, 304, 305, 306, 307, 362, 470, 471, 533, 583-моддаларида, 235-модда номланишида ва норманинг ўзида, 260-модда номланишида ва норманинг ўзида, 281-модда номланишида ва норманинг ўзида қўлланилган **зиён** атамасини **зарар** атамасига, ЖПКнинг 39<sup>2</sup>, 54, 56, 154, 211, 302, 313, 396, 398, 413, 457, 467-моддаларида қўлланилган **мулкый зарар** атамасини **моддий зарар** атамасига, ЖПКнинг 275, 276, 277, 283, 285, 303-307, 312, 371, 470, 577-моддаларида қўлланилган **мулкый зиён** атамасини **моддий зарар** атамасига ўзгартиришни таклиф этамиз.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида **моддий зарар** ва **маънавий зиён** атамаларини қўллашни таклиф этамиз.

#

13 Тиллаев Т.Н. *Жиноят процессида фуқаровий даъво: юрид.фан.номз....* дис. – Т.: 2009 й. 40-б.

14 М.К.Нажимов, Ш.А.Сайдуллаев. *Қонунчилик техникаси. Ўқув қўлланма.* – Т., 2012 й. 47-б.



Наримон РАХИМОВ,  
Тошкент вилояти ИИББ Тезкор-қидирув хизмати  
бўлим бошлиғи

## ОДАМ ЎҒИРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи тушунчаси ва унинг мазмуни одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноятларга нисбатан кўриб чиқилади.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматриваются понятие оперативно-розыскной характеристики преступлений и ее содержание применительно к преступлениям, связанным с похищением человека.

**ABSTRACT.** The article deals with the concept and structure of the operational-search characteristics of crimes in relation to kidnapping.

**Калит сўзлар:** жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи, одам ўғирлаш, излов белгилари.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная характеристика преступлений, похищение человека, поисковые признаки.

**Key words:** operational-search characteristic of crimes, kidnapping, search signs.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир олиб борилаётган ислохотлар ушбу соҳани институционал ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари асосий қадриятга айланган. Ушбу қадриятлар эса инсоннинг шахсий хавфсизлиги ва дахлсизлиги таъминланганлигининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Шундай экан мамлакатимизда инсоннинг шахсий хавфсизлиги ва дахлсизлигини бузишга қаратилган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Инсоннинг шахсий хавфсизлиги, эркинлиги ва дахлсизлигига қарши таҳдидлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари поймол қилиниши каби салбий иллат сифатида кўрилмоқда. Одамларнинг ўзлари истаган ерда бўлиш эркинлигига қарши жиноятлардан бири – бу одам ўғирлаш

жинояти бўлиб, мазкур қилмиш Жиноят кодексининг “Шахсининг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” белгиланган VI боби 137-моддасида назарда тутилган<sup>1</sup>.

М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, одам ўғирлаш деганда, одамни эгаллаб олиш ва кейинчалик уни доимий ёки вақтинчалик турар жойидан бошқа ўғирланган одам зўрлик ишлатиб муайян мақсадда ушлаб туриладиган айбдор истаган жойга кўчириш йўли билан одамни яширинча, ошкора, алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ёхуд бошқа усулда шахсий эркинлигидан маҳрум этиш тушунилади<sup>2</sup>.

Одам ўғирлаш жинояти нима учун содир этилади? Бу жиноятнинг содир этилиш сабаби ҳар хил бўлиши мумкин: пул талаб қилиш, жабрланувчини қандайдир ишни қилишга мажбурлаш, бирон-бир мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини олиш, гиёҳвандлик ёки порнографик маҳсулотлар

1 См.: Акбаралиева М.К. Уголовная ответственность за похищение человека // Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. Том 3. № 1, 2023 г. – С. 205-208.

2 Қаранг: Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021 й. 209-б.



билан боғлиқ соҳаларда фойдаланиш учун одам ўғирланиб, унинг эркинлиги чекланиши мумкин.

Одам ўғирлаш жиноятини содир этган шахс кўпинча жабрланувчи билан таниш бўлади. Лекин жабрланувчига умуман нотаниш шахс томонидан ҳам одам ўғирлаш жинояти содир этилиши мумкин. Бунда жиноят асосан жабрланувчини мажбуран бирон ноқонуний ишни бажаришга мажбурлаш ёки унга нисбатан жинсий турдаги жиноятни (номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш, фоҳишалик қилишга мажбурлаш) содир этиш мақсадида амалга оширилади. Одам ўғирланган вақтда жабрланувчи ўзининг доимий турар жойини ўз хоҳиши билан танлаш имкониятидан маҳрум бўлади.

Одам ўғирлаш жиноий ҳаракат бўлиб, иккита элементдан иборат бўлади: одамни ўғирлаш ва уни эркинлигидан маҳрум этиш. Бу икки элемент бир-бирини тўлдирди, яъни одам ўғирлашда бир вақтнинг ўзида у эркинлигидан ҳам маҳрум бўлади. Жиноят одатда яширин, ошқора, алдов йўли билан ёки қўлга олиш (ушлаш) йўли билан амалга оширилади. Бу жиноятни содир этиш усули ҳар хил ифодаланиши мумкин, лекин асосий масала одам ўғирланганлиги ҳолатини аниқлаш ҳисобланади.

Одам ўғирлаш жиноятининг жабрланувчиси ёшидан, ижтимоий келиб чиқишидан, фуқаролиги ва бошқа омиллардан қатъи назар ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Бу жиноятга қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки бу турдаги жиноятларнинг содир этилиши фуқароларни давлат тизимига бўлган ишончи сусайишига олиб келади. Жиноятга қарши курашиш фаолияти нафақат жиноятчиларни аниқлаб, уларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашни, балки умумжтимоий ва

махсус-криминологик профилактика, шунингдек, ушбу жиноятларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича жиноий-ҳуқуқий чораларни қўллашни талаб этади.

Одам ўғирлаш жиноятларига қарши курашишдаги асосий йўналишлардан бири – бу уларнинг олдини олишга қаратилган чоралар бўлиб, улар жиноят содир этилиши учун яратилаётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, уларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ифодалайди.

Мазкур жиноятларга қарши курашиш ва уларни фoш этиш бўйича амалга оширилган тадбирларда фуқароларнинг, биринчи навбатда, жабрланувчилар, гувоҳлар, жиноятга дахлдор шахсларнинг одам ўғирлашга қарши курашишдаги ҳуқуқий фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Айрим ҳолларда бу жиноятларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг аризачилар ва гувоҳлар билан юзаки ишлаши оқибатида одам ўғирланишидан олдинги ҳолатлар, яъни бу жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар аниқланмаслиги жиноятларни ўз вақтида фoш этиш ишлари кечиктирилишига олиб келади.

Ушбу жиноятларга қарши курашиш ишлари самарадорлигини янада ошириш учун тезкор-қидирув фаолиятининг махсус ношқора усулларида кенг фойдаланиш зарур бўлади. Одам ўғирлаш жинояти жабрланувчиларига нисбатан содир этиладиган турли жирканч ҳаракатлар айниқса жиноий гуруҳлар томонидан содир этилганда, жиноятчилар томонидан жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошидан моддий бойлик ундириш ёки бирон-бир мулкни эгаллашни мақсад қилиб жабрланувчини қийноққа солиш ҳолатлари содир этилиши кузатилади. Шу сабабли бу жиноятларга қарши курашиш масалаларига илмий ёндашиш талаб этилади.

Одам ўғирлаш жиноятига қарши кура-



шиш тизимига илмий ёндашилмасдан бу турдаги жиноятларни содир этаётган шахсларга нисбатан жазо тизими мукамаллаштирилмас экан, бу ҳолатлар жамиятда фуқаролар орасида давлат тизимларига, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончсизликнинг ортиб боришига ва давлатда уюшган жиний гуруҳлар фаолияти ривожланиб кетишига олиб келади. Чунки одам ўғирлаш жиноятида инсоннинг энг асосий қадриятларидан бири ҳисобланган унинг шахсий эркинлиги поймол бўлиб, жиноятчилар томонидан уни ҳаёти ва соғлигига таҳдидлар бўлади.

Инсоннинг шахсий дахлсизлиги унинг жинси, миллати, салоҳияти ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, ҳар бир шахнинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, мазкур ҳуқуқ халқаро ва миллий қонунчилигимизда белгилаб берилган. Жумладан, 1966 йил 16 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 9-моддасида белгиланганидек: “Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас”. Мамлакатимиз мазкур халқаро пактга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги “1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида”ги 127-И-сонли қарорига асосан қўшилган.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам инсон эркинлиги, унинг дахлсизлиги

ва ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, декларациянинг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгаллиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда ушбу декларация 1991 йил 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида ратификация қилинган.

Мазкур соҳадаги миллий қонунчилик ҳам юқоридаги халқаро нормаларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган бўлиб, инсон шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз ҳисобланади. Жумладан, Конституциянинг 27-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамокқа олиниши, қамокда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги белгилаб берилган.

Мамлакатимизда одам ўғирлаш жиноятига қарши курашиш, ушбу жиноятни фош этиш ишлари асосан Ички ишлар вазирлигининг Тезкор-қидирув департаменти ва унинг қуйи тизимлари ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Бу турдаги жиноятларни тергов қилиш эса асосан прокуратура терговчилари томонидан амалга оширилиб келинади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида одам ўғирлаш жинояти учун жиний жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, Жиноят кодексининг 137-моддаси биринчи қисмида одам ўғирлаш жинояти учун уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари малякаланган таркиб бўлиб, бунда оғирлаштирилган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Модданинг иккинчи қисмида вояга етмаган шахсга нисбатан; ғаразгўйлик ёки

3 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддаси иккинчи қисми



бошқа паст ниятларда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; так- роран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, мазкур қисм учун беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо- си белгиланган. Учинчи қисмида эса ўша ҳаракат ўта хавфли рецидивист томони- дан содир этилган, оғир оқибатларга са- баб бўлган, инсон аъзоларини ёки тўқи- маларини олиш мақсадида содир этилган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, мазкур қисм учун ўн йилдан ўн беш йилгача озод- ликдан маҳрум қилиш жазоси белгилан- ган. Одам ўғирлаш жинояти икки ёки ун- дан ортиқ шахс томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ҳолатда, жино- ят жинорий гуруҳ томонидан содир этилган ҳисобланиб, мазкур модданинг иккинчи қисми “в” банди билан малакаланади.

Шу ўринда одам ўғирлаш жинояти- нинг республикада содир этилиши би- лан боғлиқ статистик маълумотлар таҳли- лига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Сўнгги йилларда бу жиноятнинг камайиш тенденцияси куза- тилаётганига қарамадан ушбу хавфли қилмишнинг кўлами кескин қисқармаёт- ганлиги билан бир қаторда, унинг содир этилиш усуллари ва жиноятчилар томо- нидан ўғирланган шахс, яъни жабрланув- чига нисбатан ғайриоддий муносабатда бўлиш, уни камситиш, қийнаш ва тан жа- роҳатлари етказиш каби ҳолатлар содир этилмоқда. Республикада 2021-2023 йиллар мобайнида 158 та одам ўғирлаш жинояти содир этилган (2021 йилда – 58 та, 2022 йилда – 47 та, 2023 йилда – 53 та) бўлиб, шулардан 111 таси, яъни 70 фоизи 137-модданинг иккинчи қисми “в” банди билан, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган.

Шу боис мазкур жиноятнинг салбий оқи- батларини бартараф этиш, фош этиш са- марадорлигини янада ошириш учун ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларини тегишли услубий тавсияномалар билан таъминлаш зарурати мавжудлигини таъ- кидлаш лозим.

Тезкор-қидирув амалиётида услубий тавсияномаларнинг зарурияти шунда- ки, улар жиноятларни фош этишда тез- кор-қидирув фаолияти кучлари ва воси- таларининг тежалишига, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг қулай так- тик усуллари белгиланганга, жиноятларни фош этиш бўйича фаолиятни баҳолашга оид ягона ёндашувларни ишлаб чиқишга, жиноятларни фош этишда иштирок этаёт- ган турли тезкор бўлинмаларнинг самара- ли ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қи- лади. Алоҳида турдаги жиноятларни фош этишга оид услубий тавсияномаларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш – жиноят турларининг тезкор-қидирув тавсифи би- лан ўзаро чамбарчас боғлиқликда амалга оширилади.

Шу ўринда жиноятларнинг тезкор-қи- дирув тушунчасига ҳам таъриф бериш лозим. Россиялик олим Б.В.Борин жино- ятнинг тезкор-қидирув тавсифига “жино- ятларнинг тезкор-қидирув тавсифи деган- да, жиноятларнинг ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш учун зарур бўлган доимий ва такрорий из- лов белгилари мажмуи сифатида тушуни- лиши лозим”<sup>4</sup>, деб таъриф беради.

В.Д.Ларичев эса “муайян турдаги жи- ноятнинг тезкор-қидирув тавсифи – бу мақсадга эришиш учун қандай тезкор-қи- дирув тадбирларини ўтказиш лозим ва уларни қандай самарадор усулларда ўтка- зиш орқали жиноятни фош этиш масала- сини ҳал этиш мумкин деган саволга жа-

4 См.: Борин Б.В. Сходство и различие оперативно-розыскной характеристики преступлений экономической направленности от других видов характеристик, используемых в криминальных науках // Российский следователь. 2014 г. № 6. С. 35–39.



воб беради”<sup>5</sup>, деб таъкидлайди.

В.Каримовнинг фикрига кўра, жиноятнинг тезкор-қидирув тавсифи деганда – жиноятнинг муайян турдаги жиноятларга хос бўлган хусусиятларини билиш, уларнинг олдини олиш ва фош этишга оид ташкилий-тактик вазифаларни самарали ҳал этиш имконини берувчи хусусиятлари ва излов белгилари тизими тушунилади<sup>6</sup>.

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва амалиётининг гувоҳлик беришича, жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи таркибига кирувчи излов белгиларини билиш тезкор ходимларга тезкор-тергов тахминларини илгари суриш ва асослашга, ноқонуний ҳаракатларни хужжатлаштириш бўйича аниқ тезкор-қидирув тадбирларини белгилашга, истикболларни аниқлаб олишга, мавжуд тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда жиноятларни фош этишнинг ташкилий-тактик ва техник усулларида фойдаланиш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга чек қўйиш ва фош этишга оид масалаларни янада самарали ва ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради.

Одам ўғирлаш жинояти *излов белгиларининг биринчи гуруҳи* – жиноятнинг умумий белгиларини, яъни мақсадлари, мотивлари, тайёрланиш ва содир этиш жойи, вақти ва усуллари, унинг асосий босқичларини очиб беради.

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида ички ишлар органлари жиноят қидирув бўлинмалари тезкор ходимларидан 167 нафари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шуни кўрсатмоқдики, одам ўғирлашнинг асосий мақсадлари сифатида қуйидаги жиноий ҳаракатлар кўрсатилган: а) товламачилик (тўлов олиш, кўчмас мулкни, моддий бойликларни ёки қимматбаҳо буюмларни эгаллаб олиш) – сўра-

лувчиларнинг 32,2 фоизи; қарздорликни ундириш – 23,7 фоизни; б) шахвоний тавсифдаги зўравонлик ҳаракатларини содир этиш – 17,4 фоизни; в) босқинчилик қилиш – 14,4 фоизни; г) турмуш қуриш (келин ўғирлаш) – 6,3 фоиз (масалан, О.З. 2022 йилнинг 5 февраль куни соат 10:30 ларда ўзига олдиндан таниш бўлган А.Х. билан турмуш қуриш мақсадида жабрланувчининг оила аъзоларини унга турмушга чиқишига кўндиришда ифодаланган ғаразли ва бошқа паст ниятларда ўзининг “Нексия-2” русумли автомашинасига мажбурлаб миндириб, автомашинанинг барча эшикларини ёпиб, унинг тўғри келган жойларига уриб-дўппослаб, тан жароҳати етказиб, беҳуш ҳолатга келтириб ўғирлаб кетиб, туманнинг чекка қисмида жойлашган қурилиши битмаган уйга олиб бориб яшириб қўйган); д) инсон аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш – 2,9 фоизни ва бошқа мақсадларда – 3,1 фоизни ташкил этмоқда.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, одам ўғирлаш жиноятининг ярмидан кўпи (55,6 фоизи) товламачилик ва шахвоний зўравонлик мақсадларида содир этилган. Масалан, 2023 йилнинг 9 март куни соат 07:30 ларда бизнесмен А.Б.нинг оилавий ҳайдовчиси М.Б. бошқарувидаги «Captiva» русумли автомашинада бўлган жабрланувчининг 1994 йилда туғилган қизи А.Д. ва 2017 йилда туғилган набираси И.Б. уйдан чиқиб кетаётганида оқ рангли “Кобальт” русумли автомашинада 4 нафар шахс томонидан ҳаракатлари тўсиб тўхтатилган ва пистолетга ўхшаган қурол билан кўрқитиб ўғирлаб кетилиб, Тошкент шаҳридаги туманларнинг биридаги ҳудудга олиб борилиб, омборхона мақсадида қурилган бинода сақланган. Муқаддам судланган К.А. бошчилигидаги 11 нафардан иборат жи-

5 См.: Ларичев В.Д. *Содержание оперативно-розыскной характеристики преступлений в сфере экономики*. – М.: Общество и право, 2013 г. № 2 (44). – С. 179-187.

6 Қаранг: Каримов В. *Тезкор-қидирув фаолияти: дарслик*. – Тошкент: Lesson press, 2021 й. 322-б.



ной гуруҳ (кейинчалик маълум бўлишича оилавий ҳайдовчи М.Б. ҳам гуруҳ аъзоси бўлган) жабрланувчиларни қайтариш учун 10 млн АҚШ доллари миқдоридagi пулларни электрон ҳамён рақамига ўтказиб беришни талаб қилган.

Ёки Жиззах шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Н. 2023 йил 10 декабрь куни соат 15:00 - 17:00 лар оралиғида таниши, 1995 йилда туғилган фуқаро Х.И.нинг яшаш хонадонига дераза ойналарини синдирган ҳолда ғайриқонуний равишда кириб, унинг конституциявий ҳуқуқларини поймол қилиб, зўрлик ишлатиб, унинг қаршилиғига қарамай сочларидан тортган ҳолда яшаш хонадонидан ўғирлаб кетган.

Одам ўғирлаш жиноятининг худудлар кесимида тарқалиши уларнинг мақсадларига боғлиқ бўлиб, бир минтақа доирасида содир этилиши мумкин (қоида тариқасида, зўравонлик тавсифидаги жинсий ҳаракатларни содир этиш, қул меҳнатидан фойдаланиш, эркинлигини чеклаш, қасд олиш, мансабдор шахсларга ва жиноят процесси иштирокчиларига босим ўтказиш), бир қанча вилоятлар худудида (товламачилик, кўчмас ва кўчар мулкни эгаллаб олиш, бошқа жиноятни содир этиш ва яшириш мақсадида) ва бир қанча давлатлар худудида (одам савдоси, яъни бошқа шахслар томонидан фоҳишаликка мажбурлаш ва жинсий эксплуатациянинг бошқа шаклларини қўллаш, жабрланувчининг тана аъзолари ва тўқималаридан трансплантация қилишда фойдаланиш, ўғирланган болани фарзандликка олиш). Одам ўғирлашнинг минтақаларо ва халқаро миқёсдаги шаклларида эса жиноятчилар асосан чегарадош худудлар ва чегарадан тўсиқсиз ўтиш имконияти мавжуд бўлган мамлакатлар худудидан фойдаланадилар.

Одам ўғирлаш жиноятининг ярмидан кўп қисми (51,2 фоизи) Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Наманган ва Бухоро вилоятларида қайд этилган. Бу ушбу худудларда жиноятчилар ораси-

да ғаразли ниятларнинг устунлигини тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда жиноятчилар ўғирланган шахсни озод қилиш учун тўлов олиш талабларини билдиришда анъанавий телефон кўнғироқлари ёки СМС хабарларидан ташқари, IP телефония, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардан тобора кенгрок фойдаланишмоқда. Товламачилик жиноятини содир этиш ёки қасд олиш мақсадида одам ўғирланганда тўлов пуллари ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни беҳавотир олиш учун жиноятчилар яширин (хуфия) жойлардан, мукофот эвазига бу ҳаракатларни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг (одатда жиноий мақсадларидан беҳабар бўлган) ёрдамидан (кўча болалари, ўсмирлар, доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар), шунингдек электрон тўлов тизимларидан фойдаланадилар.

Белгиланган шартларни бажариш учун ўзига тегишли бўлган кўчмас мулкни ёки мол-мулкни эгаллаб олиш мақсадида ўғирланган шахс одатда озод қилинади, лекин жиноятчиларнинг назорати остида бўлади. Одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноий фаолиятни ниқоблашнинг асосий шакллари хусусий кўриқлаш компаниялари, риэлторлик (маклерлик) агентликлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

*Излов белгиларининг иккинчи гуруҳига* одам ўғирлашда иштирок этган уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг ўзига хос белгилари, шунингдек, иштирокчиларнинг жиноят содир этилгандан кейинги хатти-ҳаракатларини тавсифловчи хусусиятлар, шу жумладан, жиноятни очиш ва тергов қилиш ишларига фаол қаршилиқ қилиш ҳаракатлари киради.

Одам ўғирлаш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларни ўз йўналишига кўра экстремистик, этник ва умумий жиноий гуруҳларга бўлиш мумкин. Аксарият ҳолларда улар қуйидаги асослар бўйича: яъни бир минтақада яшайдиган, умумий иш ёки



ўқиш жойи, умумий манфаатлари, илгариги жинойи алоқалари ёки бирга жазо ўташлари, оилавий ёки этник алоқалари муштараклиги орқали бирлашади.

Одам ўғирлаш жиноятини содир этганлар орасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар (18 ёшдан 50 ёшгача – 91,3 фоиз), асосан эркаклар (88,8 фоиз) кўпчиликни ташкил қилади.

Ушбу шахсларнинг ижтимоий хусусиятларини ўрганишда уларнинг салмоқли қисми доимий даромад манбаига эга эмаслиги ва ёлланма ишчиларни ташкил этади. Одам ўғирлаш билан шуғулланувчи жинойи гуруҳлар аъзолари ўртасида ишсизликнинг юқори даражаси мавжудлиги сабабли бу каби жинойи фаолият уларнинг асосий, баъзан эса ягона даромад манбаи бўлиб, бу эса ўз навбатида жинойи рецидивнинг ўзига хос хусусияти эканлигини кўрсатади<sup>7</sup>.

Бундан ташқари, ноқонуний фаолият юритувчи қуролли гуруҳлар ва товламачилик мақсадида одам ўғирлаш ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, улардан олинган даромадлар террорчилик ва экстремистик фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилади.

Уюшган гуруҳлар ва жинойи уюшмалар аъзоларининг жиноятдан кейинги ҳуққатвор хусусиятлари борасида шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг жинойи тажрибаси кўпинча тезкор-кидирув фаолиятига оид билим ва кўникмаларга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш ишларига фаол қаршилиқ кўрсатишлари билан ажралиб туришини айтиш лозим.

*Излов белгиларининг учинчи гуруҳи* жиноят қурбонининг шахсини тавсифловчи белгилардан иборат. Жабрланувчиларнинг ижтимоий-демографик хусусиятларини тавсифлашда улар орасида эркакларнинг

(88,8 фоиз) ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг улуши (93 фоиз) юқорилигини таъкидлаш лозим.

Одам ўғирлаш кўпинча ўзаро келишмовчилик учун бир-биридан қасд олиш, шахвоний зўравонлик ёки босқинчилик, товламачилик жиноятларини содир этиш йўли билан моддий манфаатдорлик ортириш мақсадида содир этилаётганлигини инобатга олиб қуйидаги тоифадаги шахсларнинг одам ўғирлаш жинояти қурбони бўлиш хавфи юқори:

– моддий томондан яхши таъминланган ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар;

– ҳудудларда фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, жиноят содир этишга мойил бўлган тажовузкор шахслар билан ўзаро келишмовчиликлари мавжуд бўлган шахслар;

– муқаддам ахлоқ ва соғлиққа қарши жиноятларни содир этган ёки фоҳишаликка мойиллиги бўлган енгилтабиат аёллар;

– фирибгарлик мақсадида фуқаролардан қарз олиб, уларни бермасдан алдаб юрган шахслар;

– юқорида кўрсатилган шахсларнинг яқин қариндошлари.

*Излов белгиларининг тўртинчи гуруҳи* жиноятчиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлган, шунингдек, ушбу жиноятларни фош этишда ноошкора ёрдам кўрсатишга қодир бўлган шахсларни тавсифловчи белгилардан иборат. Жиноятчиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлган ва одам ўғирлаш жиноятини очишда ёрдам берадиган шахсларга қуйидагилар киради:

– ўғирланган шахснинг фаолият тури ва турмуш тарзи ҳақида маълумотга эга бўлганлар (қариндошлари, танишлари ва дўстлари, ҳамкасблари, синфдошлари, курсдошлари);

– одам ўғирлаш ёки шу билан боғлиқ

7 См.: Гуров А.И. *Профессиональная преступность: прошлое и современность*. М., 1990 г. – С. 36-55



жиноятларни содир этганлиги учун судланганлар;

– уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари, транспорт корхоналари, меҳмонхона комплекслари, вокзал ва аэропорт хизматлари, инкассация ва риэлторлик агентликлари, нотариал ва юридик идоралар, бозорлар ва бошқа йирик савдо объектлари, курилиш ташкилотлари, хусусий қўриқлаш компаниялари, ҳарбий қисмлар ходимлари.

Касбий бурчларини бажариши муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини қизиқтирадиган маълумотларга эга бўлиши мумкин бўлган бундай шахслар орасида одам ўғирлаш гувоҳларини, шунингдек, ушбу жиноятларни аниқлаш ва фош этишда ички ишлар органларига ноошкора ёрдам кўрсатишга қодир бўлган

шахсларни қидириб топиш ва улар ёрдамидан фойдаланиш бу борадаги вазифаларни ҳал этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноятнинг таклиф этилаётган тезкор-қидирув тавсифи, бизнингча, ундан оқилона фойдаланиш, тезкор излов йўналишларини тўғри белгилаш, жиноят содир этган шахслар ва жиноят тўғрисидаги тахминларни илгари суриш орқали ушбу жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш самарадорлигини оширади ҳамда эҳтимолий жабрланувчилар ҳамда бу каби жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахслар билан тезкор-профилактик ишларни ташкил этиш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

.....  
#  
\_\_\_\_\_



Жаҳонгир ШУКУРОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

**АННОТАЦИЯ.** Жиноят процессида ярашув институтини қўллаш бугунги кунда жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу институт жиноий ишларда зиддиятларни ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида жуда кўп фойдали жиҳатларга эга. Мазкур мақолада жиноят процессида ярашув институтининг ўзига хос аҳамиятли ва самарали жиҳатлари, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда амалиётда қўлланиш тартиби таҳлил қилинади.

**АННОТАЦИЯ.** Применение института примирения в уголовном процессе сегодня приобретает очень важное значение. Этот институт, как альтернативный способ разрешения конфликтов в уголовных делах, обладает множеством полезных аспектов. В данной статье анализируются значимые и эффективные стороны института примирения в уголовном процессе, его правовые основы и порядок применения на практике.

**ABSTRACT.** The application of the reconciliation institute in the criminal process is of great importance today. This institute, as an alternative method of resolving conflicts in criminal cases, has many beneficial aspects. In this article, the significant and effective features of the reconciliation institute in the criminal process, its legal foundations, and the procedure for its application in practice are analyzed.

**Калит сўзлар:** адолат, ислоҳот, аҳамияти, жиноят иши, ярашув, суд жараёни, медиация, институт, муаммо, кучли, кучсиз, инстанция, камчилик, шахс.

**Ключевые слова:** справедливость, реформа, значимость, уголовное дело, примирение, судебный процесс, медиация, институт, проблема, сильная, слабая, инстанция, недостаток, личность.

**Key words:** justice, reform, significance, criminal case, reconciliation, court process, mediation, institute, problem, strong, weak, instance, deficiency, person.

Ярашув институтининг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, ярашув деганда албатта ўзаро низолашган, урушган инсонларнинг бир-бирини кечирганлиги, мурсою мадорага келганлиги тушунилади. Гарчи ярашув институти конунчилигимизга янги кириб келган бўлса-да, ярашув деган тушунча миллий қадриятларимиз, динимиз ва урф-одатларимизда ўз аксини бир неча асрлар илгари топган бўлиб, йиллар давомида қон-қонимизга сингиб, кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлагига айланган, ярашув мустақил институт сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида жорий этилиши билан ўзининг ҳуқуқий асосини ҳам топди.

Жиноят процессида ярашув институтидан фойдаланишни бир қатор муҳим омиллар билан асослашимиз мумкин:

1. Ярашув низоларни самарали ҳал қилиш имконини беради.

Ярашув жиноят ишларини ҳал этишнинг самарали ва тезкор механизмини

таъминлаб, томонлар ўртасидаги низоларни ишни судгача кўриш босқичи ҳамда судда узоқ давом эттирмасдан келишувга эришиш имконини беради, бу эса жиноят ишларининг янада самарали ҳал этилишига хизмат қилади.

Ярашув низоларни самарали ҳал қилишда муҳим роль ўйнаб, жиноят процессида томонларга узоқ ва мураккаб ҳуқуқий тартиб-қоидалардан ўтмасдан келишмовчиликларни ихтиёрий равишда ҳал қилиш имконини берувчи механизмга айланади.

2. Вақтни тежаш ва молиявий харажатларни камайтириш имконини беради.

Бугунги кундаги амалиётимизга назар соладиган бўлсак, ярашув билан боғлиқ ишларни судга қадар юритиш ёки судда кўриш босқичида бўлсин, шундай ҳолатлар мавжудки, томонлар жиноят ишини кўзғатгунга қадар ярашиб бўлганига қарамасдан жиноят иши кўзғатиш, суриштирув ёки дастлабки терговни амалга ошириш, жиноят ишини ярашув асосидан судга юбориш лозим. Бу ҳам ўз навбатида



кўп вақт талаб этмоқда. Аслини олганда, ярашув институтидан фойдаланиш ишни судга қадар юритиш, шунингдек, суд тизими юкини камайтириш, вақт ва молиявий ресурсларни янада тежаш имконини беради.

3. Жамоат тинчлигини таъминлаш, келгусида юзага келиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш имконини беради.

Низоли томонларнинг келишиб, ўзаро ярашиб олиши узоқ ва оғир давом этувчи суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд жараёнларининг олдини олиш орқали ўртада тинчликнинг қарор топишига, тотувликни тиклашга, бу орқали эса жамоат тартибини яхшилашга ёрдам беради.

Қуйидагиларни ярашувнинг жамиятда тотувликни сақлашга кўшган ҳиссасини кўрсатадиган алоҳида-алоҳида жиҳатлар сифатида кўришимиз мумкин.

*Можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш.* Келишув томонларга низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятини беради, бу эса узоқ ва стрессли суд жараёнлари эҳтимолини камайтиради.

*Узоқ муддатли ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш, ижтимоий муҳитни яхшилаш.* Ярашув институтидан фойдаланиш жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашга ёрдам берадиган узоқ давом этадиган ҳуқуқий низоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ярашув низолар очик ва тинч йўл билан ҳал қилинадиган қулай ижтимоий муҳитни яратишга ёрдам беради, бу эса жамиятда ишончни мустаҳкамлашга олиб келади. Тангликни камайтиради. Узоқ давом этадиган суд жараёнларининг олдини олиш орқали жамиятдаги кескинликни пасайтиради, юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий низоларнинг олдини олади.

*Аҳолининг ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини ошириш.* Ярашув жиноят ишларини ҳал этишнинг шаффоф ва адолатли механизмини таъминлаш орқали жамият-

да ишончни тиклашга ёрдам беради. Қонунга ҳурмат маданиятини шакллантириб, бу жиҳатни ривожлантиради, чунки низоларни ҳал қилиш жараёни қонун ва адолат асосида амалга оширилади.

Жамоат тартибини қўллаб-қувватлайди. Ярашув ижтимоий тартибни сақлашга, юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга ва жамиятда барқарорликни таъминлашга олиб келади.

4. Суд-ҳуқуқ тизими юкини камайтириш имконини беради.

Ярашув институти судга олиб бориладиган ишлар сонини камайтиришга ёрдам беради. Агар жиноят иши қўзғатилгунга қадар ярашувни қўллаш тартиби амалиётга жорий этилса, бугунги кунда суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ярашув билан боғлиқ ишларни кўришга кетаётган вақтлари тежалиб, уларнинг иш юки янада камайишига эришилади, суриштирув, дастлабки тергов ва суд ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

5. Томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш имконини кенгайтиради.

Келишув томонларга низоларни ҳал қилиш жараёнида иштирок этиш имконини беради, бу уларнинг манфаатларини ҳисобга олишни таъминлашга ёрдам бериб, янада қониқарли натижага эришиш имкониятини кенгайтиради.

Жиноят процессидаги ярашув томонларни низоларни ҳал қилиш жараёнига фаол жалб этиш, уларнинг манфаатларини ҳисобга олишни таъминлаш қобилияти билан ажралиб туради.

Келишувнинг томонлар манфаатларини ҳисобга олишга қандай ёрдам беришини кўрсатадиган муҳим жиҳатларини ҳам алоҳида қисмларга бўлишни маъқул деб билдик.

*Томонларнинг жараёндаги фаол иштироки ва бир-бирига очик мулоқоти.* Келишув жараёни томонларга низони ҳал



қилишда фаол иштирок этиш, уларга ўз фикрларини билдириш ва ечимларни таклиф қилиш имкониятини беради. Муро­са томонлар ўртасида очиқ ва конструк­тив мулоқотга ёрдам беради, бу уларнинг позициялари ва манфаатларини тўлиқ ан­лаш учун шароит яратади.

*Келишуга индивидуал ёндашув.* Яра­шув жараёни ҳар бир томоннинг ўзи­га хос эҳтиёжлари ва манфаатларига мослаштирилиб, низоларни ҳал қилишда индивидуал ёндашувни таъминлайди.

Ярашув ҳар икки томоннинг манфа­атларини ҳисобга оладиган мувозанатли натижага эришишни мақсад қилиб қўяди ва низони адолатли ҳал қилишга инти­лади.

Томонларни муро­сага келишга ва тур­ли манфаатларга мос келадиган ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни ўрна­тишга ҳисса қўшадиган битимлар тузиш­га ўргатади. Келажакда юзага келиши мумкин бўлган можароларни камайтира­ди. Келишув орқали томонларнинг ман­фаатларини ҳисобга олиш низоларни камай­тиришга ёрдам беради, чунки бу жараёнда томонлар ўзларининг манфаат­лари инобатга олинганлигини ҳис қили­шади.

Келишув жараёнида адолатли бўлиш тарғиб қилинади, низоларни ҳал қилиш жараёни янада адолатли бўлишига ёрдам беради, чунки томонлар ечимни шакл­лан­тиришда фаол роль ўйнайдилар.

6. Такрорий жиноятларнинг олдини олиш имконини беради.

Бу жараёнда биз гумонланаётган ёки айбланаётган шахсни реабилитация қилиш орқали унинг такрорий жиноят содир эти­шининг олдини олиш имконини қўлга ки­рита­миз. Чунки ярашув жабрланувчига товон тўлаш имкониятини бериш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш орқали айбланувчининг реабилитациясига ёрдам беради.

Бундан ташқари, ярашув асосида туга-

тилган ишлар шахснинг бошқа жиноятла­рини квалификация қилиш ва жазо тайин­ланишида аҳамият касб этмаслиги ҳам муҳимдир.

7. Жабрланувчига компенсация тўлани­шини таъминлайди.

Агар айбланувчи жабрланувчига товон тўлашга ёки етказилган зарарни қоплаш­га қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга рози бўлса, декриминаллашти­рилиши, оқланиши мумкин.

Ярашув йўли билан декриминаллашти­риш кўпинча майда ёки унчалик катта бўлмаган жиноятларга нисбатан қўллани­лади, бунда ярашиш қатъий жиноий жа­зодан кўра низони ҳал қилишнинг кўпроқ мос усули ҳисобланади.

Бу жараёнда албатта далилларнинг етарли­лиги муҳим жиҳат ҳисобланади. Агар ишнинг далиллари нисбатан кучли бўлса, ярашув орқали декриминаллашти­риш вариант сифатида кўриб чиқилиши мумкин, айниқса томонлар ҳуқуқни муҳо­фаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлса.

Шунингдек, ярашувдан реабилитация мақсадларида фойдаланиш мумкин. Яра­шув орқали декриминализацияни реби­литация мақсадлари нуктаи назаридан ҳам кўриб чиқиш мумкин, бунда айбни тан олиш ва тизим билан ҳамкорлик қи­лиш айбланувчининг хатти-ҳаракатларини ислоҳ қилиш йўли ҳисобланади.

Бу тамойиллар муайян ҳудуддаги муай­ян қонунлар ва тартибларга қараб фарқ қи­лиши мумкин. Ярашув йўли билан декри­миналлаштириш негизида қандай жиноий қонунчилик асослари ётганини тушуниш учун муайян мамлакат ёки минтақада амалдаги қонунлар ва қоидаларни кўриб чиқиш муҳимдир.

Суд муҳокамасида ярашув институ­тига нисбатан салбий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этиш, мазкур инсти­тутга нисбатан юридик адабиётларда бўл­ган муносабатларни ёритиш мақсадга



мувофикдир. Бу борада профессор У.Таджиханов куйидаги фикрларни билдирган: “Томонлар ярашуви янги ҳуқуқий ходиса бўлишига қарамай, чуқур тарихий илдизга эга, ўзаро бағрикенглик (сабр-тоқатлилиқ) ва фуқароларнинг бир-бирларини кечири олиш хусусияти миллий маданиятимизга доимо хос бўлган, ўйлаймизки, бу институт катта истиқболга эга”<sup>1</sup>.

Х.Т.Одилқориев ва И.Т.Тулътеевнинг қарашлари ҳам юқоридаги фикрга ҳамоҳанг. Уларнинг таъкидлашича, ярашув институти “доимо бизнинг миллий маданиятимизга ва менталитетимизга хос бўлган”<sup>2</sup>.

Е.Н.Никифорова бу институт хусусида куйидаги фикрларни билдирган: “Жиноят процессида диспозитив асосларнинг кенгайтирилиши махсус тартиб – жиноят ишлари бўйича ярашув шаклининг киритилиши билан боғлиқ. Ўйлаймизки, хусусий айбловнинг киритилиши ва жиноятдан жабр кўрган шахс ва айбланувчи ўртасида юзага келган жиноий зиддиятнинг ярашув асосида бартараф этилиши шубҳасиз”. Бу билан чекланмай Е.Н.Никифорова жабрланувчи жиноятдан етказилган зарарни ҳам кечириши мумкинлиги масаласига урғу беради<sup>3</sup>. Аммо бу фикр хусусида шуни айтиш жоизки, ярашувнинг моҳияти жиноятдан жабр кўрган шахснинг жиноят натижасида чекланган ҳуқуқларининг қайта тикланиши келтирилган зарарни бартараф этишсиз мумкин эмас. Шунинг учун жиноятдан етказилган зарар доимо ярашув муносабатларида жабрланувчи фойдасига ҳал этили-

ши керак.

Ярашув институтига илмий адабиётларда кўплаб олимлар томонидан турлича таъриф берилган. Улардан бир қанчасини келтириб ўтамиз. Аввало, “ярашув” ўзбек тилида “яраш” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “уруш-жанжални тўхтатиш, ярашиш” деган маънони билдиради. Ярашув сўзининг маъноси “низо, уруш сабабини бартараф этиб бўлгач вужудга келган келишув, ярашиш ҳолати”дир<sup>4</sup>. Д.Н.Ушакова ярашувга куйидагича таъриф берган: “Ярашув судда тарафлар ўртасидаги низо-ни ихтиёрий розилик асосида тугатиш”<sup>5</sup>. Е.А.Рубинштейн томонидан ҳам ўзига хос куйидагича таъриф илгари сурилган: “Ярашув – жиноий таъқиб амалга ошириляётган шахснинг содир этган ҳуқуққа хилоф ҳаракатига нисбатан бевосита жабрланувчи олдида ахлоқан пушаймон бўлиши ва жабрланувчи томонидан унинг ҳаракатлари кечирилиши, шунингдек, кўрсатилган шахслар ўртасида етказилган зарарни қоплаш тартиби, миқдори ва муддатлари тўғрисида келишувга эришилишидир”<sup>6</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган олимлар томонидан ярашувга берилган турли таърифлардан келиб чиқиб, ярашув институтига биз куйидагича таъриф бермоқчимиз: Ярашув – жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида юзага келган жиноий-ҳуқуқий низо-ни тарафлардан бирининг ташаббуси билан ҳамда ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги асосида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ҳажми ва тартиби тўғрисидаги келишув.

1 Таджиханов У. *Шахс манфаатлари - жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини янада эркинлаштириш асоси* // “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 8 январь

2 Одилқориев Х.Т., Тулътеев И.Т. *Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар* // Ҳуқуқ-Право-Law/2002й., №1, 9-б.

3 Никифорова Е.Н. *Роль адвоката в производстве по делам о примирении* //Ж. *Advocal* 2002 г., №1. – С.39-40.

4 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. 5 –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010 й. 117-118-б.

5 Толковый словарь языка: В 4т./Под ред Д.Н.Ушакова.-М.:Гос.; ОГИЗ: Гос. Изд-во иностр и нац. Слов., 2014 г. Яндекс словари. <http://slovari.yandex/ru>.

6 Рубинштейн Е.А. *Прекращение уголовного дела в связи с примирением с потерпевшим в УПК Российской Федерации*// Материалы междунар. Науч.-прак. Конф., посвященной принятию нового УПК РФ, 4-6 февр. 2002 г. –М.: Изд-во ООО “Профобразавание”, 2002 г. – С. 165.



Маълумки, ярашув натижаси моддий ва процессуал муносабатларда қоида тариқасида ёзма келишув шаклини олади, ярашув фақатгина суддан ташқарида ёки ҳуқуқий низони ҳал қилишнинг суд босқичида келишув тузиш билан чекланиб қолмайди, балки низони ҳам миллий, ҳам халқаро даражада ҳал қилишга қаратилган кенгроқ доирадаги хатти-ҳаракатларни қамраб олади. Шундай экан ярашув тартиб-тамойилининг ижтимоий аҳамияти ва оқибатига қараб ярашувни бир қанча турларга бўлиш мумкин. Юридик ярашув жамиятда низоларни тартибга солишнинг муҳим усули бўлса-да, бу ягона усул ҳисобланмайди. Шу билан бирга, ярашув ўзининг расмий норматив тартибга солувчи аҳамиятини кўрсатади ҳамда турли ижтимоий институтларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ҳуқуқшуносликда ярашув институти нафақат жиноий-ҳуқуқий муносабатларда, балки фуқаролик, хўжалик, меҳнат каби бир қанча соҳаларда ҳам қўлланилади, аммо муносабатлар турлича бўлгани учун табиийки жиноят процессидаги ярашув фуқаролик ёки хўжалик процессига нисбатан буткул бошқача принцип ва қоидаларга асосланади. Жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқида келишув битими қоида тариқасида тарафлар ўртасидаги муносабатларга процессни тугатиш ва низони ўзаро ҳал қилиш ва фуқаровий-ҳуқуқий низони ҳал қилиш шартлари тўғрисидаги шартнома тузиш йўли билан аниқлик киритишга қаратилган тарафлар иродасининг ифодаси, низолашаётган тарафлар учун ўзаро маъқул шартларда процессни тугатишга сабаб бўлувчи суд битими<sup>7</sup> сифатида тавсифланади. Жиноят процессидаги ярашувда эса Жиноят кодекси 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс,

агар ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи шахс билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ярашувда жабрланувчининг айбдорни кечириши эмас, балки унинг дастлабки талаб ва даъволаридан расмий равишда воз кечиши тушунилади. Жабрланувчи жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш илтимосидан воз кечиши ёки унинг аризасига кўра қўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўраб ариза беришдан иборат бўлади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида жабрланувчи билан ярашувни қўллаш объектив ва субъектив характер касб этади.

Ярашувнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган объектив шартларига қуйидагилар киради.

1. Шахснинг биринчи маротаба жиноят содир этганлиги.

Илгари жиноят содир этган шахслар ҳам қуйидаги ҳолатларда юридик жиҳатдан биринчи маротаба жиноят содир этган шахс деб ҳисобланади:

агар шахс илгари содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилмаган бўлса ҳамда жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

илгари содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилган, бироқ ҳар қандай реабилитация этилмайдиган асосларга кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса ҳамда мазкур жинояти учун жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган бўлса;

агар шахс илгари содир этган жинояти учун судланган бўлса ва судланганлик олиб ташланган ёки судланганлик муддати ўтиб кетган бўлса.

2. Шахснинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишни содир этиши.

7 Степанов В.В. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим // Российская юстиция. – 2001 г, №8. – С.52.



Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишнинг илк бор содир этилиши ярашув институтини қўллашнинг зарур шартларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Ярашувнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган субъектив шартларига қуйидагилар киради.

1. Жиноят содир этган шахс ва жабрланувчининг ярашганлиги факти. Юқорида келтириб ўтганимиздек, бунда ярашув ихтиёрий характер касб этади ҳамда бирор-бир шахс томонидан мажбурлашга йўл қўйилмайди, ярашувнинг ҳақиқатдан ҳам ихтиёрий амалга оширилаётганлигини аниқлаш учун суд муҳокамаси давомида судья албатта тарафлардан ўз ихтиёри билан бундай келишувга эришганлиги ҳақида сўрайди. Шунини ёдда тутиш лозимки, ярашув келишувига эришиш учун исталган тараф ташаббус кўрсатишга ҳақли.

2. Айбдорнинг зарарни қоплаганлиги. Маълумки, жиноят натижасида етказилган ҳар қандай мулкӣ зарар қопланиши лозим, етказилган зарар учун тўлов миқдори жабрланувчи ва айбдор ўртасида мустақил ҳал этилади ҳамда жабрланувчининг келгусида айбдор қўшимча пул тўлаши лозимлиги ҳақидаги асосиз талабларининг олди олиш мақсадида иш материалларида ўзининг аниқ ифодасини топади. Одатда жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш деганда, биринчи навбатда, жабрланувчига тўғридан-тўғри

етказилган зарарни қоплаш тушунилади. Шунингдек, жабрланувчига етказилган билвосита зарар (бой берилган фойда) ҳамда номулкий зарар ҳам инобатга олиниши лозим<sup>8</sup>.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, шахсга содир этган қилмиши учун озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганда бир қатор салбий оқибатлар келиб чиқади. Биринчидан, озодликдан маҳрум этилган шахснинг аввалги тинч ҳаёт тарзи бузилади, қолаверса, шахснинг ўзи учун мутлақо бегона, ноқулай бўлган муҳитга тушиб қолиши ўз эрки билан ҳаракатланишини чегаралайди ҳамда шахснинг келажакка ишончсизлик билан қарашига олиб келади. Жамиятда ўзининг одоб-ахлоқи билан ҳаммага ўрнак бўлган, жамиятимизнинг маълум жабҳасида фаол меҳнат қилиб, кўпчиликка фойдаси тегаётган шахснинг биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган қилмиши учун озодликдан маҳрум этилиши кўпинча салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Сабаби озодликдан маҳрум этиш жойидаги муҳит, маҳбуслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар оддий кишиларникидан анча фарқ қилади. Оқибатда бир неча йил озодликдан маҳрум этиш жойида бўлиб қайтган шахснинг табиатидаги аввалги меҳрибонлик, инсонларга ҳурмат ва ғамхўр муносабатда бўлиш, меҳнатсеварлик, ақл билан иш тутиш, қонунга ҳурмат билан қараш каби хислатлари ўрнини бераҳмлиқ, инсоний қадриятларга беписандлик билан қараш, осон йўл билан пул топишга интилиш, қонунларга ҳурматсизлик ҳамда адоват каби салбий хислатлар эгаллайди. Натижада шахсга берилган жазо уни ахлоқан тузатиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш ўрнига жамиятимизга янги рецидивистни “етиштириб” бериши мумкин. Шу туфайли жиноят иши юритувида яра-



шув институтини қўллаш орқали жиноий жазодан озод қилиш доираси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида ярашув институтининг бир қатор ижобий жиҳатлари намоён бўлди. Хусусан, ўзаро ярашувга эришиш жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги низони жиноий таъқиб чораларини қўлламаздан ҳал қилиш имконини яратди. Шунингдек, жабрланувчига етказилган зарарнинг ортиқча низосиз қопланишини таъминлайди, рецидив жиноятларнинг олдини олади, муҳими айбдорни кечириб орқали уни тарбиялайди. Ярашув институтининг ижтимоий аҳамияти ҳам бениҳоя улкан. Умуман, жиноятларнинг олдини олишда шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашнинг афзаллигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Фикримизнинг исботи сифатида ярашув институтини қўллашнинг ижтимоий ҳаётдаги қуйидаги бир қатор афзалликлари ва ижобий жиҳатларини келтириб ўтамыз:

ярашув институтини қўллаш орқали жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги низолар жиноий жазо чорасини қўлламаздан ҳал қилинади, зарар тез ва тўла қопланади, қайта жиноят содир этишнинг олдини олади ҳамда айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб тузатиш имкониятини беради<sup>9</sup>;

ярашув институти бевосита жамият ва одил судлов учун фойдали, жамиятни ҳуқуқий тарбиялашда ёрдам бериб, фуқароларда жиноятлардан ҳимояланганлик ва хавфсизлиги таъминланганлик ҳиссини мустаҳкамлайди;

ярашув институтини қўллаш рецидив жиноятчиликнинг камайишига сабаб бўлади, одил судлов идораларини

ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ишларини кўриб чиқишдан озод қилади, маблағ ва вақтни тежайди ҳамда жиноий жазони ижро этиш муассасаларида ижтимоий-психологик муҳитни яхшилашга хизмат қилади.

тергов изоляторлари ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сонини қисқартиради, чунки давлат ҳар доим ҳам улар учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб бера олмайди;

ярашув институти қўлланилганда судга айблов ҳулосаси билан юбориладиган жиноят ишлари миқдори камаяди ва шу орқали унинг иши енгиллашади, суднинг саъй-ҳаракати жамият учун юқори хавф туғдирадиган жиноятлар бўйича ишларни муҳокама қилишга қаратилади;

тергов муддатларини, жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг куч ва маблағининг сарфланишини қисқартиради, шунингдек, суриштурув ва дастлабки тергов органларини янги далиллар қидирувидан холос қилади;

жиноят содир этган алоҳида тоифа шахсларни ўз қилмишининг зарарли оқибатларини бартараф этиш ва енгиллаштириш, янги қасддан жиноят содир этишнинг олдини олишга ундайди;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оилавий, хўжалик, маиший, жинсий ва бошқа инсон ҳаёти шахсий соҳасига тааллуқли шахслараро муносабатларга жабрланувчининг хоҳишисиз аралашувини чеклайди<sup>10</sup>;

ярашувни ҳам дастлабки тергов, ҳам суд муҳокамаси даврида қўллаш мумкин;

ярашув институтидан мунтазам фойдаланиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар бўйича жиноий таъқибни амалга оширишда бюджет харажатлари-

9 Пайзуллаев К.П. Ярашув битими жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт (давра суҳбати). –Тошкент: ТДЮИ, 2005 й. 35-6.

10 Якоби И. Развитие института уголовной ответственности и институтов освобождения от уголовной ответственности и уголовного наказания в российском государстве: теоретический и историко-правовой аспект: автореф. дисс...., к. ю. н. -Краснодар, 2007 г. – С. 25-26



нинг маълум қисми қисқаришига сабаб бўлади (агар иш ярашув билан тамомланса, айбланувчи вақтинча ушлаб туриш изоляторларида сақланмайди, борди-ю ярашув аризаси дастлабки терговда берилса, одатдаги суд муҳокамаси бўлиб ўтмайди);

жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш натижасида низонинг тезда ҳал этилишига таъсир қилади, натижада моддий ёки маънавий зарарнинг қопланишини, ортиқча қоғоз-бозликсиз амалга оширилишини таъминлайди ва кечириш имкониятини беради;

низони ҳал этишда жабрланувчи ва айбдорнинг фаол қатнашуви таъминланади;

жиноят иши соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан қисқа муддатда дастлабки терговдан ўтказилади, кейин эса иш судда мазмунан кўрилиб, шу босқичда иш қонуний ниҳоясини топади;

ярашув институти айбдорга нисбатан ижтимоий ва руҳий реабилитацияни қўллаш имконини беради;

ярашув институтини қўллаш натижасида айбдор шахсига нисбатан судланганлик ҳолати келиб чиқмайди<sup>11</sup>.

Дарҳақиқат, жиноят судлов ишларини юритишда ҳақиқат ва адолат принципларига қатъий риоя қилган ҳолда жиноят ишларини ихчам, кам чиқим ва қисқа муддатларда очиш ва ҳал қилишни назарда тутадиган процессуал шакл ишлаб чиқилишига муваффақ бўлинди, яъни жабрланувчи суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида ярашув тўғрисидаги аризани бериши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор суд томонидан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки қонуний вакиллари томонидан ярашув тўғрисидаги

аризани ва гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг розилиги олингандан сўнг жиноят судлов ишларини юритишнинг умумий тартибидан ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш шаклига ўтади<sup>12</sup>.

Суд-ҳуқуқ соҳасида ярашув институти низоларни ҳал қилишда инсонпарварлик ва конструктив ёндашувни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Анъанавий жазо чораларидан фарқли ўлароқ, ярашувга урғу бериш жиноятнинг парчаланиши мумкин бўлган ижтимоий тузилмани тузатишга интилади. Ярашув жинойий ҳуқуқбузарликлар туфайли нафақат жабрланувчига, балки бутун жамиятга етказилган зарарни қоплаш учун устунлик қилади. Жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги мулоқотни рағбатлантириш орқали ўзаро муносабатларни тиклашга ёрдам беради.

Анъанавий жазолаш модели кўпинча жинойий хатти-ҳаракатларнинг асосий сабабларини бартараф этишда самарасиз ҳисобланади. Бироқ ярашув ҳуқуқбузарликка олиб келиши мумкин бўлган асосий муаммоларни ҳал қилади. Ушбу ёндашув реабилитацияни рағбатлантириш ва жинойий хатти-ҳаракатларга ёрдам берадиган омилларни бартараф этиш орқали такрорий жиноятларни камайтириш имкониятига эга.

Жинойий ҳаракатлар маҳаллаларда ҳамжихатлик ва ишончни бузиши мумкин. Ярашув ташаббуслари жамият аъзоларини бирлаштириб, уларни ҳал этиш жараёнида фаол иштирок этишга ундайди. Ушбу жамоавий иштирок янада мустаҳкам жамият ришталарини ва келажакда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича умумий мажбуриятни кучайтиради.

Ҳуқуқий тизим кўпинча узоқ суд жараёнлари ва қамоққа олиш билан боғлиқ юқори харажатлар билан юзланади. Ке-

11 Саҳаддинов С.М. *Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари* // Монография. Тошкент: 2013 й.

12 Нарзиев Й. *Жиноят процессида ярашув: мазмун ва моҳият* // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт (давра суҳбати). –Т.: ТДЮИ нашриёти. –Т.: 2005 й. 132-б.



лишув жараёни соддалаштириш, тезроқ ҳал қилиш имконини бериш ва ҳуқуқ тизими ҳамда ярашувчилар учун тангликни камайтириш орқали тежамкор муқобил вариантни таклиф этади.

Анъанавий ҳуқуқий жараёнлар жабрланувчиларни эътибордан четда қолдириши мумкин. Ярашув жабрланувчиларга низоли ҳал қилиш жараёнида фаол роль бериш орқали уларга куч бағишлайди. Бу уларга ўз эҳтиёжлари ва муаммоларини билдириш имкониятини беради ҳамда янада адолатни таъминлашга ҳисса қўшади.

Ярашувнинг кучли томонларидан яна бири унинг мослашувчанлигидир. У тўғридан-тўғри кечирим сўраш ва қайта тиклашдан тортиб, жамоат хизмати ва маслаҳатларгача бўлган турли хил ечимларни тақдим этади. Ушбу мослашувчанлик ҳар бир ишнинг ўзига хос ҳолатларини кўриб чиқадиган, одил судловнинг янада нозик ва самарали шаклини рағбатлантирадиган мослаштирилган ечимларни топишга имкон беради.

Келишувга эришиш ҳуқуқий тизимга нисбатан кўпроқ ишонч ҳиссини уйғотади. Одамлар адолат нафақат жазолаш, балки ярашув орқали муносабатларни тиклашга қаратилганлигини кўрганларида ҳуқуқий тизимни адолатли деб билишади. Бу ишонч ҳуқуқий тизимнинг умумий самарадорлиги ва ишончлилиги учун зарурдир.

Жиноят процессида ярашувни қўллаб, биз эскирган жазолаш тафаккуридан воз кечиб, раҳм-шафқатли, жамиятга йўналтирилган ва самаралироқ адолатга ўтамиз. Жиноятнинг кўп қирралигини тан олиб, унинг шахс ва жамиятга таъсирини бартараф этиш орқали биз нафақат ҳуқуқбузарликларни жазолайдиган, балки бутун жамият фаровонлигига фаол ҳисса қўшадиган ҳуқуқий тизимга йўл очамиз.

Ярашув ташаббуслари нафақат манфаатдор томонлар, балки бутун жамият учун ўзига хос тарбиявий аҳамиятга

эга. Жараён орқали шахслар ўз ҳаракатларининг оқибатларини чуқурроқ тушунади, шахсий ўсишни ва жавобгарликни ривожлантиради. Бундан ташқари, ушбу ташаббусларнинг кўзга кўринганлиги тўхтатувчи восита бўлиб хизмат қилади, потенциал ҳуқуқбузарларнинг олдини олади ва масъулият маданиятини ривожлантиради.

Ҳуқуқбузарларнинг самарали ва масъулиятли шахслар сифатида жамиятга қайтишига ёрдам беради. Жиноий хатти-ҳаракатларнинг асосий сабабларини бартараф этиш ва реабилитация қилиш йўллари тақдим этиш орқали у жиноятчиларнинг ўз жамоаларига қайта интеграциялашувига ёрдам беради, жиноий иш билан боғлиқ юкломани камайтиради ва янада муросали жамиятни рағбатлантиради.

Жамоатчиликнинг одил судлов тизими ҳақидаги тасавури унинг қонунийлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жамият фаровонлигига қаратилган ярашув кўпинча жабрланувчилар ва ҳуқуқбузарларнинг қониқиш даражасини оширади. Бу қониқишнинг ортиши аҳолининг ҳуқуқ тизимига ишончини оширишга ёрдам беради ва унинг умумий самарадорлигини оширади.

Муросани қўллаб-қувватловчи ҳуқуқматлар ва юридик институтлар сиёсатни изчил амалга оширишга содиқлигини намойиш этади. Қайта тикловчи адолат тамойилларини қонунчилик ва жиноий одил судлов тизимига интеграциялаш орқали улар жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари билан ривожланишга ва жазо чоралари чекловларини ҳал қилишга тайёрлигини билдиради.

Турли манфаатдор томонларни, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳуқуқшунослар, жамоат раҳбарлари ва ижтимоий хизматларни жалб қилиш орқали одил судловга ҳамкорликда ёндашишга ёрдам беради. Ушбу кўп тармоқли ҳамкорлик кўриб чиқилаётган муаммоларни ях-



лит тушунишни таъминлайди ва суд залидан ташқарига чиқадиган кенг қамровли, жамият томонидан бошқариладиган ечимларни топишга имкон беради.

Ярашувнинг асосларидан бири шахсий масъулиятни тан олишдир. Ҳуқуқбузарлар ўз ҳаракатларига эгаллик қилишга даъват этилади, бу шунчаки жазодан ташқари жавобгарлик ҳиссини тарбиялайди. Шахсий масъулиятга урғу бериш, шахсий ўсиш ва жамият уйғунлигини биринчи ўринга қўядиган замонавий адолат тушунчаларига мос келади.

Анъанавий ҳуқуқий тизимлар руҳий саломатлик муаммолари ёки шахслар ўртасидаги низолар билан боғлиқ бўлган айрим ҳолатларнинг мураккаблиklarини ҳал қилишда қийналиши мумкин. Ярашув ҳар бир ишнинг ўзига хос ҳолатларини инобатга олган ҳолда мослаштирилган аралашувлар ва қарорлар қабул қилиш имконини берувчи янада нозик ва самарали ҳуқуқ тизимини рағбатлантиради.

Ишни дарҳол ҳал қилишдан ташқари ярашув жамиятнинг узоқ муддатли барқарорлигига ҳисса қўшади. Очиқ мулоқот, тушуниш ва қўллаб-қувватлаш тармоқларини ривожлантириш орқали у жамоалар учун келажакдаги муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун асос яратади. Бу барқарорлик ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлаш ва жамиятда низолар авж олишининг олдини олиш учун жуда муҳимдир.

Ярашув одил судловнинг марказига ахлоқий мулоҳазаларни киритади. Бу жа-

зонинг ахлоқий ўлчовларини қайта кўриб чиқишга ундайди, ҳуқуқий тизимларни жамият қадриятлари ва инсон кадр-қимматига мос келадиган ёндашувларни биринчи ўринга қўйишга ундайди. Ушбу ахлоқий асос компас бўлиб хизмат қилади ва ҳуқуқий тизимни жамиятнинг ахлоқий компасини акс эттирувчи қарорлар томон йўналтиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ярашув институти жиноят процессига ўзгарувчан жиҳат олиб келади. Қайта тиклаш, жамоатчилик иштироки ва адолатнинг инсоний жиҳатига эътибор қаратиш орқали у нафақат жазоловчи, балки ижтимоий тузилмани қайта тиклайдиган, мустаҳкамлайдиган ва тарбияловчи ҳуқуқий тизим сари илғор қадамдир.

Ярашув институти жиноят процессида қўллашнинг аҳамияти алоҳида ҳоллардан анча кенгрокдир. У бизнинг ҳуқуқий тизимларимизнинг асосига кириб боради, жамият идрокига таъсир қилади, жамиятнинг барқарорлигини ривожлантиради ва адолат келажаги бўйича глобал суҳбатга ҳисса қўшади.

Жиноят процессида ярашувнинг ролини ўрганиш ва такомиллаштиришда давом этар эканмиз, унинг таъсири ишларни дарҳол ҳал қилишдан ташқарида эканлиги аён бўлади. Ярашув институти адолатга бўлган ёндашувимиздаги ўзгаришларни ўзида мужассам этган бўлиб, у жамият фаровонлиги ва адолатни таъминловчи ахлоқий тамойилларга урғу беради.

#



Фарход БОБОМУРОДОВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил  
изланувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ўзига хос хусусияти таҳлил қилиниб, олимлар ва амалиёт ходимларининг фикрлари ҳамда ўрганилган эмпирик ҳужжатлар билан асослантирилиб, муаммонинг ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье проанализирована специфика проведения оперативно-розыскных мероприятий по обеспечению прав, свобод и законных интересов человека, обоснованы мнения ученых и практического персонала, а также изучены эмпирические документы, разработаны предложения и рекомендации по решению проблемы.

**ABSTRACT.** The article analyzes the specifics of conducting operational-search activities in ensuring human rights, freedoms and legitimate interests, substantiates them with the opinions of scientists and practitioners and studied empirical documents, and develops proposals and recommendations on the solution of the problem.

**Калит сўзлар:** инсон ҳуқуқлари, тезкор-қидирув тадбирлари, асослар, шартлар, қарор.

**Ключевые слова:** права человека, оперативно-розыскные мероприятия, основания, условия, решение

**Key words:** human rights, operational-search measures, grounds, conditions, decision.

Тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ деб юритилади) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ деб юритилади) ўтказиш билан боғлиқ. ТҚФ-ни амалга оширувчи орган ходими, масалан, ИИБ тезкор ходими ТҚТни ўтказиш тартибига тўлиқ амалга қилиши шарт. Мазкур масалани қуйида атрофлича таҳлил қиламиз.

Сўров ТҚТ ошкора ва ноошкора усулларда ТҚФнинг вазифасини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш мақсадида тезкор ходим томонидан амалга оширилади. Ушбу тадбир гумонланувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахсга нисбатан ўтказилади<sup>1</sup>. Вояга

етмаган шахс билан сўров ўтказилганида унинг қонуний вакили, педагог ёки психолог иштирок этиши шарт. Ушбу тадбирни ўтказишнинг шакли ва тартиби ҳақида мутахассислар томонидан турли фикрлар билдирилган.

Жумладан, Н.А.Трифонованинг фикрича “сўров тезкор-қидирув тадбири ошкора ва ноошкора усулларда ўтказилиб, сўров қилинаётган шахснинг розилиги ва унга жисмоний ва руҳий таъсир ўтказилмаслиги ушбу тадбирнинг қонуний ўтказилишини таъминлайди”<sup>2</sup>; А.А.Нуждиннинг фикрича эса “сўров тадбири касбий маҳорат, тизимли ва ўз вақтида ўтказилса жиноят содир этишга имкон берган сабаблар ва шароитлар, маҳкумларнинг жиноят содир этиш ниятлари, жиноят содир этишга

1 Агарков А.В. *Дефиниции оперативно-розыскных мероприятий: сравнительный анализ и законодательное закрепление.* Монография / А.В.Агарков; Федер. служба исполн. наказаний, Владим. юрид. ин-т Федер. службы исполн. наказаний. – Владимир: ВЮИ ФСИН России, 2017 г. – С.15.

2 Трифонова Н.А. *О некоторых проблемах проведения опроса в оперативно-розыскной деятельности* // Сибирский юридический вестник. 2006 г. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-nekotoryh-problemah-provedeniya-oprosa-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti> (дата обращения: 07.10.2024 г.)



мойил шахслар, маҳкумлар, камокқа олинган шахсларнинг озодликда юрган жинорий шериклари ҳақида маълумот тўпланади”<sup>3</sup>. Ушбу мутахассисларнинг фикрлари тадбирни қонуний ўтказиш лозимлигини билдирмоқда. Демак, сўров ТҚТни ўтказишда тезкор ходимдан сўров қилинаётганнинг сўров ўтказишга розилигини олиш, сўров қилинаётган шахснинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тадбирни ўтказиш жойи, вақти, саволларнинг кетма-кетлигини ишлаб чиқишда пухта тайёргарлик кўрилишини талаб этади. Амалиётда сўров ТҚТни ўтказишда хатолар учраб турмоқда, оқибати эса сўров қилинаётган шахс прокуратура органларига мурожаат қилиши ёки вафот этиши билан яқунланмоқда. Масалан, 2020 йилнинг январ ойида Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани Лангар қишлоғида ўғирлик жиноятини фош этишга қаратилган ТҚТ жараёнида бир нафар гумондор шахс билан икки нафар тезкор ходим тўғри психологик мулоқот ўрнатмасдан сўров ТҚТни ўтказиши натижасида фуқаро вафот этиб, тезкор ходимлар қонун асосида жинорий жавобгарликка тортилган<sup>4</sup>. Шунингдек, 2020 йилнинг май ойида Андижон вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакиллари томонидан иш юритувидаги ариза юзасидан фуқаро “А” сўров ТҚТни ўтказиш учун ИИБнинг маъмурий биносига олиб келиниб, ҳаёти, соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, ноқонуний равишда ушлаб турилиши оқибатида фуқаронинг соғлиги ёмонлашиб шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг филиалига юборилган ва шахс шифохонада вафот этган. Ҳолат юзасидан олти нафар айбдор ИИБ ходим-

ларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаларига (104, 206, 227, 234, 235-моддалари) биноан жиноят иши қўзғатилиб<sup>5</sup>, дастлабки тергов олиб борилган.

Ҳозирда ИИО тезкор ходимларидан сўров ТҚТ ИИВнинг 2024 йил 26 февралдаги буйруғига биноан республика бўйича жами 497 та ташкил этилган сўровхоналарда амалга оширилиши талаб этилиб, амалиётда ушбу тадбирни амалга оширишда мазкур буйруқнинг талабига риоя қилмаслик ҳолати кўп кузатилади. Масалан, сўровхонага олиб келинган фуқаролар китобга қайд этилмаслиги ёки қайд этишда шахснинг олиб келинган ва олиб кетилган вақти ёзилмаслиги, айрим сўровхоналар белгиланган талаблар асосида жиҳозланмаганлиги ва ҳоказо. Бизнингча, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда сўров ТҚТ ИИОнинг сўровхоналарида, кузатув мосламалари ўрнатилган махсус хоналарда ёки сўров қилинаётганнинг хоҳишига кўра бошқа жойда амалга оширилиб, видеотасвирга олинishi, тадбир натижалари юзасидан тегишли ҳужжатларни (*ариза, тушунтириши хати, баённома ва бошқалар*) расмийлаштириши; сўров қилинаётган шахсга тиббий ва юридик хизмат кўрсатилиши; ноошкора усулда сўров ТҚТ ўтказилиб, тезкор ходимга тезкор ахборотни тақдим этган кўмаклашувчи фуқаронинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маълумотлар тўплаш тадбири ТҚФнинг вазифаларини ҳал этишда ахборот тизимларини ўрганиш, сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар, ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш, бошқа ТҚТга

3 Нуждин А.А. *Оперативно-розыскное мероприятие «опрос» в выявлении обстоятельств, способствовавших совершению пенитенциарных преступлений: виды опроса и технология его проведения* // Вестн. Том. гос. ун-та. 2021 г. №473. //URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativno-rozysknoe-meropriyatie-opros-v-vyyavlenii-obstoyatelstv-sposobstvovavshih-soversheniyu-penitentsiarnyh-prestupleniy-vidy> (дата обращения: 17.08.2024 г.)

4 <https://uza.uz/oz/society/chiro-chidagi-fozhiali-vo-ea-odamlarning-a-ru-azabiga-sabab-30-01-2020?26155823>(Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 14.10.2024 й.)

5 <https://kun.uz/news/2020/11/27/andijonda-qiynoqqa-solingan-fuqaro-ishi-boyicha-ichki-ishlar-xodimlariga-sud-hukmi> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.10.2024 й.)



оид маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш мақсадида ўтказилади. Мазкур тадбирни тезкор-қидирув қонунчилигида назарда тутилган қонунийлик тамойилига риоя қилган ҳолда амалга ошириш лозим<sup>6</sup>. Мансаб ваколатидан фойдаланиб маълумотлар расмий сўровнома тақдим этмасдан олиниши маълумот бераётган шахснинг ҳуқуқлари бузилган деб топилади. Масалан, ТҚТни ўтказиш жараёнида агроном, архитектор ва бошқа мутахассисларни жалб этишда кўпинча оғзаки равишда мурожаат қилиш ҳолати амалиётда кўп кузатилади. Амалиётда банк сирига оид маълумотлар тўплаш тадбири, 13 та ҳудудда терговга қадар текширув вақтида, Тошкент шаҳрида эса жиноят иши қўзғатилгандан кейин қарор асосида амалга оширилаётганлиги кибержиноятларнинг ошиб кетишига, фуқароларнинг мулкий дахлсизлик ҳуқуқи бузилишига олиб келмоқда. Мазкур тадбирни ўтказишда ТҚФга кўмаклашувчи фуқаронинг имкониятидан фойдаланилганда шахсий хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилиши шарт. ТҚФни амалга оширувчи субъектлар мазкур тадбирни ўтказишга таъсир кўрсатувчи ташкилий муаммоларни ҳал этишда, *биринчидан*, расмий сўровномалар асосида шахс ҳақида маълумотномалар тўплаш; *иккинчидан*, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган расмий сўровнома асосида зарур мутахассисларни жалб этиш; *учинчидан*, ТҚФга ошкора ва ношкора шаклда кўмаклашувчи фуқаролар жалб этилганида уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш чоралари кўрилиши ТҚФда инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга имкон беради.

Қиёсий текширув учун намуналар

йиғиш ТҚТ тезкор ходим томонидан юритувидаги терговга қадар текширув материаллари, махсус тезкор-қидирув иш ҳужжатлари доирасида моддий объектларни келгусида қиёсий текшириш, солиштириб кўришда намуна олиш учун ўтказилади. Мазкур тадбир ошкора шаклда намуналар (нарса ва ҳужжатлар, инсон ҳаёти (*ДНК экспертизасининг объектлари*) билан боғлиқ излар, дастилоскопик, трассологик, баллистик ва бошқа экспертиза тадқиқот объектларининг намуналари, эркин муомаласи тақиқланган ёки чекланган предметлар олинганида қонунчиликка биноан баённома тузиш, ушбу ҳаракатлар мутахассис томонидан амалга оширилса, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари имзоси билан тасдиқланган расмий сўровнома асосида ўтказилади. Ношкора ўтказиш зарурати бўлганда ушбу функцияни тезкор ходим ёки унинг топшириғига кўра кўмаклашувчи фуқаро ўтказади. Шу вазиятда намуна олинаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслиги учун тезкор ходим ва унга ёрдам берган фуқаро мақсади яширилган тарзда ҳаракат қилиши зарур. Тезкор йўллар билан олинган намуналар келгусида ишда далилий аҳамиятга эга бўлмайди<sup>7</sup>. Ушбу намуна қонунчиликка биноан расмийлаштириб, текширилиб, баҳоланганидан сўнггина мақбул далил бўлиши мумкин. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойда қолдирилган пойафзал излари билан намуна сифатида гумонланувчи шахсга тегишли пойафзал изларини унга айтмай, сездирмасдан олиниб, мутахассис иштирокида қиёсий солиштириб кўрилади, айнан бир хиллиги аниқланса, маълумотнома тузилиб тегишли тергов бўлимига тақдим этилади. Шу асосда гу-

6 Рясов А.В. Мещерин А.И. О проведении оперативно-розыскного мероприятия «Наведение справок» // Закон и право. 2020 г. №1. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-provedenii-operativno-rozysknogo-meropriyatiya-navedenie-spravok> (дата обращения: 25.11.2024 г.)

7 Кудрявцева Ю.А. Получение образцов для сравнительного исследования как оперативно-розыскное мероприятие // Вестник ЮУрГУ. Серия: Право. 2012 г. №43 (302) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poluchenie-obraztsov-dlya-sravnitel'nogo-issledovaniya-kak-operativno-rozysknoe-meropriyatie> (дата обращения: 06.12.2024 г.)



монланувчининг жиноят содир этганлиги ҳақида бошқа ашёвий далиллар топилади, шахсни сўроқ қилиш учун тергов бўлимига топширилади. Ушбу тадбир корхоналар, муассаса ва ташкилотларда ўтказилганида юридик шахснинг иш режимига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Акс ҳолда ишчиларнинг меҳнат қонунчилигида назарда тутилган иш вақтида танаффус, дам олиш ҳуқуқлари, эркинликлари бузилишига олиб келади ва ишнинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу каби муаммоларни ҳал этишда, *биринчидан*, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари имзолаган расмий сўровномани мутахассисга тақдим этиш; *иккинчидан*, ушбу тадбир жисмоний ва юридик шахсга нисбатан ўтказилганида Конституция ва меҳнат қонунчилиги билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигини таъминлаш; *учинчидан*, тадбир ноошкора усулда ўтказилганда конспирация принципига тўлиқ риоя қилиниши талаб этилади.

Предметлар ва ҳужжатларни текшириш ТҚТ қоидага кўра, намуналар йиғишнинг мантикий давоми бўлиб, тезкор ходим махсус билимга эга бўлган мутахассис ёрдамидан фойдаланади<sup>8</sup>. Тадбир қонуний бўлиши учун расмий сўровнома билан қиёсий солиштириб кўриш учун олинган намуна, предметлар ва ҳужжатлар тегишли мутахассисга тақдим этилади<sup>9</sup>. Ушбу вазиятда амалиётда баъзида муаммолар кузатилмоқда. Яъни тадбирни ҳар бир жиноят турларидан келиб чиқиб тадқиқот ўтказишнинг тартиби, муддати қонунчиликда белгиланмагани боис терговга қадар текширув, суриштирув олиб борилаётган шахсларнинг ортиқча вақти олиншига сабаб бўлмоқда. Масалан, шахси аниқлан-

маган йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан шубҳа остидаги юздан ортиқ транспорт воситалари текшириб кўрилиши учун вақтинчалик ЙХХБнинг жарима майдонига олиб келинади. Текширув узоқ давом этадиган бўлса, якка тартибда киракашлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари, қунлик иш режими бузилади. Шунингдек, ўзлаштириш ёки растрата жиноятини аниқлаш ва фош этишда тафтишчи мутахассис иштирокида корхона ҳужжатлари текшириб кўриб ўрганилади. Бу вазиятда корхона фаолияти вақтинчалик тўхтатилади. Текширув якуни бўйича қонуний қарорлар қабул қилинган корхона моддий зарар кўради. Ушбу ташкилий муаммони бартараф этишда, биринчидан, мутахассис иштирокида ўтказиладиган тадқиқот муддатини идоровий ҳужжатларда аниқ белгилаш ва мазмунидан тезкор ходимларнинг хабардор бўлиши; иккинчидан, ТҚТда мутахассисни расмий тартибда жалб этиш; учинчидан, фуқаро билан боғлиқ криминалистик тадқиқотлар олиб боришда шахс ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатлари таъминлашига эътибор бериш керак.

Шахснинг айнанлигини аниқлаш ТҚТ жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, қидирув ишларини амалга ошириш каби вазифаларни самарали ҳал этишда ошкора, ноошкора усулда ўтказилади. Тадбирни ўтказишнинг осон йўли бу шахс ҳақидаги маълумотларни ўрганиш орқали аниқлашдир. Бу эса ҳар доим расмий тартибда амалга оширилмайди. ТҚФ назариясида шахснинг айнанлигини аниқлаш икки гуруҳга бўлиниб, статикда шахснинг қўл бармоқ ва пойафзал излари, хиди, ДНК таҳлили орқали; динамикда эса шахс-

8 Сороколетова Н.Э. *Правовые основы оперативно-розыскного мероприятия «исследование предметов и документов»* // Вестник Сибирского юридического института МВД России. 2021 г. №3 (44) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-osnovy-operativno-rozysknogo-meropriyatiya-issledovanie-predmetov-i-dokumentov> (дата обращения: 04.12.2024 г.)

9 Шабанов В.Б., Харевич Д.Л. *К вопросу о сущности и наименовании оперативно-розыскного мероприятия исследование предметов и документов* // Вестник Сибирского юридического института МВД России. 2015 г. №2 (19) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-suschnosti-i-naimenovanii-operativno-rozysknogo-meropriyatiya-issledovanie-predmetov-i-dokumentov> (дата обращения: 25.11.2024 г.)



нинг хатти-ҳаракати, имо-ишоралари, юз ифодаси ва нутқи орқали шахси аниқла-ниб, энг асосийси, шахснинг шаъни ва кадр-қиммати, бошқа ҳуқуқи бузилмас-лигини таъминлашдир. Бунинг учун му-тахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятидан келиб чиққан ҳолда шахснинг айнанли-гини аниқлаш тадбирини ўтказиш мудда-тини қонунчиликда аниқ белгилаш зарур. Амалиётда ушбу тадбирни ўтказишнинг кенг тарқалган тури криминалистик тех-ник воситалардан унумли фойдаланиш-дир<sup>10</sup>. ХХI асрда рақамли технология-лардан фойдаланган ҳолда шахснинг айнанлигини аниқлаш имкониятлари юқори бўлиб<sup>11</sup>, бунинг учун шахсга доир биометрик идентификацион маълумотлар базаларини<sup>12</sup> шакллантириш талаб этила-ди. Тадбир тезкор ходим, мутахассис ва биометрик идентификациялаш орқали уч шаклда амалга оширилиб<sup>13</sup>, амалиётда мавҳум ҳолатда содир этилган (шахси но-маълум) жинойтларда гумонланувчининг шахсини аниқлашда айрим ҳолларда қо-нун бузилиши ҳолатларига йўл қўйил-моқда. Бунинг олдини олишда, *биринчи-дан*, мутахассис иштирокида шахснинг айнанлигини аниқлаш тадбирини ўтқа-зишнинг муддатини қонунчиликда белги-лаш; *иккинчидан*, айнанлаштирилаётган шахснинг ҳуқуқлари, манфаатлари бузил-маслигини таъминлаш; *учинчидан*, тезкор ходимлар хатти-ҳаракатларини процес-суал ва нопроцессуал шаклда расмий-

лаштиришлари талаб этилади.

Турар жойлардан бошқа жойларни, би-ноларни, иншоотларни, жойнинг участка-ларини ва транспорт воситасини кўздан кечириш тадбири ТҚФнинг назарияси-да рухсат талаб этилмайдиган ТҚТ сифа-тида ўрганилади ва ушбу ҳаракат тинтув тергов ҳаракатидан ёки турар жойларни тезкор текширишдан фарқ қилади<sup>14</sup>. Ушбу фарқ, *биринчидан*, турар жойлардан бош-қа жойлар, бино, иншоотларни, жойнинг участкаларини ҳамда транспорт воситала-рини кўздан кечиришда санкция талаб қи-линмаслиги ёки тинтув ва тезкор текши-ришда объектлар, жой, хона ва қўшимча хўжалик хоналарида мавжуд предмет ва уларнинг таркибий қисмлари тўлиқ тин-тиб чиқилиши ва бунинг учун санкция талаб этилиши; *иккинчидан*, тадбир ўт-казилаётган жойнинг аниқ чегарасининг мавжудлиги. Қонунчиликда турар жой-лар қуйидагилар: “уйлар; кўп квартира-ли уйлардаги квартиралар; бошқа имо-ратларда яшаш учун мўлжалланган хона ва ўзга турар жойлар”<sup>15</sup>; “уй-жой – ки-шиларнинг доимий ёки вақтинчалик ту-ришига мўлжалланган (шахсий уй, хо-надон, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқа-лар) бино, шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжла-рини қондириш учун (балконлар, ойна-банд айвонлар, омборлар ва бошқалар);

10 Шиканов В.М. Отождествление личности в системе оперативно-разыскных мер обеспечения экономической безопасности // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2009 г. №2 (11) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otozhdestvlenie-lichnosti-v-sisteme-operativno-razysknyh-mer-obespecheniya-ekonomicheskoy-bezopasnosti> (дата обращения: 27.11.2024 г.)

11 Гуров А.М. Отождествление личности методом теле-видео-фотосуперпроекции с использованием компьютерной программы «Adobe Premiere» // <http://dspace.nbuv.gov.ua/bitstream/handle/123456789/54111/27-Gurov.pdf?sequence=1>

12 Югай Л.Ю. Жинойтларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланиш бўйича инновацион ёндашувлар: юрид. фан. д-ри (DSc) дис. ... автореф. – Т., 2023 й. 29-б.

13 Ховавко С.М. Формы отождествления личности в оперативно-розыскной деятельности // Вестник КРУ МВД России. 2021 г. №3 (53). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formy-otozhdestvleniya-lichnosti-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti> (дата обращения: 19.11.2024 г.)

14 Бакланов Л.А. Гласное обследование помещений, зданий, сооружений, участков местности и транспортных средств в оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел: монография. Тюмень: Тюменский институт повышения квалификации сотрудников МВД России, 2015 г. С.4.

15 Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси // URL: <http://www.lex.uz/doc/106136> (муружаат вақти: 15.11.2024 г.)



“омборхона” деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча бўлсада сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой”<sup>16</sup>га ажратилган. Демак, *турар жойлар деганда* жисмоний шахснинг яшаш учун мўлжалланган, қўшимча хўжалик хоналари, омборхоналар, дам олиш учун мўлжалланган жойлари, юридик шахсларнинг фаолият кўрсатиш объектлари тушунилса, *турар жойлардан бошқа жой, бинолар, иншоотлар, жойнинг участкалари деганда* қурилиши тугалланмаган атрофи очик бўлган иморат, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, экин ерлари назарда тутилади. Транспорт воситаси кулф ҳолатда ва унинг эгаси бўлмаганида автомашинани тезкор кўздан кечириш (тинтиш) учун санкция олиниши шарт ҳисобланади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда 24 соат ичида санкция берувчи органга хабар бериб, шубҳа остидаги транспорт воситаси тезкор кўздан кечирилиши шарт. Одатда магистрал ва ички йўлда, йўл-патруль масканларида транспорт воситасини текшириш ошқора мақсади яширилган усулда йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори ва тезкор ходим ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим<sup>17</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, депутатлар,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, дипломатия дахлсизлигига эга бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзолари, судьялар, прокурор, адвокатнинг хизмат хоналари, турар жойлари ва бошқа бинолари, транспорт воситалари, шахсий буюмлари қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари тезкор кўздан кечириш ТҚТни ўтказиш тақиқланади. Тадбир ношқора ўтказилганда эса тезкор бўлинмалар ТҚФга қўмаклашувчи фуқаролардан, махсус ваколатли давлат органининг кучлари ва воситаларидан фойдаланиши лозим. Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад муҳим ахборотни тўплаш, жиноятларнинг олдини олиш, бартараф этиш, аниқлаш ва фош этиш, қидирувда юрган шахсларни ушлаш, эркин муомаласи тақиқланган ёки чекланган ашёлар, предметларни аниқлаш ва қонунчилик талаби асосида расмийлаштиришдан иборат<sup>18</sup>. Мазкур тадбирнинг қонунда кўрсатилган асослар ва шартларга риоя қилган ҳолда ўтказилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг кафолати ҳисобланади<sup>19</sup>.

Амалиётда тезкор ходимлар ушбу тадбирни ўтказишда қуйидаги хатоларга йўл қўйишмоқда: *биринчидан*, тезкор кўздан

16 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 21.11.2024).

17 Фирсов О.В. *Проблемы правового регулирования оперативно-розыскного мероприятия «Обследование помещений, зданий, сооружений, участков местности и транспортных средств»* // Научный портал МВД России. 2011. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-pravovogo-regulirovaniya-operativno-rozysknogo-meropriyatiya-obsledovanie-pomescheniy-zdaniy-sooruzheniy-uchastkov> (дата обращения: 11.12.2024 г.); Фирсов О.В. Особенности правового регулирования оперативно-розыскного мероприятия «Обследование помещений, зданий, сооружений, участков местности и транспортных средств» // Вестник ЗабГУ. 2011 г. №7 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-pravovogo-regulirovaniya-operativno-rozysknogo-meropriyatiya-obsledovanie-pomescheniy-zdaniy-sooruzheniy-uchastkov> (дата обращения: 12.12.2024 г.)

18 Курышева Н.С., Ильин Д.В. *Обследование помещений, зданий, сооружений, участков местности и транспортных средств: проблемы правового регулирования и практической реализации при раскрытии и выявлении налоговых преступлений* // Вестник экономической безопасности. 2011. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obsledovanie-pomescheniy-zdaniy-sooruzheniy-uchastkov-mestnosti-i-transportnyh-sredstv-problemy-pravovogo-regulirovaniya-i> (дата обращения: 08.12.2024 г.)

19 Шашин Д.Г. *Подготовка и проведение оперативно-розыскного мероприятия «Обследование помещений, зданий, сооружений, участков местности и транспортных средств»: учебное пособие* // Д.Г. Шашин, Н.Т. Кузьмин. – Красноярск: СибЮИ МВД России, 2020 г. – С. 78.



кечириш билан тезкор текширишнинг аниқ чегарасини белгилашда янгилишиш ҳолатлари; *иккинчидан*, бириктирилган маъмурий ҳудуддан ташқари бошқа ҳудудларда тадбирнинг ноқонуний ўтказилиши; *учинчидан*, тадбирни амалга оширишда далолатнома, баённома шаклида ҳужжатларни тузишда мазмунан камчиликка йўл қўйилиши; *тўртинчидан*, холисларнинг ўз вақтида тадбирда иштирокини таъминланмаслик кабиларни таъкидлаш мумкин. Тезкор ходим томонидан бу каби камчиликларга йўл қўйилиши ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга жиддий таъсир кўрсатади. Шу каби муаммоларни бартараф этишда *биринчидан*, ТҚФни идоравий назорат қилувчи раҳбарлар қўл остидаги тезкор ходимларга доимий равишда рухсат талаб этилмайдиган ТҚТни ўтказишнинг ҳуқуқий, ташкилий жиҳати ҳақида тушунчалар ва йўриқномалар бериши; *иккинчидан*, тадбирни ўтказиш тартиби ҳақида очик йўриқнома тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш лозим.

ТҚФнинг назарияси ва амалиётдан маълумки, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори (рухсати) билан ўтказиладиган ТҚТ 7 тани ташкил этиб, уларнинг амалиётда ўтказилиш ҳолати бўйича соҳа ходимларининг фикрлари ўрганилди. Жумладан, “ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг рухсати билан ТҚТларни ўтказишда тезкор ходимлар қандай камчиликга йўл қўйишмоқда?” деган саволимизга респондентларнинг 26 фоизи ушбу тадбирларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ билмаслиги боис дастлабки ҳужжатлар тузилмасдан тадбир яқунлари бўйича ҳужжатлар тузилиши; 24 фоизи ТҚФга жалб этилган кўмаклашувчи фуқаролар хавф-

сизлиги етарли таъминланмаслиги; 40 фоизи ходимларнинг ёшлиги ва тажрибасизлиги; 10 фоизи идоравий назорат етарли таъминланмаслиги каби жавобларни белгилашган.

Ушбу тезкор-қидирув тадбирларининг мазмун-моҳиятини таҳлил қиламиз.

Тезкор кузатув ТҚТ қонунда белгиланган вазифаларни самарали ҳал этишда шахсларнинг ҳаракатларини, ҳодисаларни ва жараёнларни бевосита ёки билвосита ноошкора усулда кузатиш орқали амалга оширилади. Мазкур тадбир 1917 йилдан бошлаб жисмоний ва электрон шаклда ўтказилиб, асосан жиноятчиликка қарши курашишда ижобий натижаларга эришиш мақсадида исботлаш жараёнида кенг фойдаланиб келинмоқда<sup>20</sup>. Муаммоли жиҳати шундаки, тадбир натижасини процессуал жиҳатдан расмийлаштиришнинг имконияти йўқ бўлиб, бироқ тезкор ходимга кейинги ТҚТни белгилашда муҳим йўналиш вазифасини бажаради. Тадбир асосан тезкор эксперимент тадбирини ўтказишни тайёргарлик кўриш босқичига<sup>21</sup> хизмат қилади. Тезкор ходим тадбирни амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаслиги, яъни асоссиз равишда (шахсий манфаат, адоват йўлида буюртма асосида) ўтказмаслиги, конспирацияга амал қилиши лозим. ТҚФга кўмаклашувчи фуқаролар жалб этилганида уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш тезкор ходим зиммасига юклатилади.

Тезкор киритиш ТҚТ ТҚФнинг вазифаларини самарали ҳал этишда ТҚФни амалга оширувчи органнинг ходимлари ва кўмаклашувчи фуқаролар томонидан ноошкора шаклда амалга оширилади. Н.Абдуллаеванинг фикрича: “тезкор киритиш тадбирига икки ёки ундан ортиқ жино-

20 Мальцев В.В. *Оперативный эксперимент и наблюдение: соотношение понятий* // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2017 г. №11 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativnyy-eksperiment-i-nablyudenie-sootnosheniye-ponyatiy> (дата обращения: 12.12.2024 г.)

21 Лахин В.Д. *Наблюдение как оперативно-розыскное мероприятие* // Вестник ОмГУ. Серия. Право. 2007 г. №2 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nablyudenie-kak-operativno-rozysknoe-meropriyatie> (дата обращения: 09.12.2024 г.)



ий гуруҳлар орасида фаолият кўрсатувчи шахсларни бир марталик, вақтинчалик ёки доимий равишда жалб этилиши ижобий натижа беради”<sup>22</sup>. Д.Макарова ва Т.Дригина эса: “тезкор киритиш тадбирига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларга кўмаклашувчи фуқароларни қисқа муддатда (*соатлар ва сутка*), узоқ (*ойлар ёки йил*) муддатга жалб этилиши, биринчи навбатда хавфсизлиги таъминланиб, шу тартибда тадбир давом эттирилади”<sup>23</sup> деган фикрни билдиради. О.Ю.Вашенко ва Ж.М.Махкамовларнинг таъкидлашича: “тезкор киритиш ТҚТни ўтказишда тадбирнинг объекти, субъекти, киритилаётган шахснинг розилиги, тадбирга тайёргарлик кўриш, мақсад, шартлар каби белгилардан иборат эканлигини ҳамда ушбу тадбир ўтказилмасдан мақсадга эришишнинг имкони бўлмаганида, тезкор киритиш тадбири ўтказилади”<sup>24</sup>. Мутахассисларнинг билдирган фикрлари тўғри, шундай бўлса-да, тадбирни ўтказишда аввал пухта ўйлаб режа тузиб, тезкор киритиш тадбирига жалб этилаётган ҲМҚО ходимлари ёки кўмаклашувчи фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим. Акс ҳолда уларнинг ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолиб, натижа-си шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқининг бузилишига олиб келади.

Ниқобланган операция ТҚТ жиноий-криминоген муҳитга ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган объектга киритилган шахснинг имкониятидан ТҚФнинг вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш учун

ўтказилади. Ушбу тадбир билан тезкор киритиш тадбири тушунчаларининг таърифлари мазмун жиҳатдан яқин, ўхшаш маъноларни англатиб, икки мустақил тадбирнинг қонунчилиқда берилган таърифида такрорланишнинг мавжудлиги ҳуқуқий муаммолардан бири десак, тўғри бўлади. Мисол учун, Молдова Республикасининг “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 30-моддасида “ниқобланган фаолият” тадбири тушунчаси баён этилган ва мазмуни “тезкор киритиш” тадбирини англатади. Назаримизда, тезкор киритиш тадбири натижасидан қатъи назар, объектга киритилган шахснинг функциялари ўз ниҳоясига етганидан бошлаб, ушбу тадбир тугалланган ҳисобланиши лозим. Ушбу икки тадбирларнинг тушунчасини бир-биридан фарқлаш учун қонун нормасига ўзгартириш киритиш зарурати мавжуд бўлиб, ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда энг аввало тезкор ходим тадбирларнинг асл мазмун-моҳиятини ва ўзаро фарқли жиҳатларини билиши зарурдир.

Тезкор эксперимент ТҚТ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлашда муайян шароитларни сунъий равишда яратиш орқали ноошкора усулда ўтказилади. Коррупциявий жиноятларга қарши курашишда ушбу тадбирни ўтказиш ижобий самара беради<sup>25</sup>. Шунингдек, мулкий турдаги жиноятларни фош этишда ҳам мазкур тадбирнинг ўтказилиши муҳимдир. Тадбирни ўтказишда

22 Абдуллаева Н.Дж. *Оперативное внедрение в деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел*: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Иркутск., 2007. – Б.6.

23 Макарова Д.А., Дрыгина Т.А. *Проведение оперативно-розыскного мероприятия «Оперативное внедрение»* // Э-Ссио. 2022 г. №6 (69) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/provedenie-operativno-rozysknogo-meropriyatiya-operativnoe-vnedrenie> (дата обращения: 12.12.2024 г.)

24 Ващенко О.Ю. *Сущность оперативного внедрения как оперативно-розыскного мероприятия в оперативно-розыскной деятельности* // Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. 2011 г. № 1-1 URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-operativnogo-vnedreniya-kak-operativno-rozysknogo-meropriyatiya-v-operativno-rozysknoy-deyatelnosti> (дата обращения: 25.11.2024 г.); Махкамов Ж.М. (2023). *Тезкор киритиш тезкор-қидирув тадбирининг ҳуқуқий асослари, улардаги зиддият ва бўшлиқлар*. Журнал оф инноватионс ин социал ссиенсес [www.sciencebox.uz](http://www.sciencebox.uz). Волюме: 03 Иссуе: 11 | Нов – 2023 ИССН: 2181-2594.

25 Маматов В.Г. *Оперативный эксперимент в борьбе с коррупцией: вопросы теории и практики*. Экономика. Право. Общество. 2018 г. (3). – С. 85-89.



тезкор ходим провакацион ҳолатларга йўл қўймаслиги лозим<sup>26</sup>. Яъни тезкор ходим фуқароларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш ва ундамаслиги, аксинча жиноятнинг содир этилишига тайёргарлик кўраётган ёки режалаштираётган, ният қилганларнинг жиноий ҳаракатларига чек қўйишда ёрдам бериш таклифини ТҚФга кўмаклашаётган фуқаро ўз ташаббуси билан мурожаат қилиши, шу мақсадда ходимлар кўмаклашувчи фуқаронинг аҳволини оғирлаштирмаслиги лозим<sup>27</sup>. Афсуски, амалиётда ундаш, жалб қилиш ва оғдириш ҳолатлари баъзида кузатилади. Бунга иқтисодиёт соҳасидаги ва порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни аниқлашни мисол келтиришимиз мумкин. Тезкор ходимлар иш кўрсаткичларини ўтган йилга нисбатан оширишда шахсни ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга жалб қилиш, ундаш ҳаракати кузатилмоқда. Тезкор ходимларнинг фаолиятида бундай номақбул ҳолатга йўл қўймаслик учун, *биринчидан*, тезкор эксперимент ўтказиш учун етарли ва қонуний асосларнинг бўлиши<sup>28</sup>; *иккинчидан*, ушбу асосларни бошқа ТҚТни ўтказиб обдон текшириб кўрилиши; *учинчидан*, тадбирни ўтказиш шартларига риоя қилиниши<sup>29</sup>; *тўртинчидан*, тадбирда иштирок этаётган шахснинг хавфсизлигини таъминлаши лозим. Тезкор ходимнинг ушбу қоидаларга амал қилиши тезкор экс-

периментда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиб, қонунийлик принципига амал қилинишига шароит яратади.

Текшириш учун харид қилиш ТҚТда жисмоний ва юридик шахслардан аҳамиятга эга бўлган товарлар ёки хизматлар ҳақ эвазига харид қилинади. Тадбир қонуний асослар ва шартларга риоя қилиниб, товар ва хизматлар ҳақ эвазига сотиб олиниши керак. Хариддан мақсад шахснинг ғайриқонуний фаолиятини дастлабки текшириш<sup>30</sup>, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилишини текширишдан иборатдир. Амалиётда қонуний шартларга риоя қилинмасдан ушбу тадбирни ўтказиш ҳолатлари кузатилади. Масалан, аввал тадбир ўтказилиб, кейин процессуал ҳужжатлар тузилиши, хабар берилмаслиги ва бошқалар. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни харид қилишда серия ва рақамлари баённомада қайд этилган пуллар ҳолислар иштирокида аудио, видеотасвирга олинган ҳолда шартли равишда харидорга берилиши керак<sup>31</sup>. ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда судлар жиноят ишидаги ТҚТ натижаси юзасидан суд муҳокамасида бевосита текширувни амалга ошириши зарур<sup>32</sup>. Масалан, ушбу тадбирда иштирок этган шахсни сўроқ қилиб, оғдириш ва ундаш ҳолатлари бўлма-

26 Королев И.А. *Оперативный эксперимент и провокация* // Закон и право. 2021 г. №3 URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativnyy-eksperiment-i-provokatsiya> (дата обращения: 06.12.2024 г.)

27 Румянцев Н.В. *Оперативный эксперимент как оперативно-розыскное мероприятие* / Н. В. Румянцев // Человек: преступление и наказание. – 2018 г. – Т. 26 (1–4), № 1. – С. 39–42.

28 Долгинов С. Д. *Организационные и правовые проблемы проведения оперативного эксперимента* // Вестник Пермского университета. Юридические науки. 2015 г. №1 (27) // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsionnye-i-pravovye-problemy-provedeniya-operativnogo-eksperimenta> (дата обращения: 29.11.2024 г.)

29 Сальникова Н.А. *Оперативный эксперимент: основания и условия проведения* // Закон и право. 2019 г. №3 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativnyy-eksperiment-osnovaniya-i-usloviya-provedeniya> (дата обращения: 29.11.2024 г.)

30 Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н. *Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности»* / Отв. редактор Ш.Т.Икрамов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015 г. – С.74.

31 Яшин А.А. *Особенности проведения проверочной закупки при выявлении и расследовании хищений наркотических средств, совершаемых работниками учреждений здравоохранения* // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2012 г. №1 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-provedeniya-proverochnoy-zakupki-pri-vyyavlenii-i-rassledovanii-hischeniy-narkoticheskikh-sredstv-sovershaemykh> (дата обращения: 16.11.2024 г.)

32 Салева Н.Н. *Проверочная закупка наркотических средств как один из видов оперативно-розыскных мероприятий: оправданна ли необходимость или провокация?* // Сибирское юридическое обозрение. 2010 г. №13 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/proverochnaya-zakupka-narkoticheskikh-sredstv-kak-odin-iz-vidov-operativno-rozysknykh-meropriyatij-opravdannaya-neobhodimost-ili> (дата обращения: 28.11.2024 г.)



ганлигига аниқлик киритиш. Тезкор ходим тадбирни ўтказишда хатоларга йўл қўйишининг сабаби тадбир ўтказилганидан сўнг ижобий натижага эришилса кейин қарор чиқариш, акси бўлганда, ТҚФ орган раҳбари ва худудий прокурордан оғзаки танбеҳ олиши ёки хизмат текшируви ўтказилиши мумкин деб ўйлаб, чўчиши; “назорат остида олиш” ТҚТ билан алмаштириш; тадбирни ўтказиш қароридан “текшириш учун харид қилиш”, баённомада эса “назорат остида олиш” деб ёзилиши; ҳар доим навбатчи холислар ушбу тадбирда иштирок этиши. Масалан, ҳолатларнинг олдини олишда ТҚФнинг идоравий назорати самарали ташкил этилиши, ёш ходимларга тадбирлар фарқини, расмийлаштириш қонунининг пухта ўргатилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг ўз вақтида олдини олишга ёрдам беради.

Назорат остида олиш ТҚТ ёлғондан битим тузиш асосида қонунга зид фактларни аниқлашда товарларни, валюта қимматликларини ҳамда бошқа предметларни истеъмол қилиш ёки сотиш мақсадини кўзламай харид қилиш орқали ўтказилади. Ушбу тадбирни текшириш учун харид қилишдан фарқи тадбирнинг мақсади, предмети ва харид шаклида (*нақд, электрон, бартер*) дир. Тадбирни ўтказишда амалиётда ҳуқуқбузарлик содир этишга ундаш ҳолати мавжуд. Масалан, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят устида шахс ушланади. Унга қонуний ёрдам бериш учун жиноий шерикларининг қилмишига тўлиқ барҳам беришда назорат остида харид тадбирида (ихтиёрий ёки мажбурий) харидор бўлиши таклиф эти-

лади<sup>33</sup>. Ушбу ҳаракатлар бир томондан қонуний кўринса-да, лекин иккинчи томондан ушбу шахсни жалб қилиш, ундаш ҳолати юзага келмоқда. Бу вазиятда тезкор ходим бошқа ТҚТни ўтказиш орқали шахснинг жиноий шерикларини аниқлаши ёки шахснинг ихтиёрий мурожаати асосида ушбу тадбир амалга оширилиб, натижаларини расмийлаштириши, тадбирда фаол иштирок этган кўмаклашувчи фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари шахсий хавфсизлигини таъминлаши зарур. Аксарият ҳолларда уларнинг соғлиғига реал таҳдид юзага келади. Ушбу фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мулкига таҳдид, шунингдек шаъни ва қадр-қиммати камситилмаслиги учун тезкор ходимдан барча зарур хавфсизлик чораларини кўриш талаб этилади. Процесс иштирокчиси бўлган холисларга тадбирда иштирок этганлиги юзасидан пул тўланиши<sup>34</sup> ва уларнинг шахсий хавфсизлиги (суднинг айблов ҳукми эълон қилинганига қадар) таъминланиши ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Назорат остида етказиб бериш ТҚТ эркин муомаласи чекланган ёки тақиқланган ашёлар ва предметларни (*гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари, ўқотар қурол, ўқдори ва бошқалар*) ўтказиш, ташиш, етказиб бериш орқали амалга оширилади. Тадбир ўтказишдан аввал сўров, маълумотлар тўплаш, тезкор кузатув ТҚТлари ўтказилиб, амалиётда асосан контрабанда жиноятига қарши ушбу тадбир амалга оширилади. Қурол контрабандасига қарши тадбир ўтказилганда айрим камчиликлар

33 Смирнов М.А. Условия соблюдения прав и свобод человека при проведении оперативно-розыскных мероприятий в форме контролируемого приобретения товаров или услуг // Вестник Марийского государственного университета. Серия «Исторические науки. Юридические науки». 2015 г. №1 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/usloviya-soblyudeniya-prav-i-svobod-cheloveka-pri-provedenii-operativno-rozysknyh-meropriyatii-v-forme-kontroliiruemogo-priobreteniya> (дата обращения: 02.12.2024 г.)

34 Родичева Т.П. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при раскрытии к расследовании преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006 г. – С.18.



кузатилади<sup>35</sup>. Буларга тадбирда қатнашаётган тезкор ходимларнинг тажрибасизлиги, тадбир ўтказишда ресурсларнинг етишмаслиги (восита, маблағлар), тадбирда иштирок этувчиларнинг хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаганлигини мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу камчиликлар жиноятларни фош этишда фаол иштирок этаётган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига реал хавф келтириб чиқаради. Тадбир давомида салбий ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун тезкор ходим ва ТҚФ органи раҳбари тадбирни ўтказишдан олдин режа ишлаб чиқиши, тадбир иштирокчиларининг хавфсизлик чораларини кўриши лозим.

ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда қуйидагилар таклиф ва тавсия сифатида билдирилади:

*биринчидан*, шаҳар-туманларда ТҚФни амалга оширувчи тезкор бўлинмаларда рухсат талаб этилмайдиган ТҚТни ўтказиш тактикаси ва расмийлаштириш тартиби ҳақида малака ва кўникмага эга бўлиши учун тезкор ходимларнинг касбий билимини ошириш, бунинг учун идоравий назоратни мақсадли ташкил этиш. Бунда ходимларга кунлик топшириқ беришнинг кунлик электрон китобини юритиш;

*иккинчидан*, рухсат талаб этилмайдиган ТҚТни ўтказишда расмийлаштирилдиган ҳужжатларнинг намунасини ишлаб чиқиб, ўқув жараёни ва амалиётга татбиқ этиш;

*учинчидан*, ИИОнинг “102” тизимида келиб тушаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва хабарларининг мазмуни бўйича ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминлаш;

*тўртинчидан*, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг рухсати билан амалга ошириладиган ТҚТни ўтказиш тартиби ҳақида ходимларнинг касбий саводхонлигини ошириш учун тадбирлар бўйича кетма-кетликда тузиладиган ҳужжатлар рўйхати ва намунавий шаклини ишлаб чиқиш, ўқув жараёни ва амалиётга кенг татбиқ этиш;

*бешинчидан*, прокурор билан келишиб ТҚТни ўтказишда қонунчилик талабига тўлиқ риоя қилинмаслиги, ушбу амалиёт ижобий самара бермаётганлиги боис “прокурор билан келишиш” қонунчилигида бекор қилиш ва ушбу масъулиятни ТҚФни амалга оширувчи органлар раҳбарига юклаш, ТҚТнинг қонун асосида ўтказилиши бўйича прокурор назоратини самарали ташкил этиш;

*олтинчидан*, санкция асосида ўтказиладиган тадбирларни ўтказиш тартиби ҳақида тезкор ходимларнинг касбий билимини ошириш, ҳужжатларнинг намунасини ишлаб чиқиш, барча ТҚТни ўтказиш бўйича ходимлардан синов қабул қилишнинг оддий, содда мезонларини ишлаб чиқиш, ҳар чоракда тест шаклидаги синовларни “яхши” ва “аъло” натижаларга эришмагунча қайта топшириш тартибини белгилаш;

*еттинчидан*, ТҚТни ўтказиш бўйича тузиладиган ҳужжатлар намунасини ишлаб чиқишда аниқ ва содда механизмга, ҳужжатларни ихчамлаштириш масаласига катта эътибор қаратиш;

*саккизинчидан*, ТҚФда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда амалиётда тезкор ходимлар гиёҳвандликни аниқлаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказишда ҳар доим пул маблағларини ёнларидан ишлатишининг олдини олиш учун ушбу сарф-харажатлар

35 Кувалдин В.П., Ольцов Э.В. Контролируемая поставка оружия и боеприпасов: роль и место оперативных подразделений пограничных органов // Пробелы в российском законодательстве. 2015 г. №2 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontroliruemaya-postavka-oruzhiya-i-boepripasov-rol-i-mesto-operativnyh-podrazdeleniy-pogranichnyh-organov> (дата обращения: 05.12.2024 г.)



тўлиқ давлат ҳисобидан ажратилишини таъминлаш, қидирув тадбирларида, шахсни қўлга олиш билан боғлиқ бошқа тадбирларда кичик ҳажмли видеокамерада ушлаш жараёнини тасвирга олиш лозим, лекин тезкор хизматларда ҳали ҳам ушбу воситалар берилмаганлигини инобатга олиб, биринчи навбатда шаҳар-туман тезкор бўлинмаларида фаолият кўрсатувчи тезкор ходимларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, ишини самарали ташкил этишида зарур шарт-шароит яратиб бериш;

*тўққизинчидан*, ТҚФда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда ҳар бир ходим кесимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатини кўриб чиқиши, ТҚТни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг реал ҳолати, тезкор ходим интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортилишининг асл сабаблари ва шарт-шароитларини атрофлича ўрганиб, ушбу масалани туман (шаҳар) ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари ва прокурор ҳузурида

ҳар чоракда, вилоят раҳбарлари ҳузурида 6 ойда муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, ушбу йўналишда таҳлилий ҳисоботларни юритиш орқали тезкор ходимларни хизмат интизомига ва қонунчиликка қатъий риоя этиш юзасидан тегишли тадбирларни белгилаш. Хизмат интизоми ва қонунчиликни бузиш ҳолати юзасидан ҳудудлар кесимида тизимли равишда мониторинг қилиб бориш;

*ўнинчидан*, ТҚФни ривожлантиришда “устоз-шогирд” анъаналарини самарали давом эттириш, бунинг учун камида 10 йил ва ундан ортиқ ТҚФни амалга оширувчи бўлинмаларда хизмат қилаётган тезкор ходимларга бириктирилган ёш тезкор ходим, хизмат фаолиятида ТҚТни намунали амалга оширганлиги ҳамда бошқа ижобий иш кўрсаткичлари мезонидан келиб чиққан ҳолда “*Энг яхши тезкор хизмат мураббийи*” кўрик-танловини ташкил этиш ва танлов натижаларига кўра ушбу мураббийларни муносиб рағбатлантириш тизимининг жорий этилиши ижобий самара беради.

#



Салим ЖУМАЕВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси

## ЖИНОЙ ТАЪҚИБ ОСТИДАГИ ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ВА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада жиноий таъқиб остидаги шахсларнинг, хусусан, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда муаллиф мазкур процесс иштирокчисининг жиноят-процессуал қонунчиликдаги ҳуқуқлари, бурчларига доир қарашларини баён қилган. Шунингдек, мақолада қонунчиликда гумон қилинувчининг ҳуқуқлари билан боғлиқ бўшлиқлар ҳамда назарий муаммоларни таҳлил этган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье рассматриваются права лиц, находящихся под уголовным преследованием, в частности, подозреваемого. Автор излагает свои взгляды на права и обязанности этого участника процесса в уголовно-процессуальном законодательстве. Кроме того, в статье проанализированы пробелы и теоретические проблемы, связанные с правами подозреваемого в законодательстве.

**ABSTRACT.** This article examines the rights of individuals under criminal prosecution, with a particular focus on suspects. The author presents their views on the rights and obligations of this participant in criminal procedural legislation. Additionally, the article analyzes gaps and theoretical issues related to the rights of suspects as defined in the legislation.

**Калит сўзлар:** жиноий таъқиб, гумон қилинувчи, гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, терговчи, ишни судга қадар юритиш босқичи, давлат органлари, конституциявий ҳуқуқлар.

**Ключевые слова:** уголовное преследование, подозреваемый, права и обязанности подозреваемого, следователь, стадия досудебного производства, государственные органы, конституционные права.

**Key words:** criminal prosecution, suspect, rights and obligations of the suspect, investigator, pre-trial stage, state bodies, constitutional rights.

Жиноий таъқиб – жиноят содир этганликда гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахсларга нисбатан давлат органлари томонидан қонуний жавобгарликни таъминлаш мақсадида олиб бориладиган ҳуқуқий жараён дир. Бу жараён жиноят содир этилганлиги ҳақидаги маълумотлар асосида бошланиб, тергов, далилларни йиғиш, айбловни расмийлаштириш ва суд муҳокамаси каби босқичларни ўз ичига олади.

Президент Шавкат Мирзиёев “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахсларнинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман”<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

Жиноий таъқиб остидаги шахсларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конс-

титудияси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Улар адвокат ёллаш ва ҳар қандай тергов ҳаракатларида ҳимоячининг иштирокини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, шахс ўз хоҳишига кўра тушунтириш бериш ёки сукут сақлаш ҳамда ўзини ёки яқин қариндошларини айблайдиган кўрсатмалар беришга мажбур этилмаслик ҳуқуқига эга.

Шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш алоҳида кафолатланади. Қийноққа солиш ёки ҳар қандай зўравонлик ва тазйиқ қонун билан тақиқланган. Агар шахс тергов ёки суд жараёнида ишлатилаётган тилни тушунмаса, унга бепул таржимон хизмати такдим этилади. Терговчи, прокурор ёки суднинг ҳаракатлари ёки қарорлари устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган.

Қамоқда сақланаётган шахслар ўз яқинлари билан учрашиш ҳуқуқига эга. Шунинг-

1 Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 9 декабрь



дек, айбланувчи ёки судланувчи суд муҳокамасида шахсан иштирок этиши ва ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминланади. Бу ҳуқуқлар жиноий таъкиб жараёнида адолат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Энди жиноий таъкиб остидаги гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, у билан боғлиқ қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинади.

Шахсни гумон қилинувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида сурштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Ана шу қарор чиқарилган вақтдан бошлаб гумон қилинувчи шахс жиноят-процессуал ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади ва муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўлади<sup>2</sup>.

ЖПК 221-моддасига асосан жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин:

- 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- 2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тарикасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий

яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Юқорида қайд этилганлар шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлаб туриш учун қонуний асос ҳисобланади. Лекин ишни судга қадар юритиш амалиётида бу борада талайгина муаммолар мавжуд. Жумладан, ЖПКнинг 221-моддаси биринчи қисмидаги “шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса” деган тўртинчи банди мавҳум норма ҳисобланади.

Фаҳмимизча, ушбу бандда ноошкора маълумотлар назарда тутилмоқда, чунки ошкор этилиши мумкин бўлган маълумотлар мазкур модданинг қолган учта бандларида белгиланган. Назаримизда, мазкур банд ҳар қандай айбсиз шахсни “тезкор ва махфий маълумотлар” никоби остида ушлаб олиб келишга, вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиришга, унга нисбатан ноқонуний усуллар қўлланилишига ва унинг таъсирида шахсдан кўрсатмалар олинишига “кенг йўл очиб беради”.

Тезкор-кидирув ҳаракатлари натижасида олинган маълумотларнинг ўзи гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун етарли бўлмайди. Бу йўл билан олинган маълумотлардан жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига келтириш, сўроқ қилиш ва унинг иштирокида бошқа тергов ҳаракатлари ўтказишда фойдаланиш мумкин. Лекин шахсга нисбатан ушлаб туриш тарзидаги чорани қўллаш ва уни вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камераларига юбориш учун гумон процессуал манбалардан олинган фактик маълумотларга асосланган ва процессуал мустаҳкамланган бўлиши талаб этилади<sup>3</sup>.

2 Миразов Д.М. *Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма*. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2016 й. 36-б.

3 Турдиев А.К. *Жиноят ишини қўзғатиш босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига нисбатан жиноят-процессуал ҳуқуқбузарликларни содир этилиши: юрид. фан. номз. ... дис.* – Тошкент, 2007 й., 71–72-б.



Шу боис ЖПКнинг 221-моддаси иккинчи қисми қуйидаги тахрирда ифодаланиши лозим:

*“Ички ишлар органи ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ходими амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушбу кодекснинг 221-моддаси биринчи қисми 1-3-бандларига асосан ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида, 4-бандига асосан ушлаб турилган ҳолатда дарҳол прокурорга ёзма шаклда хабар бериши шарт”.*

ЖПКнинг 47-моддасига (гумон қилинувчи) кўра, гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир.

Д.М.Миразовнинг фикрича, шахс гумон қилинувчи сифатида жиноят ишига жалб қилингандан сўнг унинг жиноят содир этганлигини фош қилиш билан бирга ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи туради. Агар гумон қилинувчи ушлаб турилган бўлса, юқоридаги ҳуқуқлардан ташқари ушланганларни ушлаб туриш жойларида бўлиши билан боғлиқ процессуал ҳолатидан келиб чиқиб бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга бўлади<sup>4</sup>.

Бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида (ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш) назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамга келиб,

уларни битта қарорда баён қилади. Шу мақсадда ЖПКнинг 47-моддасини (гумон қилинувчи) қуйидаги мазмундаги янги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

*Шахс қуйидаги вақтдан бошлаб гумон қилинувчи ҳисобланади:*

1) гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан;

2) гувоҳ ёки жабрланувчи жиноят содир этган шахс сифатида кўрсатув берган ёки унга нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари бошланган вақтдан;

3) шахс ушбу кодекснинг 224-моддасида белгиланган тартибда ушланган вақтдан бошлаб.

Гумон қилинувчи бошланғич ҳуқуқий мақом бўлиб, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарлича маълумотлар тўпланган ҳолатда у ишда айбланувчи тариқасида жалб этилади<sup>5</sup>. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, ушбу ҳуқуқий институт иш бўйича қонунийликка риоя этиш ва ҳақиқатни аниқлашда жуда муҳим омил эканлигига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида ҳам, суд муҳокамаси бораётганда ҳам қўпол тарзда бузиш ҳоллари барҳам топмаган<sup>6</sup>.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”-ги 17-сонли қарорида судларнинг эътибори Жиноят-процессуал кодексининг гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ҳимоячи олиш, айнан нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини, маҳкумга эса, у қандай жиноят содир этганликда айбдор деб

4 Миразов Д.М. *Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари*: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2016 й. 37-б.

5 Абдусаламов Ғ.М. *Жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатлари*: юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТДЮИ, 2007 й. 26-б.

6 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарори



топилганлигини билиш ҳуқуқини кафолатловчи 46, 48-моддалари талабларига қатъий роия қилиниши зарурлигига қаратилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. "...ҳимоячи айбланувчи шахсининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун унга айб эълон қилинишидан аввал иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади ва бу иштирок этиш вақти шахсни гумон қилинувчи сифатида ушлаб туришдан бошланади"<sup>7</sup>.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш мақсадида шахс ЖПКнинг 221, 227-моддаларида назарда тутилган тартибда ушланган ёки эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган (ЖПК 242-моддаси) ҳолларда жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг мансабдор шахслари маҳбус сақланаётган жой ҳақида унинг яқин қариндошларига ёки унинг илтимосига кўра бошқа шахсларга, вояга етмаганлар тўғрисида эса, шунингдек, унинг қонуний вакилига ЖПК 217-моддасининг 1-қисмида белгиланган тартиб ва муддатда хабар беришлари шарт<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сонли қарорига кўра гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари деганда, унинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укаси ва опа-сингиллари, эри(хотини), фарзандлари (фарзандликка олинганлар), бобоси, бувиси, неваралари, шунингдек, эри(хотини)нинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укаси ва опа-сингиллари назарда тутилади.

Таҳлилларга кўра ишни судга қадар юртишда гумон қилинувчининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидаги босқичларда поймол этилмоқда:

1) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиб ушлаб туришда;

2) жиноят ишини кўзғатиш босқичида;

3) шахсни гумон қилинувчи сифатида жалб этиш ва сўроқ қилишда.

Шахсни жиноят содир этишда гумон қилиб ушлаб туриш жараёнида қуйидаги муаммолар мавжуд:

биринчидан, шахсининг ушлаб турилганлиги ҳақида унинг яқин қариндошларига хабар қилмаслик;

иккинчидан, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсга қонунда белгиланган ҳуқуқларини (талаб даражасида) тушунтирмаслик;

учинчидан, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсни холислар иштирокисиз шахсий тинтув қилиш;

тўртинчидан, ушлаб турилган шахсга шахсий тинтув ўтказилганлиги ҳақидаги баённоманинг нусхасини бермаслик;

бешинчидан, ушлаб туриш ва шахсий тинтув жараёнида гумон қилинувчининг эътирозлари ёки таклифларини эътиборга олмаслик, бу ҳақида мазкур процессуал ҳаракатлар ўтказилганлиги юзасидан тузиладиган баённомаларда қайд этмаслик;

олтинчидан, гумон қилинувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини лозим даражада таъминламаслик, шу жумладан, унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун ҳимоячини ўз вақтида таъминлаш чораларини кўрмаслик;

еттинчидан, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсни қонунда белгиланган муддатдан ортиқ вақт асоссиз ушлаб туриш;

саккизинчидан, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсга нисбатан руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш. Ваҳоланки, ушлаб турилган шахсининг ҳуқуқий ҳолатидан фойдаланиб, уни жиноят содир этганликда иқроор бўлишга, ўзи-

7 Саидов Б.А., Умархонов А.Ш. *Жиноят процесси принциплари: Ўқув қўлланма*. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2004 й. 81-б.

8 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сонли қарори



ни ёки бошқа шахсларни фoш этиш тўғрисидаги кўрсатувларни беришга мажбурлаш тақиқланади<sup>9</sup>.

Афсус билан қайд этиш жоиз, ҳозирги кунда ҳам ишга жалб қилинган гумон остидаги шахсларга ҳуқуққа зид ҳаракатлар тўхтагани йўқ. Чироқчи туманидаги<sup>10</sup>, Андижон шаҳридаги<sup>11</sup>, Бўка туманидаги<sup>12</sup> ҳолатлар гапимизга мисол бўлади.

Юқоридаги салбий ҳолатлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, мазкур жараёнда асосий эътибор инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилаётган айни вақтда содир бўлмоқда.

Шу боис ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида суриштирув ва тергов органлари фаолияти устидан идоравий назоратни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

ЖПКнинг 226-моддасига (ушлаб туриш муддати) кўра ушлаб туриш муддати ушланган ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этади.

ЖПК 227-моддасида (суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш) эса, гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақт айбланувчини қамоқда сақлаш ёки унинг уй қамоғида бўлиши ҳамда Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланганига мутаносиб равишда суд томонидан тайинланган жазо муддатига

киритилиши белгиланган.

Ушлаб туриш баённомасида шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган реал вақт эмас, балки бир неча соат (баъзида 8 соатдан ортиқ) кечроқ қайд этилган ҳоллар ҳам мавжуд. Ваҳоланки, ЖПКнинг 225-моддасига асосан ушлаб турилган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг навбатчиси ёки бошқа ходими бошлиқнинг кўрсатмасига биноан ушлаб туриш баённомасини дарҳол тузиши лозим.

А.О.Шарафутдинов ҳам шахсни кўчада ушлаб, ҳуқуқ-тартибот идорасига келтириш, унинг иштирокида тергов олди ва тергов ҳаракатларини ўтказишга кетган вақт назардан четда қолаётганлигини таъкидлаган эди<sup>13</sup>.

Г.Х.Тулаганованинг таъкидлашича, шахсни фактик ушлашдан то уни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органигача келтириш вақти анча давомли бўлиши мумкин, ана шу вақт кўп ҳолларда ҳеч қаерда эътиборга олинмаяпти. Шу жиҳатдан ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмидаги ушлаб туриш ушланганни милицияга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошланиши тўғрисидаги қоида ЖПКнинг 49-моддаси тўртинчи қисмига мос равишда “шахс ҳақиқий ушланган вақт” сўзларига алмаштирилиши лозим<sup>14</sup>.

Шахсни гумон қилинувчи сифатида жалб этиш ва сўроқ қилишда мавжуд муаммолар юзасидан мулоҳазаларимизни баён қилсак.

9 Сурихин П.Л. Уголовная ответственность за заведомо незаконное задержание: дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2001 г. – С. 23.

10 Чироқчида ИИБдан жасад чиқди. Иш бўйича орган ходимлари қамоққа олинди // <https://qalampir.uz/news/chirok-chida-iibdan-zhasad-chik-di-ish-buyicha-organ-khodimlari-k-amok-k-a-olindi-13418>.

11 ИИБ ходимлари фуқарони кишан тақиб қийноққа солгани айтилмоқда // <https://www.xabar.uz/hodisa/andijonda-iib-xodimlari-fuqaroni>.

12 Бўкадаги ИИБдан 36 ёшли йигитнинг ўлиги чиқди // <https://www.xabar.uz/mahalliy/bokadagi-iibdan-36-yoshli-yigitning-oligichiqdi>.

13 Шарафутдинов А.О. Ушлаб туриш институтининг такомиллашуви // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2005 й. № 3. 5-6.

14 Тулаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: юрид. фан. д-ри дис. – Тошкент, 2009 й. 16-б.



Шахс гумон қилинувчи сифатида жиноят ишига жалб қилингандан сўнг унинг жиноят содир этганлигини фош қилиш билан бирга, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи туради. Агар гумон қилинувчи ушлаб турилган бўлса, ушлаб туриш жойларида бўлиши билан боғлиқ процессуал ҳолатидан келиб чиқиб бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга бўлади. Таҳлилларга кўра, аксарият ҳолларда гумон қилинувчининг ЖПК 48-моддасида белгиланган ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, шунингдек ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқи поймол этилмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ЖПКга шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатлари мажбурий тарзда видеотасвирга туширил ҳақидаги норманинг киритилиши натижасида гумон қилинувчининг барча процессуал ҳуқуқлари батафсил тушунтирилишига эришилди.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай талаб барча ҳоллар-

да қаноатлантирилиши лозим. Ҳимоячининг ишга янгидан киришиши ўша пайтга қадар амалга оширилган процессуал ҳаракатлар такрорланишини тақозо этмайди<sup>15</sup>.

Маълумки, ЖПКнинг 360-моддасига кўра шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамга келиб, уларни битта қарорда баён қилади. Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилиниши ҳамда айни вақтда гумон қилинувчига ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ўнта ҳуқуқи ва тўртта мажбурияти терговчи томонидан батафсил тушунтирилиши лозим<sup>16</sup>.

Нафақат сўроқ қилиш, балки жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги ҳақидаги қарор унга эълон қилинмасдан ҳамда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас<sup>17</sup>.

Гумон қилинувчининг муҳим ҳуқуқларидан бири бу унинг ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқ гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб, унинг асоссиз равишда узоқ муддат ҳуқуқлари чекланиши-

15 Якубов Б. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш // Одил судлов, 2019 й. № 7. 50-6.

16 Саҳаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014 й. 103–104-б.

17 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарори



нинг олдини олади<sup>18</sup>.

Гумон қилинувчини биринчи марта сўроқ қилишдан аввал у иш юритилаётган тилни биладими, қайси тилда кўрсатув бера олиши мумкин, деган саволларга ойдинлик киритиш лозим. Гумон қилинувчининг шахси аниқлангандан кейин унга ЖПКда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши, бу ҳақида сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилиши керак.

Сўнг суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчига ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, у шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлаши, гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлигини эълон қилиши лозим.

Гумон қилинувчи шахсининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузиш бевосита жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ушбу шахсларга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлиги бўлиб, у фаол амалга оширилиши ёки ушбу шахсининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминламасликда намоён бўлиб, ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

Ушбу ҳаракатлар гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зид бўлиб, ундаги шахсга хос бўлган қадриятларни инкор этувчи таърифда ифодаланади<sup>19</sup>.

Фикримизча, гумон қилинувчининг ЖПКда белгиланган ҳуқуқлари унга нисбатан асосиз гумон қилишдан ўзини ҳимоя қилиш ҳамда жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан процессуал муносабатларга киришиш учун етарли эмас.

Шу нуқтаи назардан ЖПКнинг 48-моддасида белгиланган гумон қилинувчининг ҳуқуқларига қуйидагиларни киритиш лозим:

*Ушлаб турган шахсдан ўзига тегишли ҳуқуқлари ҳақида тушунтириши олиши; ҳуқуқлари чекланишига оид қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор қилиниши; ушлаб туриши тўғрисидаги баённома, жиноят иши қўзғатиши, жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида жалб этиши ҳамда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорлардан нусхалар олиши; мустақил равишда ёки ўз вакиллари, шунингдек, бошқа шахслар орқали ҳимоячини таклиф қилиши; таржимон хизматидан бепул фойдаланиши; тергов ҳаракати баённомалари билан танишиши ва улар бўйича эътирозлар билдириши; ўз хавфсизлиги таъминланишини талаб қилиши; ўзи ёки ҳимоячиси томонидан тақдим этилган шикоят ёки илтимосномани қайтариб олиши; ўзини ҳимоя қилиши бўйича фикрнома тақдим этиши; процессуал келишувлар судда қўрилаётганида иштирок этиши; ушбу кодексе билан тақиқланмаган бошқа восита ва усуллар билан ўзини ҳимоя қилиши; ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган деб ҳисоблаган барча қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) бўйича судга шикоят қилиши.*

Хулоса ўрнида қайд этишни хоҳлардикки, жинорий таъқиб давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Бироқ ушбу жараёнда гумон қилинувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши ва адолатли суд амалиёти тамойилларига риоя этилиши жуда муҳим. Қонун устуворлигини таъминлаган ҳолда жинорий таъқиб жараёни самарали ва адолатли бўлиши мумкин.

#

18 Саҳаддинов С. *Ўша манба*. 103–104-б.

19 Миразов Д. М. *Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари*: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2016 й. 37-б.



Акмалжон АБДУЛЛАЕВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

## ГУВОҲНИНГ ЁКИ ЖАБРАНУВЧИНИНГ БИЛА ТУРИБ ЁЛҒОН КЎРСАТУВ БЕРИШИ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада гувоҳнинг ёки жабранувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини тергов қилишдаги муаммолар амалий ва назарий жиҳатларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган. Айрим хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларига мурожаат қилиниб, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье анализируются проблемы расследования преступлений, связанных с заведомо ложными показаниями свидетеля или потерпевшего, разделенные на практические и теоретические проблемы. Ссылаясь на передовой опыт некоторых зарубежных стран в этом плане, разработаны законодательные предложения, направленные на восполнение пробелов в законодательстве и устранение недостатков, связанных с расследованием данного вида преступлений в правоприменительной практике.

**ABSTRACT.** In this article, the problems in the investigation of the crimes of knowingly giving false testimony by the witness or the victim are analyzed, separated into practical and theoretical problems. Referring to the best practices of some foreign countries in this regard, legislative proposals were developed to fill the gaps in the legislation and eliminate the shortcomings related to the investigation of this type of crime in law enforcement practice.

**Калит сўзлар:** гувоҳ, жабранувчи, била туриб, ёлғон кўрсатув, амалий муаммолар, назарий муаммолар.

**Ключевые слова:** свидетель, потерпевший, заведомо, лжесвидетельство, практические проблемы, теоретические проблемы.

**Key words:** witness, victim, knowingly, perjury, practical problems, theoretical problems.

Барчамизга аёнки, жамият, ундаги ижтимоий муносабатлар тўхтовсиз олдинга ҳаракатланади. Ҳаётимизда кундан-кунга мисли кўрилмаган тезликда ўзгаришлар юз бермоқда. Шунга мос равишда янги ижтимоий муносабатлар юзага келмоқда. Шу билан бир қаторда, янги жиноятлар пайдо бўлиб, уни содир этиш усуллари ҳам ранг-баранг бўлиб бормоқда. Шундай экан жамиятнинг ривожланиш тезлигига мос равишда қонунлар ҳам такомиллаштирилиб борилиши лозим. Акс ҳолда жамиятдаги адолат мезонлари издан чиқиб кетади. Иммануил Кантнинг таъбири билан айтганда, “қонунлар ва жамиятнинг тартиби инсон

онгининг ривожланишига мувофиқ янги-ланиб бориши керак”<sup>1</sup>.

Мана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда бошқа соҳалар каторида суд-ҳуқуқ тизимида ҳам узлуксиз тарзда ислоҳотлар олиб борилмоқда. Барча ислоҳотларнинг руҳи ва мазмунига “Инсон қадрлари учун, эл-юрт бахти учун!” деган эзгу ғоя чуқур кириб бормоқда<sup>2</sup>.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирла-

1 [https://www.researchgate.net/publication/369874024\\_The\\_Philosophy\\_of\\_Law\\_of\\_Immanuel\\_Kant](https://www.researchgate.net/publication/369874024_The_Philosophy_of_Law_of_Immanuel_Kant) (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида байрам тантанасидаги “Юртнинг кучи бирликда, қадрлари эса тинчликдадир” деб номланган нутқидан // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/7520> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)



ри тўғрисида”ги 4850-сонли<sup>3</sup>, 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги 5268-сонли<sup>4</sup>, 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6041-сонли<sup>5</sup> фармонлари ва 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3723-сонли<sup>6</sup> қарори бунга ёрқин мисол бўла олади.

Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган тизимли ва изчил ислоҳотлар, биринчи навбатда, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликда инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир<sup>7</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ислоҳот ислоҳотлигича қолмаслиги лозим. Кўзланган мақсадларга эришиш учун мунтазам равишда қонунчилигимизни таҳлил қилиб, аниқланган хато ва камчиликларни ўз вақтида барта-раф этмоғимиз, бўшлиқларни эса ўрнида тўлдирмоғимиз даркор. Зотан,

ҳамма нарсани ўз номи билан, ютуқни – ютуқ, камчиликни – камчилик деб иш олиб бормасак, биз ўз мақсадларимизга етолмаймиз. Ишимизда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни ўзимиз тузатмасак, муаммоларни ўзимиз ечмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишларни биз учун қилиб бермайди<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “... жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Нега деганда, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қарийб 25 йил олдин қабул қилинган. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгарди. Шу сабабли бу кодекслар бугунги давр талабларига жавоб бермай қолди”<sup>9</sup>.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “... айни пайтда Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар сама-

3 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 21-oktabrdagi “Sud-huquq tizimini yanada isloh qilish, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ishonchli himoya qilish kafolatlarini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-4850-son farmoni// URL: <https://lex.uz/docs/> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)

4 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-noyabrdagi “Sud-tergov faoliyatida fuqarolarning huquq va erkinliklari kafolatlarini kuchaytirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-5268-son farmoni// URL: <https://lex.uz/docs/3432426> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)

5 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 10-avgustdagi “Sud-tergov faoliyatida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini yanada kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6041-son farmoni \ URL: <https://lex.uz/docs/4939467> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)

6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4939467> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)

7 Муродов Б.Б. *Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича (DSc) диссертацияси.* ИИБ Академияси. –Т., 2018 й. 214-б.

8 Мирзиёев Ш.М. *Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.* – Т., 2018 й. 213-б.

9 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://xs.uz/uzkr/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)



расини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур”<sup>10</sup>.

Тадқиқотимизни мантиқий изчилликда олиб бориш учун энг аввало гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш масаласини кўтаришдан олдин бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу борада қандай муаммолар мавжудлигини таҳлил қилиш лозим. Чунки муаммонинг мавжудлиги уни бартараф этиш учун такомиллаштиришга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Назаримизда, тадқиқотимизни даставвал мавзуимиз билан боғлиқ муаммоларни кўрсатиб, сўнгра унинг ечимини тақдим қилсак ҳар томонлама мақсадли ва манfaatли бўлади.

Биз гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини тергов қилиш билан боғлиқ суд-тергов амалиётидаги муаммоларни қуйидаги икки тизимга ажратиб олишни таклиф қиламиз:

1) гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини тергов қилиш билан боғлиқ амалий муаммолар;

2) гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини тергов қилиш билан боғлиқ назарий муаммолар.

Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини тергов қилиш билан боғлиқ амалий муаммоларга ушбу турдаги жиноятларни фoш этиш, тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, натижаларини қайд этиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни, қолаверса, бугунги кунда тергов идораларида хизмат олиб бораётган аксарият суриштирувчи ва тер-

говчилар жуда ёш ва тажрибасиз, уларга устозлик қилиши лозим бўлган кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар деярли йўқлиги натижасида юзага келаятган билимсизлик, тажриба, малака ва кўникмаларнинг етарли даражада бўлмаслигини киритиш мумкин.

Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини тергов қилиш билан боғлиқ назарий муаммоларга айна ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишга оид қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларидаги бўшлиқлар, тушунмовчиликлар, зиддиятли ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг бугунги кундаги ҳолати ва суд-тергов амалиётининг таҳлили натижасида аниқланган баъзи бир ҳато-камчиликлар, муаммоларнинг муҳокамаси ва уларни бартараф этиш бўйича илгари сурилган қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифларга ўтсак.

Биринчидан, барчамизга маълумки, ЖПКнинг 117-моддаси 1-қисмида “гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жинoий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади” деб кўрсатилган. Бироқ бугунги кунда тергов амалиётида, айниқса тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларда икки томоннинг ҳам бир-бирига тан жароҳати етказгани билан боғлиқ жиноятлар жуда кўп учрайди. Чунки қизиққон халқмиз. Илк бор калтакланган шахс ўша вақт-

10 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида сўзлаган маърузаси // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 7 декабрь кунги сони



да ҳеч қачон ИИБга телефон қилишни ёки шифохонага мурожаат қилишни ўйламайди. Кучи етганича жавоб қайтаради. Бундай ҳолларда агар жабрланувчи ҳам гумон қилинувчига жавоб қайтариши натижасида унга енгил шикаст етказилган бўлса, ЖПКнинг 334-моддаси 1-қисмига биноан унга нисбатан тўпланган тегишли ҳужжатлар маъмурий тартибда чора кўриш учун тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсга юборилади. Бироқ жабрланувчи томонидан жавоб тарзида берилган зарба натижасида гумон қилинувчига ҳам соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил (ЖК 109-модда) ёки ўртача оғирликдаги шикаст (ЖК 105-модда) етказилган бўлса нима бўлади? Биз бунда эътиборни жиноий томонига эмас, балки жиноят-процессуал томонига жалб қилмоқдамиз. Яъни бундай ҳолда ҳар икки томон ишда ҳам жабрланувчи, ҳам гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади. Ҳар икки томон гумон қилинувчи тариқасида сўроқ қилинган вақтда кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди, лекин ҳар икки томон жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинганда огоҳлантирилади. Бунда қандай мантиқ бўлиши мумкин? Маълумки, гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши гувоҳ ёки жабрланувчини судда, суриштирув ёки дастлабки терговда сўроқ қилиш тутаган вақтдан бошлаб (яъни сўроқ баённомаси имзоланган вақтдан бошлаб) тамом бўлган ҳисобланади<sup>11</sup>. Ҳолбуки, гумон қилинувчи кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга<sup>12</sup>. Гумон қилинувчи била туриб ёлғон кўрсатув бериши ҳам мумкин ва бу жавобгарликка тортишга асос бўл-

майди. Аниқроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, жабрланувчи ўзини ҳимоя қилиш учун гумон қилинувчига тан жароҳати етказгани бўйича ЖКнинг тегишли моддаси билан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади ва ишда ҳам жабрланувчи, ҳам айбланувчи сифатида иштирок этади. Бу ҳолатда у дастлаб гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида кўрсатув берган вақтда била туриб ёлғон кўрсатув берганлиги аниқланган бўлса ҳам барибир уни ЖКнинг 238-моддаси билан айблай олмаймиз-ку. Бу ерда қонуннинг мантиғи қаерда қолади?

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган яна бир муаммо бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда кўзга ташланади. Биламизки, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб содир этилган жиноятларни тергов қилишда гумон қилинувчилардан бири терговга келишдан бўйин товлаб, номаълум томонга яширинса, жиноят ишининг унга нисбатан бўлган қисми ЖПКнинг 332-моддасига асосан алоҳида иш юритувга ажратилиб, сиртдан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, сиртдан эҳтиёт чораси танланади ва белгиланган тартибда қидирув эълон қилиниб, ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 2- ёки 3-бандига асосан дастлабки тергов тўхта-тилади. Тергов олиб борилаётган қисми эса умумий асосларга кўра судга юборилади. Суд томонидан иш мазмунан кўриб чиқилиб, тегишли жазо берилади. Бу ҳолда орадан бир муддат ўтиб қидирувдаги шахс тергов органига ушлаб келинса, дастлабки тергов ЖПКнинг 371-моддасига асосан қайта тикланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилади. Шу жараёнда жазо ўтаётган маҳкум билан қидирувдан ушлаб

11 Рустамбаев М.Х. *Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар*. Махсус қисм 3-жилд. Тошкент. 2021 й. 308-б.

12 *Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси* // <https://lex.uz/docs/111460> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й.)



келинган айбланувчининг кўрсатувларида қарама-қаршилик аниқланган ҳолларда тергов амалиётида маҳкум терговга гувоҳ тариқасида чақирилиб, сўроқ қилиниб, кейин кидирувдан ушлаб келинган шахс билан юзлаштирилади. Маҳкум гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган вақтда ҳам, юзлаштиришда ҳам кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади. Ваҳоланки, ҳеч ким айтиши бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас<sup>13</sup>.

Шунингдек, ЖПКнинг 116-моддасида гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. ЖПКнинг 117-моддаси 2-қисмига кўра эса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди. Ушбу икки модданинг мантиғидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, агар гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ЖПКнинг 116-моддасига кўра гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида кўрсатув беришга рози бўлишса, улар ЖКнинг 238-моддаси ва 240-моддаси билан огоҳлантирилишлари лозим. Бироқ тергов амалиётида бундай ҳолларда ҳам улар огоҳлантирилмайди.

Назаримизда, тергов амалиётида юқоридаги каби мантиқсиз ҳаракатлар қилинаётганлигининг асосий сабаби жиноят-процессуал қонунчилигимизда ана шундай вазиятларнинг ечими мавжуд эмаслигидир.

Муҳокама ва таҳлил қилинган маса-

лалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар илгари сурилади.

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 117-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги янги таҳрирда баён этиш ва янги таҳрирдаги учинчи ва тўртинчи қисм билан тўлдириш:**

“Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди, бироқ улар ўзларининг розиликлари билан гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида кўрсатув беришга рози бўлган ҳолларда била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Шахс бир қилмиш юзасидан қўзғатилган бир жиноят иши доирасида ҳам жабрланувчи, ҳам гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган ҳолларда гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида, маҳкум ёки оқланган шахс тугатилган ёки ҳукм чиқарилган ишнинг алоҳида иш юритувига ажратилган қисми юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганда кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди.

Гувоҳни била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортишга унинг кўрсатув берган иши бўйича суднинг ҳукми ёки ажрими қонуний кучга кирганидан ёхуд ушбу иш тугатилганидан кейин йўл қўйилади”.

Иккинчидан, гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув беришининг жиноий жавобгарликка олиб келиши аксарият терговчилар тушунганидек фақатгина сўроқ қилишда эмас, балки кўрсатув бериш билан боғлиқ барча тергов ҳаракатларини қамраб олади. Бизнинг

13 Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.07.2024 й.)



фикримизча, бундай тергов ҳаракатлари қаторига юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент киради. Қизик томони, ЖПКда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида гувоҳ ёки жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида гувоҳ ёки жабрланувчиларни огоҳлантириш масаласи очик қолдирилган. Мисол учун, ЖПКда юзлаштириш ўтказиш чоғида ЖПКнинг 96-108-моддаларида назарда тутилган сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига роя қилиниши кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бироқ ЖПКнинг 96-108-моддаларида гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши кўрсатиб ўтилмаган.

Бизнингча, ЖПКда юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида ҳам гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозимлигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни иловасининг 22-бандида “...ҳар бир модда ва банд, қоида тариқасида, битта ҳуқуқий нормани ўз ичига олиши ҳамда тўлиқ ва тугалланган маз-

мунга эга бўлиши керак” деб кўрсатилган бўлса, 38-бандига кўра эса, қонун нормаларнинг бир хил талқин қилинишини таъминловчи, уларни аниқлаштириш учун қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни талаб этмайдиган ҳолда батафсил ифода этилиши; қонун матнида уни амалга оширишнинг аниқ механизми мавжудлиги; декларатив ва мавҳум нормалар мавжуд бўлмаслиги керак<sup>14</sup>.

Ушбу масала юзасидан бизга қонунчилиги яқин бўлган қўшни давлатларнинг жиноят-процессуал қонунлари таҳлил қилинганида, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг<sup>15</sup> 218-моддасида юзлаштириш, 230-моддасида эса таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати давомида, худди шунингдек, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг<sup>16</sup> 258-моддасида юзлаштириш, 268-моддасида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати давомида гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши кўрсатиб ўтилганлигига гувоҳ бўлдик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қонундаги бўшлиқларни тўлдириш ва қарама-қаршилиқларни бартараф этиш мақсадида қуйидагиларни таклиф қиламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 123-моддас иккинчи қисмини қуйидаги янги тахрирда баён қилиш:**

“Юзлаштириб сўроқ қилиш олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслигини, ўзаро муносабатлари қандай эканлигини сўрай-

14 Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон; 04.08.2022 й. // <https://lex.uz/docs/5378966#5381440> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.07.2024 й.)

15 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года // [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575852#pos=3;-137](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#pos=3;-137) // (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 21.07.2024 й.)

16 Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 21.07.2024 й.)



ди ва жавобларини тинглайди. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчи иштирок этаётган бўлса, улар, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларни истисно қилганда, кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Шундан сўнг ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама-қаршилик келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти қарама-қаршилик бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатув бергач, уларга кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин”.

### **131-моддасининг бешинчи қисмини қуйидаги янги таҳрирда баён этиш:**

“Таниб олувчининг кўрсатувлари, шунингдек унга суриштирувчи, терговчи, суд, тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар ушбу кодекснинг 106-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда баённомага ёзиб борилади. Башарти таниб олувчилар гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, улар, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларни истисно қилганда, кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, уларнинг имзоси билан тасдиқланади”.

Учинчидан, барчамизга аёнки, сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин<sup>17</sup>. Гувоҳ ёки жабрланувчилар асосан сўроқ қилиш тергов ҳаракати давоми-

да била туриб ёлғон кўрсатув беради. Шунинг учун сўроқ жараёнида илмий-техник воситалардан фойдаланиш терговчи томонидан баённомада қайд этишнинг имкони бўлмаган ҳолатларни, яъни гувоҳ ёки жабрланувчининг имо-ишоралари ва мимика реакцияларини, тана ҳаракатларини, қайси саволларга жавоб беришда кўпроқ тўхталганлигини, ёлғон ҳикоя тўқиш учун кўпроқ вақтга эга бўлиш мақсадида оддий саволларга ҳам жавоб беришни пайсалга солиш каби ҳолатларни акс эттириш орқали кўрсатувнинг ҳақиқат ёки ёлғон эканлигини баҳолашга имкон беради. Шунингдек, видеоёзувнинг мавжудлиги гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериш режасига тўсқинлик қилади. Терговчига кейинчалик ўзи ёки мутахассис иштирокида видеоёзувни қайта кўриш ёки тинглаш ёрдамида тергов ҳаракати боришини таҳлил қилиш ва сўроқ қилинувчиларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш имконини беради. Қолаверса, терговчи у орқали ўзининг хато ва камчиликларини билиб олиши мумкин. Бошқа томондан, гувоҳ ёки жабрланувчининг судда объектив ва субъектив сабабларга кўра кўрсатувларини ўзгартиришининг олдини олади.

Бу борада хорижий тажрибага мурожаат қилганимизда, бир қатор мамлакатлар қонунчилигида вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш жараёнини видеоёзувга қайд этиш мажбурийлигига гувоҳ бўлдик. Мисол учун, Германия, Эстония, Финляндия, Венгрия ва Польшада вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларнинг сўроқларини видеоёзувга қайд қилиш мажбурийдир. Руминия ва Болгарияда эса видеоёзувга қайд қилиш ихтиёрий бўлиб, фақат жабрланувчиларга нисбатан назарда тутилган<sup>18</sup>. Францияда сўроқни видеоёзувга

17 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 02.08.2024 й.)

18 <https://fra.europa.eu> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 08.08.2023 й.)



қайд қилиш мажбурияти фақат вояга етмаган жабрланувчиларга нисбатан қўлланилади<sup>19</sup>.

АҚШда эса агар сўроқ аудио ёки видеоёзувда сақланган бўлса, унда терговчининг тергов қилинаётган шахсга нисбатан ҳаракатлари, айбланувчининг кўрсатмаларининг тўғрилиги ҳақида ҳеч қандай савол туғилмайди ҳамда бу судьялар ва ҳакамлар ҳайъатининг сўроқ мазмунини баҳолаш учун вақтни тежаш, тергов жараёнига жамоатчилик ишончини ошириши мумкин. Америка тергов амалиётида сўроқларнинг видеоёзувлари кенг қўлланилади ва ҳатто баъзи штатларда қонуний талаб ҳисобланади<sup>20</sup>.

Ушбу масала юзасидан қонунчилиги яқин ва ўхшаш бўлган қўшни давлатларнинг бу борадаги тажрибаларига мурожаат қилганимизда, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 219-моддаси<sup>21</sup>, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 118-моддаси<sup>22</sup>, Қирғиз Республикаси ЖПКнинг 194-моддаси<sup>23</sup> сўроқ вақтида аудио ва видео ёзиб олиш ускуналаридан фойдаланиш деб номланганлиги, қолганлардан фарқли равишда Тожикистон Республикаси ЖПКда сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатлари вақтида аудио ва видео ёзиб олиш ускуналаридан фойдаланиш деб номланган 97<sup>1</sup>-моддаси<sup>24</sup> мавжудлиги аён бўлди. Россия Федерацияси ЖПКда эса сўроқ вақтида аудио ва видео ёзиб олиш ускуналаридан фойдаланиш тартиби сўроқ баённомаси деб номланган 190-моддада батафсил баён

этилган. Эътиборли жиҳати, юқорида таъкидланган кодексларнинг барчасида агар сўроқ қилиш давомида аудио ва (ёки) видеоёзувдан фойдаланилган бўлса, баённомага унга оид қандай ҳолатлар киритилиши кераклиги аниқ кўрсатиб қўйилган.

Тожикистон ЖПКда сўроқ вақтида овоз ёзиб олиш ускуналаридан фойдаланиш бўйича алоҳида 97.1-модда мавжуд. Туркменистон ЖПКда гумон қилинувчида сўроқ қилишда видео ва овоз ёзиш ускуналаридан фойдаланишни сўраш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, 118-моддасида сўроқ қилиш вақтида овоз ва видеоёзув ускуналаридан фойдаланиш тартибга солинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб келгусида тергов ҳаракатларининг янада самарали бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тақлиф қиламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасини қуйидаги янги таҳрирдаги олтинчи қисм билан тўлдириш:**

“Сўроқ жараёнини овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш шарт бўлган ҳоллар ушбу кодекснинг 106<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади”;

**106-моддаси иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларини қуйидаги таҳрирда баён этиш:**

“Сўроқ жараёнида баённома юртиш билан бир қаторда ушбу кодекснинг 106<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллардан бошқа ҳолатларда ҳам овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга

19 Jacquotline Hodgson. The Detention and Interrogation of Suspects in Police Custody in France A Comparative Account. <https://www.researchgate.net/publication/258136772> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 08.08.2024 й.)

20 Тинякова Е.А. *Чем может быть полезен опыт американской следственной практики для российской уголовной реальности* (по страницам курса он-лайн «Доказан невиновным? Социальная наука об ошибочных обвинениях», Пенсильванский университет, США) // *Полицейская и следственная деятельность*. 2016 г. № 4. – С. 63.

21 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года // [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575852#pos=3;137](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#pos=3;137) (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 08.08.2024 й.)

22 Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана // <http://base.spininform.ru> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 08.08.2024 й.)

23 Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики // <https://online.zakon.kz> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 08.08.2024 й.)

24 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан // <http://base.spininform.ru> (электрон манбага мурожаат қилинган сана: 08.08.2024 й.)



олиш қўлланилиши мумкин.

Баённомада бундан ташқари, сўроқ қилинувчи томонидан аввалги сўроқларда берилган кўрсатувларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатув бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг хужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва хужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш қўлланилганлиги, ушбу юзасидан сўроқ қилинувчи огоҳлантирилганлиги, фойдаланилган техник воситалар тўғрисидаги маълумотлар, овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш шароитлари, агар овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш тўхтатиб турилган бўлса, унинг сабаби ва муддати тўғрисидаги маълумотлар, сўроқ қилинувчининг ушбу хусусидаги баёнотлари қайд қилинади. Фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади.

Сўроқ тугаганидан кейин баённома ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинувчига кўрсатилади ёхуд унинг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан унга ўқиб берилади. Агар сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш қўлланилган бўлса, сўроқ қилинувчига овоз, видеоёзув ёки кинотасвир намоёиш қилинади ёки эшиттирилади. Сўроқ қилинувчи томонидан киритилган қўшимчалар ҳам овоз, видеоёзув ва кинотасвирга қайд қилиниб, сўроқ қилинувчининг овоз, видеоёзув ёки кинотасвир тўғри эканлигини тасдиқловчи баёноти билан яқунланади. Бу ҳақда баённомага қайд қилинади”;

**қуйидаги мазмундаги 106<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш:**

*“106<sup>1</sup>-модда. Сўроқ жараёнини овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш шарт бўлган ҳоллар*

Қуйидагиларни сўроқ қилиш жараёни овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга

олиш орқали қайд этилиши шарт:

1) муайян шахснинг иш учун аҳамиятли маълумотларга эга эканлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлиб, у била туриб ёлғон кўрсатув бериши мумкинлиги юзасидан асосли шубҳа туғилган бўлса;

2) ўта оғир жиноятлар содир этишда айбланаётган шахсларни;

3) узрли сабабларга кўра келгусида судда иштирок эта олмайдиган шахсларни;

4) нутқий хусусиятларини баённомада акс эттириш қийин бўлган вояга етмаганларни;

5) бошқа давлат фуқароларини;

6) таржимон иштирокида сўроқ қилинган шахсларни;

7) ўз айбига иқроп бўлган шахсларни.

Овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари ва сўроқ жараёнини тўлиқ акс эттириши лозим. Сўроқнинг бир қисмини овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олишга, шунингдек, сўроқ давомида берилган кўрсатувларни атайлаб такрорлашга йўл қўйилмайди.

Овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш орқали ўтказилган сўроқ қилиш жараёни ушбу кодекснинг 106-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда баённомада қайд қилинади.

Овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш орқали қайд қилинган кўрсатувлар бошқа тергов ҳаракатлари чоғида кўрсатилган тақдирда, бу ҳақда тегишли тергов ҳаракати баённомасида акс эттирилиши лозим”.

Ўйлаймизки, мазкур таклиф ва тавсияларимиз амалдаги ЖПК нормаларининг янада такомиллаштирилишига, шу аснода суд-тергов органлари амалиётида гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини янада самарали тергов қилишга хизмат қилади.



Тахиржан ХУСАНОВ,  
Янгиҳаёт тумани прокурори,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси

## ТЕРГОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИНГ ТАВСИФИ

**АННОТАЦИЯ.** Прокурор назорати қонун устуворлигини таъминлашдаги асосий механизмлардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. У ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида қонунийликни таъминлашга йўналтирилган. Мақолада прокурор назоратининг моҳияти, вазифалари ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилишда прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш йўналишлари муҳокама қилинган. Хусусан, қонунбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш учун профилактик чораларни жорий этишнинг аҳамияти таъкидланган.

**АННОТАЦИЯ.** Прокурорский надзор является одним из основных механизмов обеспечения верховенства закона. Он направлен на обеспечение законности во всех сферах общественных отношений. В статье анализируется сущность, задачи и правовые основы прокурорского надзора. Обсуждаются пути повышения эффективности прокурорского надзора в расследовании преступлений против правосудия. Особое внимание уделено значимости профилактических мер для выявления и устранения правонарушений.

**ABSTRACT.** Prosecutorial oversight is a fundamental mechanism for ensuring the rule of law. It aims to establish legality across all areas of social relations. This article analyzes the essence, functions, and legal foundations of prosecutorial oversight. It discusses strategies to enhance the efficiency of prosecutorial oversight in investigating crimes against justice. Special emphasis is placed on the importance of preventive measures for identifying and addressing legal violations.

**Калит сўзлар:** прокурор назорати, қонун устуворлиги, қонунбузарлик, профилактика, тергов, қонунийлик, адолат, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий асослар.

**Ключевые слова:** прокурорский надзор, верховенство закона, правонарушение, профилактика, расследование, законность, справедливость, права человека, гражданское общество, правовые основы.

**Key words:** prosecutorial oversight, rule of law, legal violations, prevention, investigation, legality, justice, human rights, civil society, legal foundations.

Маълумки, прокурор назорати давлатнинг қонун устуворлигини таъминлашдаги муҳим механизмларидан бири бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида қонунийликни таъминлашга қаратилган. Ушбу институтнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, унинг асосий принциплари ва вазифаларини таҳлил қилиш замонавий ҳуқуқшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Прокурор назорати фаолиятини самарали амалга ошириш давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотлари томонидан қонунчиликка риоя қилинишига кафолат беради.

Прокурор назорати бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари турлича бўлиб, бу соҳада ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги институтнинг ўзига хослигини

янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Масалан, айрим олимлар унинг моҳиятини қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғласа, бошқалари профилактик чораларнинг аҳамиятига урғу беради. Мамлакатимиз ҳуқуқшуносларининг илмий мероси прокурор назоратининг хусусиятларини тадқиқ этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, прокурор назоратининг предмети ва объектига доир турли таърифлар ҳуқуқшунослар ўртасида баҳс-мунозараларни келтириб чиқариб, ушбу соҳада тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш заруратини туғдиради.

Шу муносабат билан прокурор назоратининг ҳуқуқий табиати, унинг предмети, вазифалари ва самарадорлигини ошириш чораларини аниқлаш мазкур тадқиқотнинг



асосий мақсадлари сифатида белгиланади. Ушбу изланишлар ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга, қонунбузарликларнинг олдини олишга ва прокуратура органларининг амалий фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Прокурор назорати бўйича кўпгина илмий ишлар мавжуд бўлиб, бу борада ҳуқуқшунос олимлар турлича ёндашувларга эга. Масалан, Е.В.Коленко прокурор назорати орқали асослар мавжуд бўлган тақдирда, айбдор шахсни жавобгарликка тортиш мумкинлигини таъкидласа<sup>1</sup>, ёш ҳуқуқшунос олимларимиздан Д.Ш.Ибрагимов прокурор назоратини давлатнинг мустақил назорат фаолияти сифатида баҳолаган ва илмий жамоатчилик томонидан ушбу институт турлича талқин қилинишини алоҳида кўрсатиб ўтган<sup>2</sup>. Жумладан, М.Х.Рустамбаев прокурор назорати прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган фаолият<sup>3</sup>, деб кўрсатган бўлса, Б.В.Коробейников прокурор назоратини фақатгина прокуратура органлари амалга ошира олишини қайд этган<sup>4</sup>.

Рус олими Ю.Е.Винокуров мазкур институтни прокурор назорати ҳужжатлари қўлланишида ифодаланишини<sup>5</sup> мисол сифатида келтирган бўлса, А.Б.Комилов ушбу таърифни қуйидагича тўлдирган: “прокурор назорати нафақат қонун бу-

зилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда, балки уларнинг олдини олиш чораларини кўришда ҳам намоён бўлади”<sup>6</sup>. Бизнингча, юқоридаги фикрлар ичида А.Б.Комилов томонидан илгари сурилган таъриф нисбатан тўлиқроқ.

Ўзбек ҳуқуқшуносларидан Б.Х.Пўлатовнинг фикрига кўра, прокурор назорати предметини давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ташкил қилади<sup>7</sup>. Бу каби ғоя Б.Хамидовнинг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган<sup>8</sup>. Бу эса ўз навбатида, ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предметига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Шунга кўра, ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокуратура органлари томонидан назорат қилинадиган органлар, ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг қонунларга мувофиқлиги ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ҳисобланади.

Кўпинча прокурор назорати предмети деганда қонунларнинг аниқ ижро этилиши ва назорат қилинадиган органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилган

1 Коленко Е.В. Деятельность прокуратуры Республики Узбекистан в сфере противодействия коррупции // Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, №1 (49) Махсус сон, 2022 й. 23-б.

2 Ибрагимов Д.Ш. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2022 й. 17-18-б. (– 200 б.)

3 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратураси: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005 й. 8-12-б.

4 Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебник / под ред. Ю.Е. Винокурова. М.: МНЭПУ Юрайт, 2000 г. С. 5.

5 Прокурорский надзор: учебник для вузов / А.Ю.Винокуров, Ю.Е.Винокуров; под общ. ред. А.Ю.Винокурова. – 15-е изд., перераб. и доп. – М.: «Издательство Юрайт», 2020 г. – С. 18.

6 Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, 2020 й. – 23-б. (– 168-б.)

7 Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: «O'zbekiston», 2009 й. 147-148-б.

8 Прокурор назорати // Муаллифлар жамоаси. Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2019 й. 62-б.



ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ келиши тушунилади<sup>9</sup>, бу эса "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддаси 1-қисмига тўлиқ мос келади ва унга кўра, давлат бошқаруви органлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предметига нималар киради, деган савол прокурор назорати фанида кўп йиллардан буён анча баҳсли масала бўлиб келган.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предметини классик тушуниш тарафдорлари қонунларни асосий муносабатларни тартибга солувчи ва умумий нормативлиги билан ажралиб турадиган ҳуқуқий ҳужжатлар<sup>10</sup> сифатида тавсифлаб, ижро ва қонуности ҳужжатларини прокурор таъсири доирасидан чиқариш лозимлигини таъкидлайди<sup>11</sup>.

Агар "қонунчилик" ва "қонунлар" тушунчаларини солиштирадиган бўлсак, бу борада ҳуқуқ назариясида иккита позиция мавжуд бўлиб, улардан бири қонунчилик давлатда амалда бўлган барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йиғиндисини ўз ичига олади деса, бошқалари "қонунчилик" атамасини фақат қонунлар деб тушунади<sup>12</sup>.

Бизнинг тадқиқотимизда одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назоратини ўрганиш мақсад қилиб қўйганимиз сабабли бу Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. У қонунчилик та-

лабларига риоя қилишни назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали қонунийликни таъминлашни мақсад қилади. Прокурорлик назоратининг моҳиятини аниқлашда илмий ёндашувлар турли нуқтаи назарларни таклиф этади. Айрим таърифларда уни фақат қонунлар ижросини текшириш билан чеклаш тенденцияси мавжуд бўлса, бошқалари уни ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга таъсир чораларини кўриш жараёни сифатида талқин қилади. Шу боис прокурорлик назоратини фақатгина қонунлар ижросини назорат қилиш деб тушуниш нотўғри бўлади. Унинг вазифаси фақат қонунбузарликларни аниқлаш эмас, балки уларни бартараф этишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ҳам ўз ичига олади.

Бундай ёндашув прокурорлик назоратининг моҳиятини чуқурроқ тушуниш имконини беради. Прокурорлик назорати фақат ҳуқуқий қоидаларга риоя қилинишини текшириш билан чекланмай, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун профилактика чораларини қўллаш орқали ҳуқуқий муҳитни яхшилашга қаратилган. Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан назорат бу фаолиятнинг алоҳида йўналиши бўлиб, тергов жараёнида қонунбузарликларнинг олдини олиш ва қонунийликни таъминлаш учун муҳимдир. Прокурорлар тергов жараёнини назорат қилиш орқали тергов ҳаракатларининг қонун талабларига мувофиқлигини таъминлайди, терговчилар томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш чораларини кўради. Бу борадаги вазифалар прокурорлик назоратининг муҳимлигини ва унинг ҳуқуқий тизимдаги ўрнини белгилаб беради. На-

9 Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги 257-II-сонли қонунининг 20-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2024 й., 03/24/909/0133-сон.

10 Тихомиров А.Ю. *Публичное право*. – М., 1995 г. – С. 224.

11 Ястребов В.Б. *Прокурорский надзор*. – М., 2001 г. – С. 168.

12 Мелехин А.В. *Теория государства и права: учебник*. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2009 г. – С. 375.



зоратнинг самарадорлиги прокуратура органлари фаолиятининг ташкил этилиши ва қонун талабларига қанчалик қатъий амал қилинишига боғлиқ. Шу тариқа прокурорлик назорати Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимида қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун асосий механизмлардан бири сифатида аҳамиятлидир. Унинг моҳияти ва вазифаларини чуқурроқ тушуниш бу йўналишдаги ишларни янада самарали ташкил этиш имконини яратади.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назорати прокуратуранинг энг муҳим ва барқарор фаолият турларидан бири бўлиб, унинг ҳуқуқий ва амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал муносабатларини қонуний асосда таъминлашда намоён бўлади. Прокуратура органлари ушбу фаолиятни амалга оширишда қонунбузарликларнинг олдини олиш, тергов жараёнида қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш ва адолатни тиклаш мақсадида узлуксиз назоратни ташкил этади. Прокурорлик назоратининг ушбу йўналиши прокуратура фаолиятининг тарихий асосларидан бири сифатида ўз долзарблигини йўқотмаган ва бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан назоратнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у жиноят-процессуал муносабатлар каби нозик ва жиддий соҳани қамраб олади. Бу муносабатлар жамиятнинг энг заиф ва таъсирчан гуруҳи ҳисобланади, чунки улар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли бундай назорат қонунийликни таъминлаш учун узлуксиз, тизимли ва ташаббускор назоратни талаб қилади. Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш жараёнида прокурорлик назоратининг асосий мақсади қонунларга риоя этилишини таъминлашдир. Прокурорлар тергов жараёнида

қонунбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва ҳуқуқбузар шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли чоралар кўради.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан назоратни амалга ошириш қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, прокуратура тергов жараёнида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун таъсирчан механизмларга эга. Бу жараёнда прокурорлар тергов органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади. Уларга жиноят ишлари бўйича ҳужжатларни ўрганиш, шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, қонунбузарликларни аниқлаш бўйича текширувлар ўтказиш ваколати берилган. Шундай қилиб одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назорати Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида қонунчиликка риоя этилишини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Бу фаолият жамиятда адолатни тиклаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларига хизмат қилади. Шунингдек, прокурорлик назоратининг ушбу йўналиши прокуратура органларининг тарихий ривожланиши ва ҳозирги кун талабларига мос келиши билан янада мустаҳкамланиб, ҳуқуқий тизимнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назорати қонунийликни таъминлаш, жиноят-процессуал жараённинг адолатлилиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мустақил фаолиятдир. Прокуратура органлари тергов органлари фаолиятини назорат қилишда қонунбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш, қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва тергов жараёнининг адолатлилигини



кафолатлашни асосий вазифа сифатида бажаради. Прокуратуранинг бу босқичдаги роли жинойи таъқибдан ажратилган бўлиб, у фақат назорат функциялари билан чекланган, бу эса унинг объективлиги ва мустақиллигини таъминлайди.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан назорат жиноят ишини ҳал қилишда қонунийликни сақлаш учун муҳим восита ҳисобланади. Унинг асосий мақсади қонунбузарликларнинг олдини олиш, адолатни таъминлаш ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишдир. Бу эса жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назоратининг предмети жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида қонунчиликка риоя этилишини таъминлашдан иборат бўлиб, бу жамоат муносабатларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг тегишли моддаларида прокурорлик назоратининг предмети аниқ белгиланган бўлиб, унга қуйидагилар киради: инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини текшириш, дастлабки тергов жараёнида қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш ҳамда тергов органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш<sup>13</sup>. Шу билан бирга, амалиётда прокурорлик назоратининг предмети доирасидаги айрим жиҳатларни аниқлаш зарурати пайдо бўлади. Жумладан, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида қонунийлик тушунчаси нафақат қонунчиликка мослигини, балки процессуал қарорлар-

нинг асосланганлиги ва асосланган қарорларнинг тўғри ва тушунарли изоҳланганлиги орқали таъминланишини ҳам назарда тутати. Бунда асосланганлик жиноят иши бўйича барча далиллар тўпланган ва улар қонун талабларига мувофиқ баҳоланган ҳолда қарор қабул қилинганини билдиради.

Шунингдек, тергов органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги прокурор назоратининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу нафақат қонунчиликка зид ҳолатларни аниқлаш, балки ноқонуний қарорлар ва хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун ҳам асосий аҳамиятга эга. Аммо амалдаги қонунчиликда прокурорлик назоратининг предмети янада аниқроқ ифодаланиши кераклиги қайд этилган. Хусусан, жиноят иши бўйича хабарларни кўриб чиқиш тартиби, тергов жараёнидаги қонунчилик бузилишларини аниқлаш ва уларга қарши таъсирчан чоралар кўриш каби вазифаларнинг ҳуқуқий асослари қонунчиликда тўлиқ акс эттирилиши талаб қилинади. Шу тариқа прокурорлик назоратининг предмети нафақат қонунийликни таъминлаш, балки қарорларнинг асослилиги ва мотивланганлигини баҳолаш орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу эса тергов жараёнининг шаффофлиги, адолатлилиги ва қонунийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, прокурорлик фаолиятининг ҳуқуқий тизимдаги марказий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Прокурорлик назоратининг предмети тергов органларининг қонунбузарликларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган фаолиятини қамраб олади. Ушбу фаолият тергов органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар, амалга оши-

13 Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.10.2024 й., 03/24/976/0833-сон.



риладиган хатти-ҳаракатлар ва жараёнда қонунчиликка риоя этилишини текширишни ўз ичига олади. Прокурорлик назоратининг ҳуқуқий асослари "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган бўлиб, у тергов жараёнидаги қонунбузарликларни назорат қилиш ва уларнинг қонунийлигини таъминлашга қаратилган. Бу модда баъзи илмий фикрларга кўра фақат назорат вазифаларини белгиловчи модда деб қаралади, лекин аслида у назоратнинг айнан қандай қарор ва ҳаракатларга қаратилганлигини аниқ белгилайди.

Прокурорлик назоратининг асосий мазмуни тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бунда прокурор тергов жараёнида қонунчилик талабларига риоя этилишини, тергов ҳаракатларининг қонунийлиги ва асослилигини текширади. Бунинг доирасига тергов органлари томонидан қабул қилинадиган барча қарорлар, шу жумладан, жиноят ишларини рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш, тергов ҳаракатларини амалга ошириш ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш киради.

Назорат жараёнидаги муҳим вазифалардан бири бу тергов жараёнида қонунбузарликларнинг олдини олишдир. Прокурор тергов органларининг қонунларга мувофиқ ҳаракат қилишини таъминлаш учун ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш имкониятига эга. Шунингдек, у қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашда ва уларни бартараф этишда тегишли чораларни кўради.

Шу билан бирга, назоратнинг предметини аниқлашда унда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги таъминланади. Тергов жараёнидаги назоратнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан прокурорнинг ўз фаолиятини қонунга мувофиқ ва холислик билан олиб боришига боғлиқдир. Демак, прокурорлик назоратининг предмети бу тергов органлари томонидан қонун-

бузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган фаолият бўлиб, у жиноят-процессуал жараёнда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Назоратнинг самарадорлиги эса унинг доирасини аниқ белгилаш ва амалда унинг ҳолисона бажарилишини таъминлаш билан боғлиқдир.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назорати жиноят-процессуал фаолиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Ушбу назоратнинг мақсадлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият манфаатларини таъминлаш ва тергов органлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини таъминлашдан иборат. Прокурор ўз ваколатларини амалга оширар экан, процессуал қоидаларни бузиш ҳолатларини аниқлаш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш, қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Назоратнинг мақсадлари прокуратуранинг умумий вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, ташкилотларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ва тергов жараёнида қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Бундан ташқари, тергов органларининг қонунбузарликларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, зарарни қоплаш ва ҳуқуқларни тиклаш вазифалари прокуратуранинг доимий эътибор марказида бўлади.

Одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назоратининг вазифалари қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўриш ҳамда қонунчиликка зид ҳаракатларни амалга оширган шахсларни



жавобгарликка тортишдан иборат. Ушбу вазифалар прокурорнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Шундай қилиб одил судловга қарши жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорлик назорати – бу қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш орқали инсон ҳуқуқлари, ташкилотлар манфаатлари ва жамият адолатини таъминлашга қаратилган фаолиятдир. Ушбу назоратнинг мустақам ҳуқуқий асослари ва амалий аҳамияти уни жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳал қилувчи механизмга айлантиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, прокурор назорати – қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган мустақил ва универсал ҳуқуқий институт бўлиб, у давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотлари фаолияти устидан қонунийликни таъминлаш вазифасини бажаради. Ушбу институтнинг асосий вазифаси қонунбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Прокурор назорати фақатгина назорат функцияларини эмас, балки профилактик вазифаларни ҳам ўз ичига олади, бу эса унинг амалдаги аҳа-

миятини янада оширади. Прокурор назоратининг предмети ва вазифалари бўйича илмий ёндашувларнинг хилма-хиллиги ушбу соҳадаги илмий баҳсларнинг давом этаётганлигидан далолат беради. Мазкур тадқиқотда қайд этилган турли назарий фикрлар, айниқса, А.Б.Комилов ва Б.Х.Пўлатов томонидан таклиф этилган қарашлар<sup>14</sup> прокурор назоратини самарали ташкил этишга замин яратади. Ҳуқуқий амалиётда прокурор назорати институтининг ролини янада мустақамлаш учун унинг предмети ва объектини аниқ белгилаш муҳимдир.

Шу билан бирга, прокурор назоратининг ўрмон хўжалиги ёки бошқа тармоқлардаги қонунчилик ижроси устидан назорат функциялари самарадорлигини ошириш учун замонавий ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш зарур. Ушбу тадқиқот прокурор назоратининг назарий ва амалий жиҳатларини чуқурроқ ўрганишга қаратилган бўлиб, унинг натижалари давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Прокурор назоратининг самарадорлиги қонунчилик талабларига риоя қилинишига асосланган тизимли ва холис ёндашув орқали таъминланиши мумкин.

#

14 Комилов А.Б. *Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш* // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, 2020 й. 168-б.; Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: «O'zbekiston», 2009 й. 147-148-б.



Мухаммадрашодхон ОДИЛОВ,  
Самостоятельный соискатель Правоохранительной академии  
Республики Узбекистан

## ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ И РАЗЛИЧИЯ ВЗЯТОЧНИЧЕСТВА ОТ ДРУГИХ СМЕЖНЫХ СОСТАВОВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

**АННОТАЦИЯ.** В статье анализируется место взяточничества в системе преступлений против порядка функционирования органов власти, управления и общественных объединений, выделены критерии отграничения этих преступлений от сходных преступлений, совершаемых должностными лицами, служащими с использованием своего служебного положения.

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада порахўрликнинг давлат органлари, бошқарув ва жамоат бирлашмалари фаолиятига қарши жиноятлар тизимидаги ўрни таҳлил қилиниб, ушбу жиноятларни мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган шунга ўхшаш жиноятлардан фарқлаш мезонлари белгилаб берилган.

**ABSTRACT.** The article analyzes the place of bribery in the system of crimes against the functioning of government bodies, management and public associations, and identifies criteria for distinguishing these crimes from similar crimes committed by officials using their official position.

**Ключевые слова:** взяточничество и смежные по составу преступления, различие, схожесть, хищение, мошенничество, подкуп, коммерческий подкуп, способ и форма, материальные ценности, имущество, должностное лицо, государственный орган, организация с государственным участием, орган самоуправления граждан.

**Калит сўзлар:** порахўрлик ва ўхшаш таркибли жиноятлар, фарқи, ўхшашлиги, талон-торож, фирибгарлик, оғдириб олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, усули ва шакли, моддий бойликлар, мулк, мансабдор шахс, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи.

**Key words:** bribery and related crimes, difference, similarity, theft, fraud, bribery, commercial bribery, method and form, material assets, property, official, government body, organization with state participation, self-government body of citizens.

Разграничение взяточничества от смежных по своему по характеру преступлений представляет собой сложную задачу в практике применения уголовно-правовых норм.

В этом вопросе допускается много ошибок. Это следует понимать таким образом, что при решении вопроса о разграничении преступлений следственные органы и суды зачастую ориентируются только на анализ и сопоставление отличительных признаков. Однако различия в этих условиях неизбежно приведут к изменению признаков однородных составов преступлений, кажущихся на первый взгляд схожими. Для того чтобы правильно отличать однородные по составу преступления друг от друга, необходимо сопоставлять оба преступления по всем признакам их состава.

Считается важным различие взяточничества от подкупа служащего государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан. Ответственность за данное преступление предусмотрено в статье 213 УК Республики Узбекистан. То есть, предусмотрена уголовная ответственность за заведомо незаконное предоставление служащему государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан материальных ценностей или имущественной выгоды за выполнение или невыполнение в интересах осуществляющего подкуп лица определенного действия, которое служащий должен был или мог совершить с использованием своего служебного положения.

Подобные преступления имеют несколь-



ко схожих признаков со взяточничеством:

1. Как и при взяточничестве, при подкупе служащего государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан предметом подкупа могут выступать различные материальные ценности (деньги, иностранная валюта, драгоценности, ценные бумаги, продовольственные и промышленные товары и др.), а также различные услуги имущественного характера.

2. Способ и форма подкупа служащего государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан значения не имеет. Незаконное получение материального вознаграждения или имущественной выгоды служащим государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан возможен лично или через посредника, по почте, телеграфу и иными другими способами. Подкуп служащего производится открытым либо завуалированным способом. Подкуп служащего считается оконченным не при предоставлении служащему части предмета подкупа, а только после получения. Поэтому, при условии, что служащий не принял предмета подкупа, предложение материального вознаграждения или имущественного блага, отправка через почту, посылку и даже передача родственникам или посреднику, как и в случае взяточничества, должно квалифицироваться не как оконченное преступление, а как покушение на него.

3. Оба преступления требуют наличия прямого умысла. Виновники осознают, что передают (получают) материальные ценности или предоставляются (видят) имущественные блага. Мотивы преступлений и цели виновного достигаемых путем подкупа служащего могут быть различными, например из личной корысти, интересы предприятия, организации, учреждения,

где работает виновный.

4. При злоупотреблении должностными полномочиями в следствии подкупа служащего государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан существует реальная совокупность преступлений как и при взяточничестве.

5. Хотя условия незаконного вознаграждения, как и в случае взяточничества, специально не оговорены, следует оценивать как незаконное получение вознаграждения тот факт, что участники преступления осознают, что подкуп служащего осуществляется для удовлетворения интересов взяточдателя.

При этом анализируемые преступления следует различать по следующим признакам:

1. Если субъектами взяточничества являются только должностные лица, то преступления, предусмотренные статьей 213 УК, напротив, несут ответственность служащие государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан, не являющиеся должностными лицами.

2. При подкупе служащего государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан при оценке деяния учитывается привлечение к административной ответственности ранее.

В свою очередь важно **различать** деяния как взяточничество и **хищение чужого имущества**. В правоприменительной практике с точки зрения сопоставления преступлений взяточничества и хищения чужого имущества возникают следующие проблемы: 1) различие хищения чужого имущества от дачи-получения взятки за счёт государственного имущества; 2) случаи квалификации преступлений по совокупности с хищением.

Если должностное лицо наряду с други-



ми субъектами участвует в хищении, долю которую он получает из похищенного имущества не следует расценивать как взятку.

В литературе необходимо различать хищение и взяточничество в следующих случаях:

1) приобретение материальных ценностей из фондов государственного имущества в результате злоупотребления служебным положением;

2) Передача материальных ценностей должностному лицу соучастниками хищения или непричастными к преступлению лицами не за какие-либо действия по службе, а в виде доли денежных средств, полученных в следствии продажи (реализации) незаконно присвоенного или расхищенного имущества;

3) Умысел, направленный на безвозмездное незаконное обращение в свою собственность имущества государства, хотя бы и передаваемого должностному лицу в виде доли похищенного, либо в форме платежа за неправомерно отчужденную материальную ценность<sup>1</sup>.

Это правильное правило, но его немногочисленно сложно применять на практике. Например, как решить следующую задачу: Являются ли вознаграждением в качестве взятки или доли из расхищенного имущества деньги, полученные должностным лицом за совершенные путем злоупотребления должностным положением действия, создавшие условия для хищения чужого имущества?

Полагаем, что для правильного решения вопроса о разграничении хищения от взяточничества следует применять следующий подход. Например, при получении должностным лицом материальных ценностей за совершение путем злоу-

потребления должностным положением действий, которые составляют элементы объективной стороны хищения, получение подобным способом материальных ценностей не должно расцениваться как взятка, а должно расцениваться именно как получение доли из расхищенного имущества. Другими словами, в таких случаях должностное лицо, злоупотребляющее своим должностным положением, участвуя в изъятии имущества, является исполнителем хищения чужого имущества.

Также, признается хищением случаи, когда, должностное лицо путем злоупотребления должностным положением незаконно отчуждает имущество, находящееся в распоряжении организации и передает за вознаграждение частным лицам. И наоборот, если имущество не присвоено из этих средств, а незаконно передано от одной организации к другой за вознаграждение, лицо, выполняющее работу, виновно в получении взятки и, возможно, злоупотреблении своим служебным положением.

Когда же должностное лицо непосредственно в хищении не участвовало и получило незаконное вознаграждение за действия, совершенные с использованием служебного положения, которые хотя и способствовали хищению, но не являлись элементами его объективной стороны, имеет место получение взятки, а не хищение этих ценностей<sup>2</sup>.

В литературе отмечают и такие случаи, когда для правильной квалификации деяний должностного лица, заведомо получившего в виде взятки государственные и общественные средства, его роль следует определять как соучастника хищения чужого имущества<sup>3</sup>.

1 Р.А.Зуфаров «Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы со взяточничеством». ДИССЕРТАЦИЯ на соискание ученой степени доктора юридических наук. – 2002 г. – С. 164

2 Якубов А.С., Матлюбов Б. *Отличие реальной совокупности от единичных преступлений*. Давлат ва ҳуқуқ, №1, 2002 г. – С. 102.

3 Яни П.С. *Актуальные проблемы квалификации служебных преступлений // Проблемы борьбы с коррупцией (Issues of combating corruption)*. – М.: ЮрИнфоР, 1999 г. – С. 57.



В таких случаях получающий взятку должностное лицо считается участником в хищении наряду с взяткодателем. Потому что, каждый из них умышленно и совместно непосредственно участвуют при выполнении объективной стороны хищения чужого имущества. Метод хищения – злоупотребление должностным положением.

Для признания содеянного хищением не имеет значения то обстоятельство, что у одного из участников изъятия имущества, передаваемого в виде взятки, не было личной корысти, и он, возможно, руководствовался ложно понимаемыми интересами своей организации.

Как пишут Е.Фролов и Г.Шелковкин, «при соучастии в хищении отдельные соучастники могут действовать без корыстного мотива, по иным побуждениям. В этом случае достаточно, чтобы корыстный мотив и соответствующая цель имелись хотя бы у одного из соучастников, в чьих интересах, в конечном счете и совершается хищение. Если субъект осознает, что способствует незаконному обогащению другого за счет похищенного, то в его действиях имеются признаки соучастия»<sup>4</sup>. Эта позиция признана в литературе и поддерживается практикой.

Взяткодатель имеет в подотчете материальные ценности. Вступив в сговор с должностным лицом о совершении последним за взятку каких-либо действий, он изымает эти ценности из своего владения и передает их взяткополучателю. Последний знает, что получает в виде взятки государственные или общественные средства. Хищение совершается в момент получения взятки и, он, соответственно участвует в хищении.

Оба преступника виновны во взяточничестве и в хищении государственного имущества, совершенного группой лиц, по предварительному сговору, путем присвоения. Мотивы действий взяткодателя,

участвующего в хищении для правовой оценки его действий в соответствии с вышесказанным значения не имеют.

Если имелась предварительная договоренность о даче-получении взятки за счет государственной или общественной организации, но взяткополучатель в изъятии имущества участия не принимал, то исполнителем хищения является только взяткодатель. Должностное лицо здесь является лишь соучастником хищения: пособником, обещавшим заранее приобрести похищаемое имущество, или подстрекателем, если оно склонило к совершению хищения материальных ценностей и передаче их в виде взятки.

Наконец, в качестве взятки может передаваться имущество, которое было уже похищено определенным способом взяткодателем без какой-либо предварительной договоренности и без участия в этом должностного лица – взяткополучателя. В этом случае в действиях взяткодателя имеется реальная совокупность двух самостоятельных преступлений: хищение чужого имущества и дача взятки. Что касается квалификации действий взяткополучателя, то если он осведомлен, что в качестве взятки передаются именно те ценности, как правило, индивидуально определенные, которые были похищены, он ответственен за получение взятки и приобретение имущества, заведомо добытого преступным путем. В противном случае он виновен только в получении взятки.

Таким образом, решая вопрос о возможности квалификации взяточничества по совокупности с хищением имущества, необходимо устанавливать следующие обстоятельства: 1) знал ли получатель, что взятка дается ему за счет государственного или общественного имущества; 2) в чьих интересах (личных или ложно понимаемых интересах организации, учреждения, предприятия) давалась взятка; 3)

4 Фролов Е.А. Спорные вопросы учения об объекте преступления. Сб.ученых трудов, вып. 10. – Свердловск, 1968 г. - С.14



принимало ли должностное лицо непосредственное участие в незаконном, безвозмездном изъятии чужого имущества, получая взятку за счет государственных или общественных средств. В зависимости от этих обстоятельств, как показано выше, квалификация действий преступника существенно изменяется<sup>5</sup>.

Получение взятки иногда **смешивается с мошенничеством**, которое определяется как завладение чужим имуществом или правом на имущество, путем обмана или злоупотреблением доверием. При этом упускается из виду, что получение взятки в принципе не может иметь место при отсутствии дачи взятки. Если не установлен факт передачи взятки или хотя бы попытки ее вручить, вопрос получения взятки сам собой автоматически отпадает.

Иногда суды ошибаются при разграничении мошенничества и получения взятки в тех случаях, когда виновный, которому гражданин передал материальные ценности, вообще не относится к категории должностных лиц.

В юридической литературе и судебной практике имелись трудности при разграничении действий посредничества во взяточничестве и мошенничества. В постановлении Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о взяточничестве» прямо говорится, что если не должностное лицо получает от взяткодателя деньги или иные ценности якобы для передачи должностному лицу в качестве взятки, и не намереваясь этого сделать присваивает их, то содеянное должно квалифицироваться как мошенничество. Когда в целях завладения лицо склоняет взяткодателя к даче взятки, то действия виновного, помимо мошенничества должны дополнительно квалифи-

цироваться как подстрекательство к даче взятки. При этом не имеет значения, называлось ли лицо, которому предполагалось передать взятку.

Представляется, что в данном случае позиция Пленума верна и она правильно ориентирует суды в разрешении наиболее спорного вопроса.

Определенные сложности возникают при разрешении вопроса о **соотношении получения взятки и злоупотреблении властью или должностными полномочиями** и квалификация действий взяткополучателя, совершающего в пользу взяткодателя определенные действия, вопреки интересам службы.

Большинство авторов поддерживает точку зрения, согласно которой действия, совершаемые за взятку, не охватываются составом получения взятки, если они образуют самостоятельный состав преступления, и должны квалифицироваться по совокупности, как получение взятки и должностное злоупотребление<sup>6</sup>.

В то же время А.Я.Светловым высказано мнение о том, что состав получения взятки является специальным по отношению к составу злоупотребления властью или служебным положением, и это исключает квалификацию по совокупности указанных преступлений. «Исключение может быть только в тех случаях, когда виновное должностное лицо совершает за взятку какое-либо специальное должностное преступление, например, подлог»<sup>7</sup>.

Действительно, нормы, сформулированные в ст.ст. 205 и 210 УК, соотносятся как общая и специальная. Поэтому получение взятки нельзя рассматривать как идеальную совокупность получения взятки и должностного злоупотребления. Вместе с тем следует иметь в виду, что по-

5 Р.А.Зуфаров «Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы со взяточничеством». ДИССЕРТАЦИЯ на соискание ученой степени доктора юридических наук. 2002 г. – С. 164

6 Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Цагикян С.Ш. *Ответственность за взяточничество*. – Ереван: Айастан, 1988 г. – С. 114.

7 Светлов А.Я. *Борьба с должностными злоупотреблениями*. – Киев; 1970 г. - С. 108-110



лучение взятки признается окончанным преступлением с момента ее получения, независимо от совершения взяткодателям действий. При этом за взятку должностное лицо может совершать как законные, так и незаконные действия. В этой связи и квалификация преступления в обоих случаях не может быть одинаковой.

В значительной части случаев за взятку совершаются правомерные деяния. Поэтому А.Я.Светлов необоснованно, по нашему мнению, утверждает, что закон «прямо не говорит о выполнении тем, кто получил взятку, законных действий». Уголовно-правовая норма устанавливает, что лицо получает взятку за выполнение или невыполнение в интересах дающего взятку какого-либо действия, которое лицо должно было или могло совершить с использованием своего служебного положения. Поэтому любое преступление, в том числе и должностное злоупотребление, должно квалифицироваться по совокупности.

Пленум Верховного суда в постановлении от 24 мая 1999 года специально отметил, что ответственность за дачу и получение взятки не исключает одновременного привлечения к уголовной ответственности по совокупности преступлений.

Мы полностью разделяем позицию Пленума Верховного суда и не согласны с предложением дополнить статью, предусматривающую ответственность за получение взятки, еще одним квалифицирующим признаком, а именно: «совершение за взятку должностного злоупотребления»<sup>8</sup>.

Можно выделить следующие **схожие аспекты** состава преступлений **коммерческого подкупа** с дачей-получением взятки:

- как и при взяточничестве в качестве

предмета подкупа могут выступать любые материальные ценности;

- способ совершения данного преступления не имеет значения как и при взяточничестве;

- Так же, как и при получении взятки, имеется норма поощрительная норма, то есть, лицо, осуществившее подкуп, освобождается от ответственности, если в отношении него имело место вымогательство материальных ценностей или имущественной выгоды и это лицо в течение тридцати суток после совершения преступных действий добровольно заявило о случившемся, чистосердечно раскаялось и активно способствовало раскрытию преступления<sup>9</sup>.

Стоит отметить, что в статье 5 «Совместного поручения о рассмотрении заявлений и сообщений о коррупционных преступлениях, обеспечении строгого соблюдения законодательства при расследовании и судебном разбирательстве данного дела» Генерального прокурора Республики Узбекистан, председателя Верховного суда Республики Узбекистан, Председателем Службы национальной безопасности ва Министра Внутренних Дел Республики Узбекистан» от 23.06.2014 года отмечено, что лицо, давшее взятку или выполнявшее посреднические функции во взяточничестве, освобождается от ответственности, если в отношении него имело место вымогательства и самое важное, как строго определено пунктом 8.2 данного поручения, для предъявления обвинения лицу основанием могут послужить только совокупность объективных доказательств, при этом, недопустимо ограничение показаниями взяткодателя и причастных к ней лиц, а обязаны быть основаны точными критериями.

#

8 Светлов А.Я. *Ответственность за должностные преступления*. – Киев: Наукова думка, 1978 г. - С. 225.

9 Феоктистов В.Л. *Некоторые вопросы ответственности за взяточничество и коммерческий подкуп // Коррупция – политические, экономические, организационные и правовые проблемы*. - М., Юрист. 2001 г. – С. 31.



Камола АБДУРАХМАТОВА,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторанти

## ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДА КОРРУПЦИЯ ШАКЛЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупция шакллари, бу борадаги хорижий илмий адабиётларда олимларнинг қарашлари, қурилиш соҳасидаги коррупция шаклларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

**АННОТАЦИЯ.** в данной статье анализируется понятие коррупции при контроле и осуществлении строительства, факторы, вызывающие коррупцию, взгляды зарубежных ученых на этот счет, специфика коррупции в строительной отрасли.

**ABSTRACT.** this article analyzes the concept of corruption in the control and implementation of construction, the factors causing corruption, the views of foreign scientists in this regard, the specifics of corruption in the construction industry.

**Калит сўзлар:** коррупция, қурилишни назорат қилиш соҳасида коррупция, коррупция шакллари.

**Ключевые слова:** коррупция, коррупция в сфере строительного контроля, причины коррупции.

**Key words:** corruption, corruption in the field of construction control, causes of corruption.

Коррупциянинг ягона таърифи мавжуд бўлмаса-да, у давлат ва хусусий сектордаги шахслар ёки муассасалар томонидан шахсий манфаатлар учун ишониб топширилган ваколатни суиистеъмол қилишни ўз ичига олиши кенг эътироф этилади. Коррупция жамиятнинг барча қатламларига салбий таъсир кўрсатади ва бу ресурсларнинг адолатсиз ва давлат маблағларининг нотўғри тақсимланишига сабаб бўлади. Бу аҳолининг ҳукумат ва қонунчилик тизимига ишончининг пасайишига олиб келиши мумкин. Коррупция инсон ҳуқуқларига ҳам таҳдид солади ва қонун устуворлиги, демократия ва иқтисодий тараққиётга путур етказди.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, ер юзида давлат ва жамият пайдо бўлганидан буён одамзод порахўрлик ва коррупцияни тараққиёт ва фаровонликнинг кушандаси, жамиятда адолат, тенглик, соғлом рақобат ва ҳалоллик тамойиллари устун бўлишига тўсқинлик қиладиган ижтимоий иллатлардан бири, деб баҳолаб келган ва унга

қарши курашиб яшаган<sup>1</sup>.

Дунёда қурилиш соҳаси энг коррупциялашган соҳа сифатида таърифланади. “Transparency International” 2011 йилда сўнгги марта ўзининг “Пора тўловчилар индекси”ни эълон қилганида – жамоат ишлари бўйича шартномалар ва қурилиш сектори порахўрликка мойил бўлган тармоқлар рўйхатида охириги ўринни эгаллагани аниқланган<sup>2</sup>. Соҳадаги коррупция фирибгарликдан тортиб товламачилик, ўзлаштириш ва бошқа суиистеъмолликларни ўз ичига олиши мумкин.

“Oxford Economics” қурилиш иқтисодчилари жамоаси томонидан эълон қилинган глобал қурилиш ва муҳандислик саноатининг йирик тадқиқоти бўлган “Global Construction Futures”га кўра, глобал қурилиш бозори жуда катта қийматни ташкил этиб, 2037 йилга келиб қарийб 14 триллион долларгача ўсиши тахмин қилинмоқда<sup>3</sup>.

Қурилиш лойиҳаларининг ҳажми, ўзига хослиги, юқори харажатлари ва кўп босқичлари ва мураккаблиги туфайли қурилиш бошқа иқтисодиёт тармоқларига

1 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2021 йил 417-бет

2 <https://www.transparency.org/en/publications/bribe-payers-index-2011>

3 <https://www.constructionbriefing.com/news/how-much-will-the-global-construction-industry-be-worth-by-2037-/8031247.article>



караганда коррупцияга кўпроқ мойил деб ҳисобланади.

Қурилиш соҳасидаги коррупция порахўрлик, ўзлаштириш, қариндош-уруғчилик, товламачилик, пул ювиш, фирибгарлик ва манфаатлар тўқнашуви каби хулқ-атворнинг ҳар хил турлари билан боғлиқ бўлган кўплаб шакллари ўз ичига олиши мумкин.

Қуйида қурилиш соҳасида кенг тарқалган коррупция шакллари кўриб ўтамыз.

Америкалик машҳур судья ва олим Джон Томас Нунан ўзининг 1984 йилдаги “Поралар” номли асарида коррупциянинг биринчи ҳолати эрамиздан аввалги 3000-йилларда содир бўлган порахўрлик кўринишида қайд этилган, деб ҳисоблайди<sup>4</sup>.

Шунинг учун порахўрлик ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган коррупциянинг асосий шакли сифатида кўриб чиқилади. Бироқ йиллар давомида коррупция эволюцияси туфайли коррупциянинг турли шакллари пайдо бўлди ва бу янги шакллarga кўпроқ пул сарфланмоқда.

Қурилиш саноатидаги коррупция шакллари тадқиқ этган Гонгконг политехника университети олимлари А.Чан ва Э.Овусу адабиётларда энг кўп қайд этилган коррупция шакллари сифатида порахўрлик, фирибгарлик, тил бириктириш, ўзлаштириш, қариндош-уруғчилик ва товламачиликни санаб ўтади<sup>5</sup>.

Эрон Республикасида қурилиш лойиҳаларида коррупция сабаблари ва унга олиб келиши мумкин бўлган омилларни тадқиқ этган Жанубий Кореянинг Пукён Миллий университети олимлари Ким Су Ёнг ва Киянуш Голчин Радлар эса ривожлан-

ган мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланган қурилиш соҳасида коррупциянинг ўн икки хил: порахўрлик, фирибгарлик, келишув (тил бириктириш), таклифларни сохталаштириш (тендерларда), ўзлаштириш (растрата), қайтарилишлар (откатлар), манфаатлар тўқнашуви, инсофсизлик ва адолатсиз хатти-ҳаракатлар, товламачилик, бепарволик, фронт компаниялар ва непотизм (қариндош-уруғчилик) каби коррупция шакллари санаб ўтади<sup>6</sup>.

Порахўрлик қурилиш соҳасида, хусусан, ривожланаётган мамлакатларда коррупциянинг энг кенг тарқалган ва жиддий шаклидир<sup>7</sup>.

Жанубий Африканинг Нельсон Мандела университети профессори Винстон Шакантунинг қайд этишича, порахўрликка йирик коррупция амалиёти сифатида қаралади, чунки коррупция “харид қилиш ёки танлаш жараёнида ёки шартномани бажаришда мансабдор шахснинг ҳаракатларига таъсир кўрсатиш учун бирон-бир қимматли нарсани таклиф қилиш, бериш, олиш ёки сўраш” деган маънони англатади<sup>8</sup>.

Кейинги ўринда кўп қайд этилган коррупция шаклларидан бири фирибгарликдир.

Австралиялик олимлар Чарлз Ви ва Мартин Скитморлар қайд этиб ўтганидек, фирибгарлик ҳам қурилишда коррупциянинг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бу амалиёт асосан ёлғон, нотўғри маълумотлар ва ҳеч қачон олинмаган материаллар учун тўланган ҳисоб-китоблар, вақтни узайтириш бўйича сохта сўров, атайлаб нотўғри йўл тутиш ва маълумотни яшириш нияти, хужжатларни ўзгартириш ва

4 Noonan, J. (1984). *Bribes*, Macmillan Publishing Company, New York.

5 Albert P. C. Chan and Emmanuel Kingsford Owusu. *Corruption Forms in the Construction Industry: Literature Review*. Journal of Construction Engineering and Management, August 2017. DOI: 10.1061/(ASCE)CO.1943-7862.0001353

6 Kim, Soo Yong, Kiyanoosh Golchin Rad. *Exploratory Factor Analysis of the Causes of Corruption in Iranian Construction Projects*. Journal of the Korean Society of Civil Engineers. Vol. 38, No. 2: 369-376/ April, 2018 (Online) DOI: <https://doi.org/10.12652/Ksce.2018.38.2.0369>

7 Barco, A. L. (1994). “International expansion, ethics, and prohibited foreign trade practices.” *J. Manage. Eng.*, 10(5), 34–40. Crossref.

8 Shakantu, Winston. *Corruption in the construction industry: Forms, susceptibility and possible solutions* Civil Engineering: Magazine of the South African Institution of Civil Engineering; Yeoville Vol. 14, Iss. 7, (Jul 2006): 43-44,47.



материалларни ўғирлаш шаклида содир бўлади<sup>9</sup>.

Коррупция шаклларида яна бири келишув ёки тил бириктириш бўлиб, Жанубий Африкада қурилиш саноатида ахлоқий хатти-ҳаракатлар бўйича эмпирик тадқиқотлар олиб борган П.Бовен ва бошқаларнинг фикрига кўра, келишув – икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида ёлғон мақсадда яширин келишувга эришиладиган коррупция шаклидир. Келишув иштирокчиларга фойда келтириши мумкин, лекин лойиҳанинг ёки жамоатчиликнинг оддий фойдасини қурбон қилиши мумкин<sup>10</sup>.

Тендер жараёнларидаги тил бириктиришларни тадқиқ этган Австралиянинг Бонд университети олими Анна Заркада Фрейзер таъкидлаганидек, тил бириктириш қурилиш индустриясининг рақобатбардош табиати пойдеворини жиддий равишда бузади<sup>11</sup>.

Кейинги ўринда адабиётларда санаб ўтилган шакл фирибгарлик бўлиб, фирибгарликка қарши кураш бўйича дунёдаги энг йирик ташкилот ҳисобланмиш Сертификатланган фирибгарлик экспертлари ассоциацияси Фирибгарликка қарши кураш бўйича сертификатланган мутахассислар уюшмаси – The Association of Certified Fraud Examiners (ACFE) фирибгарликка “фойдага эришиш учун алдашга асосланган ҳар қандай фаолият” деб таъриф беради<sup>12</sup>.

Бундан ташқари, касбий фирибгарлик борасида “иш берувчи ташкилотнинг ресурслари ёки активларини қасдан суистеъмол қилиш ёки нотўғри қўллаш орқали ўз касбидан шахсий бойиш учун фойдаланиш” деган фикр илгари сурилади<sup>13</sup>.

Қурилиш саноати ҳам касбий фирибгарликдан ҳимояланган эмас. АСФЕнинг миллатлар учун 2022 йилдаги ҳисоботида айтилишича, таҳлил қилинган соҳалар ичида қурилиш саноати фирибгарлик учун ўртача 2,9 миллион АҚШ доллари йўқотишлар билан тўртинчи ўринни эгаллаган.

Юқоридагиларга кўра қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишдаги коррупциянинг асосий шакллари сифатида порахўрлик, ўзлаштириш, қариндош-уруғчилик, таъсир кўрсатиш, давлат маблағлари ёки активларини ўғирлаш, фирибгарлик, қалбакилаштиришни қайд этиш мумкин.

Шунингдек, коррупция шакллари сифатида пул ювиш, яширин иқтисодиёт, соя компанияларни ҳам санаб ўтишимиз мумкин.

Айрим қурилиш компаниялари даромадларини яшириб, иш ҳақини “конверт” усулида тўлаб, давлат муассасалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун маълум маблағ сарфлаётгани сир эмас.

Шу ўринда давлатимизда қурилиш соҳасидаги коррупциявий жиноятлар таҳлиliga эътиборни қаратадиган бўлсак, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида 2022-2023 йилларда содир этилган коррупциявий жиноятлар, уларнинг содир этилишига сабаб бўлаётган омиллар таҳлил қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тақдим қилинган статистик маълумотларга кўра, вазирлик тизимида 2023 йилда 458 нафар шахсга нисбатан 227 та коррупциявий жиноят иши судлар

9 Vee, C. and Skitmore, R.M. (2003) Professional ethics in the construction industry. *Engineering Construction and Architectural Management* 10(2): pp. 117-127.

10 Paul Bowen, Akintola Akintoye, Robert Pearl, Peter J. Edwards. *Ethical behaviour in the South African construction industry. Construction Management and Economics Volume 25, 2007. Pages 631-648.*

11 Anna Zarkada-Fraser & Martin Skitmore, *Decisions with moral content: collusion. Construction Management and Economics Volume 18, 2000 - Issue 1. Pages 101-111.*

12 “Fraud 101: What is Fraud?” <https://www.acfe.com/fraud-resources/fraud-101-what-is-fraud>.

13 “Occupational Fraud 2022: A Report to the Nations.” The Association Of Certified Fraud Examiners, 2022.



томонидан кўриб тамомланган. 2022 йилда бу кўрсаткич 476 нафар шахсга нисбатан 255 та коррупциявий жиноят ишини ташкил қилган. Мазкур коррупциявий жиноятлар натижасида жамият ва давлат манфаатларига 2023 йилда 100,2 млрд (2022 йилда - 82,6 млрд) сўмлик моддий зарар етказилган.

Таҳлиллардан кўринишича, соҳада умумий коррупциявий жиноятчилик сони камайган бўлса-да, улар натижасида етказилган зарар миқдори 20 млрд сўмга кўпайган. Коррупциявий жиноятларнинг аксарияти мансаб сохтакорлиги, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш (аксарият ҳолатларда биргаликда) йўналишларида содир этилаётганлиги қайд этилган.

2023 йилда содир этилган коррупциявий жиноятлар тури бўйича таҳлил қилинганда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш 423 (2022 йилда - 428) нафар, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш 11 (2022 йилда - 10) нафар шахс томонидан содир этилган.

Ўрганишда капитал қурилиш соҳасида 2023 йилда коррупциявий жиноят содир этган 458 нафар шахснинг 89 нафари бевосита вазирлик тасарруфидаги идора ва ташкилотлар ходими, 44 нафари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ходими, қолган 325 нафари эса бошқа соҳа ходимлари ёки фуқаролар эканлиги аниқланган.

Келтирилган рақамларга асосан капитал қурилиш соҳасида содир этилаётган коррупциявий жиноятларнинг сабаб ва омиллари таҳлил қилинганда коррупциявий жиноятлар тури уларни содир эт-

ган шахсларнинг ижтимоий мақоми билан боғлиқ эканлиги, асосан қурилиш ва таъмирлаш жараёнида пудратчилар билан тил бириктирган ҳолда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб маблағларни ўзлаштириш, қонун бузилиши ҳолатларига кўз юмиш ҳамда соҳа ходимларининг ҳуқуқий билими етарли эмаслиги каби омиллар мавжудлиги аниқланган. Айниқса, давлат маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларида бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисобварақ-фактураларга сохта маълумотлар киритиш орқали давлат маблағлари талон-торож қилинган.

Мазкур жиноятларнинг содир этилишига соҳада вазифа ва функцияларни рақамлаштириш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги, фуқароларнинг осон пул топишга ҳаракат қилиши, уларда коррупцияга қарши курашиш бўйича муросасиз муносабат шаклланмагани, давлат хизматчиларининг иш ҳақи миқдори камлиги, соҳа ходимлари устидан ўрнатилган идоравий ва жамоатчилик назоратининг сустлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирлари етарли даражада ўтказилмаганлиги, жиноят содир этишнинг салбий оқибатлари англаб этилмаганлиги ҳамда соҳада содир этилаётган коррупциявий жиноятларнинг латентлиги (фош этилмаганлиги) юқори эканлиги каби омиллар сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилган<sup>14</sup>.

Коррупция айтиб ўтилганидек, турли шаклларда юзага келиши мумкин ва ҳар қандай қурилиш фаолиятида ва қурилиш жараёнининг ҳар қандай босқичида, яъни қурилишни лойиҳалашдан то қурилиш якунигача учраши мумкин<sup>15</sup>.

Қурилиш ишларини сотиб олишда халқаро консалтинг муҳандислари федерацияси (International Federation of

14 <https://aca.uz/en/article/qurilish-va-uy-joy-kommunal-xojaligi-vazirligida-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-faoliyati-samaradorligi-tahlil-qilindi>

15 Chan, A. P., & Owusu, E. K. (2017). Corruption forms in the construction industry: Literature review. *Journal of Construction Engineering and Management*, 143(8), 04017057.



Consulting Engineers (FIDIC) коррупция даъволар бўйича қарор қабул қилишда, пудратчиларга тўлов гувоҳномасини беришда, қурилишни назорат қилишда, тендерни баҳолашда ва ҳоказоларда юзага келиши мумкинлигини таъкидлайди<sup>16</sup>.

Қурилишнинг тендер босқичида тил бириктириш, объектни қуриш босқичида бажарилган ишларни ортиқча баҳолаш учун пул маблағларини жалб қилиш, сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланишни яшириш каби фирибгарлик хатти-ҳаракатлари ва бошқа бир қатор тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

Демак, қурилиш жараёнларида энг кўп учрайдиган коррупция шакллари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин.

**Пора бериш:** шартномалар, рухсатномалар ёки қулай шарт-шароитларни таъминлаш учун пора таклиф қилиш ёки олиш.

Мисол учун, янги давлат идораси биносини қуриш бўйича шартнома бўйича тендер таклиф қилинмоқда. Компания эгаси шартномани топшириш учун масъул бўлган давлат амалдори билан учрашади ва уларга шартнома ўз компаниясига берилишини таъминлаш эвазига катта миқдорда пул таклиф қилади. Амалдор пора олишга рози бўлади ва шартнома энг малакали иштирокчи бўлмаса ҳам, қурилиш компаниясига берилишини таъминлайди.

**Таклифларни ўзгартириш:** пудратчилар ўртасидаги келишув жараёнини манипуляция қилиш, бу эса нархларнинг ошиши ва адолатсиз рақобатга олиб келади.

**Ўғирлаш:** шахсий манфаатлар учун маблағлар ёки ресурсларни ўзлаштириш, кўпинча сохта ҳисоб-фактуралар ёки харажатлар орқали.

Мисол учун, давлат ёки хусусий ташкилотнинг банк ҳисобларига кириш ҳуқуқига эга бўлган компаниянинг молия

мутахассиси компаниянинг ҳисоб рақамларидан ўз шахсий ҳисобига маблағларни ўтказишни бошлайди. Улар бу пулни шахсий қарзларини тўлаш ва турмуш тарзини молиялаштириш учун ишлатишади. Вақт ўтиши билан ўғирланган маблағлар тобора кўпайиб борган сари улар молиявий ҳисоботлар ва банк ҳисоботларини ўзгартириб, ўз қилмишларини яширадilar.

**Қайтарилишлар (откат, kickback):** шартномалар ёки субпудратларни топшириш эвазига қилинган ноқонуний тўловлар.

Мисол учун, қурилиш компаниясининг қурилиш материалларини харид қилиш учун масъул бўлган ходими ёки таъминотчиси арзонроқ нархда яхшироқ маҳсулотларни таклиф қиладиган бошқа етказиб берувчилар бўлса ҳам, етказиб бериш нархи юқори ёки энг яхши сифатга эга бўлмаган бирор компаниядан кўп миқдордаги материалларни сотиб олишга рози бўлса, сотувчи сотишдан фоиз кўринишида қайтариб беришни таклиф қилади.

**Товламачилик:** қурилиш лойиҳаларини бузиш ёки зарар етказиш таҳдиди остида тўловларни ёки имтиёزلарни мажбурлаш ёки талаб қилиш.

**Фирибгарлик:** ҳужжатларни сохта-лаштириш, лойиҳа харажатларини нотўғри кўрсатиш ёки сифатсиз материаллар билан таъминлаш.

**Манфаатлар тўқнашуви:** шахсий манфаатлар учун маълум етказиб берувчилар ёки субпудратчиларга ёрдам бериш каби объективликни бузадиган фаолият билан шуғулланиш.

Мисол учун, қурилиш лойиҳалари учун шартномалар беришга масъул бўлган давлат амалдори кўпроқ малакали ва рақобатбардош иштирокчилар бўлишига қарамай ўз компаниясига ёки уларнинг оила аъзоларига тегишли компанияларга шартномалар беради. Бу манфаатлар тўқнашу-

16 International Federation of Consulting Engineers (FIDIC). (2016). Business integrity, corruption. Available <http://fidic.org/node/748>.



ви, чунки мансабдор шахс ўз мансабидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, харидлар жараёнининг адолатлилиги ва шаффофлигига путур етказди.

**Пул ювиш:** қурилиш лойиҳалари орқали ноқонуний равишда олинган маблағларнинг келиб чиқишини яшириш.

Мисол учун, қурилиш соҳасидаги давлат амалдори маълум компанияларга давлат шартномаларини бериш эвазига турли манбалардан пора олади. Ноқонуний даромадларни яшириш учун эса пораларни ўтказиш ва уларни қонуний бизнес операциялари сифатида қўрсатиш учун қобик компаниялари ва оффшор банк ҳисобларини очди. Кейин ювилган маблағларни мулк, ҳашаматли товарлар ва бошқа активларни сотиб олиш учун ишлатиб, қонуний бойлик фасадини яратади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, қурилиш соҳасидаги шартномалар ва лойиҳалар одатда катта ва эксклюзив ҳисобла-

нади. Бундай мураккабликлар қурилиш лойиҳаси мониторингини қийинлаштиради, бу эса жараён иштирокчиларининг порахўрлик ва ўзлаштириш каби коррупциявий ҳаракатларга киришишини осонлаштиради.

Бундан ташқари, кўпгина қурилиш лойиҳалари турли хил ва тарқоқ манфаатдор томонларни – ҳукумат, мижозлар, пудратчилар, субпудратчилар, назоратчилар, етказиб берувчиларни ва бошқаларни ўз ичига олади. Шунинг учун кўпинча ушбу лойиҳаларда тўлов маълумотларини, маблағлар ва бошқа ресурслар ҳаракатини самарали кузатиш қийин ҳисобланади.

Шунингдек, коррупциянинг барча шакллари қурилиш лойиҳалари яхлитлигига зарар келтиради, харажатларнинг ошишига сабаб бўлади, қурилиш объектларининг хавфсизлигига путур етказди ва жамоатчилик ишончи йўқотилишига олиб келади.

.....  
#  
\_\_\_\_\_



## **Журналда нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:**

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

## **На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:**

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.